АРМ

# TAFAKKUR



ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ,
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ
ЖУРНАЛ

ТАФАККУР 2/2024



# Maxtumquli



МАХТУМҚУЛИ

# So'z ne kerak, xaridori bo'lmasa?!

*Яхши-ёмон – одам зотининг бори*
*Навбат билан ўтиб боришин кўринг.*

* * *

*Бекка – сахо, шоҳга адолат яхши.*

* * *

*Бедов дегач, бўлмас ҳамма бедов тенг,*
*Чин бедовлар майдонинда билинур.*

* * *

*Бир очни тўйдирмоқ – ҳаждир.*

* * *

*Эрта ошкор бугун яширин сирлар.*

* * *

*Кимнингки бадбахтлик табиатида,*
*Бутун олам ожиз тарбиятида.*

* * *

*Қарға айтур: "Йўқдир мендайин шаҳбоз",*
*Минг қарға йиғилса, лочин бўлмас, рост.*

* * *

*Олам ичра одам қолмас, ном қолур.*

SDVU Axborot-resurs markazi
Inv №136919

*ҲАР ИШКИ ҚИЛМИШ ОДАМИЗОД,*
*ТАФАККУР БИРЛА БИЛМИШ ОДАМИЗОД*



# TAFAKKUR

2
2024
(118)

# Тафаккур

***ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ***

Журнал 1994 йилдан чиқа бошлаган. Бир йилда турт марта нашр этилади.

Бош муҳаррир
Эркин АЪЗАМ

*Таҳририят*

Бош муҳаррир уринбосари
Собиржон ЁҚУБОВ

Булим муҳаррирлари
Султонмурод ОЛИМ
Нодира ОФОҚ
Шоҳсанам РУЗИМАТ кизи

Бадиий муҳаррир
Ольга ЖОЛДАСОВА

Мухбир-муҳаррир
Насрулло ЭРГАШ

Техник муҳаррир
Наргиза УСМОНОВА

*Жамоат кенгаши*

Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ
Абдулла АЪЗАМ
Олимжон ДАВЛАТОВ
Хуршид ДАВРОН
Шуҳрат РИЗО
Сирожиддин САЙЙИД
Хайриддин СУЛТОН
Абдураҳим ЭРКАЕВ
Муртазо ҚАРШИБОЙ
Дилмурод ҚУРОНОВ
Отабек ҲАСАНОВ

Муассис – Республика Маънавият ва маърифат маркази.
Узбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0219-рақам билан руйхатга олинган.
Матнларда фойдаланилган мисол, кучирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир.
Журналдан кучириб босилганда манба қайд этилиши шарт.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бобур кучаси, 9-бино.
(55) 508-11-45
(55) 508-11-46
tafakkurtahririyati@mail.ru
Журнал андазаси таҳририятнинг компьютер булимида тайёрланди.
"Global Color Print" босмахонаси. Тошкент шаҳри, Фозилтепа кучаси, 22b-уй.
2024 йил 2 июль куни босмахонага топширилди. Қоғоз бичими 70x100 1/16. 6 босма табок. 02/07/2024-буюртма. Нашр адади 6900 нусха.

## НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?

Мудроқлар ва уйғоқлар. *Адиб Олим ТОШБОЕВ билан суҳбат* .......... 4



## АҚЛ МУНОЗАРАСИ

Зуҳриддин ИСОМИДДИНОВ. Ҳар ашёда миллийлик зоҳир ...16

## ОЛИЙ МЕЗОНЛАР

Нодира ОФОҚ. Орзу ҳуқуқи .......... 24



Евгений КУЗНЕЦОВ. "*Метиндек бардош*"

# SAHIFALARIDA

## саҳифаларида


**ШАРҚУ ҒАРБ ФАЛСАФАСИ**

Байрам АЛИ. Эътиқод манзил эмас, йўлдир ... 32

**КУРАШАДИ ИККИ ТЎЛҚИН**

Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ. Мансабдан олий маслак ..................... 38

**ИБРАТНОМА**

Муртазо ҚАРШИБОЙ. Чўққидаги сорлочин ... 45






**САНЪАТ ФАЛСАФАСИ**

Андрей ТАРКОВСКИЙ. Қўмсов .................. 54

**ТАҚДИРДАГИ ТАДБИРЛАР**

[illegible] ХЎЖАНДИЙ. Нечун йўлнинг [illegible]?! ..................... 64

**БУЮКЛИК ТИМСОЛЛАРИ**

Жаъфар ХОЛМЎМИНОВ, Шерали ТУРСУНОВ. Саййиди сирдон ..... 72






**ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР**

Нусратулло ЖУМАХЎЖА. Кўнгилга яқин китоблар ..................... 78

**ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР**

Ёқутжон ҚОДИРОВА. Аёлнинг ўзгараётган мақоми ..................... 86

Жасурбек ЭШТЕМИРОВ. Замонавий шаҳар: тарих ва тадқиқ ..................... 87

Қундузхон НИШОНБОЕВА. Камолотнинг тўрт шарти ..................... 88

Мақсуд АСАДОВ. Баҳор кунларида кузнинг ҳавоси ..................... 89

Равшанбек ЭГАМБЕРДИЕВ. Виждон харитаси ..................... 90

Омина АЗИЗОВА. Миллият тараннуми ...... 91

Музаффар СУВОНҚУЛОВ. Битикларга беркинган тарих ..................... 92

Алижон САФАРОВ. Тадқиқ этилмаган саҳифалар ..................... 93

*Журналнинг инглизча мухтасар мазмуни* ..................... 95


SDYU Axborot-resurs markazi
Inv № 136919



# MUDROQLAR va UYG'OQLAR

## Адиб Олим ТОШБОЕВ билан суҳбат

*– Сўзимизни сизу биз учун ҳаёт-мамот аҳамиятига молик таълим мавзусидан бошласак. Ўзингизга маълум, Сингапур қирқ йил ичида дунёдаги энг қашоқ ва коррупциялашган давлатдан энг мутараққий мамлакатлардан бирига айланди. "Бунга қандай эришилди?" деган саволга ислоҳотчи раҳнамо Ли Куан Ю шундай жавоб берган экан: "Мен ватаним олдидаги бурчимни бажардим, холос. Давлат бюджетини таълимга йўналтирдим, муаллимни энг қуйи табақадан энг юқори мартабага кўтардим. Сингапурдаги мўъжизаларни амалга оширган инсонлар – муаллимлардир. Улар илм, ахлоқ, меҳнатни севадиган камтарин авлодни тарбияладилар. Бунинг учун улардан миннатдорман".*

*Олим ака, мамлакатимиз мустақилликка эришганига, иншааллоҳ, 33 йил бўлади. Бизнинг орзудаги авлодни етиштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз қанчалик самара берди?*

– Отдош, жудаям залварли савол беряпсиз. Таълимда суяги қотган, шу соҳада сочи оқарган одамлар соҳадаги оғриқларни нозикроқ ҳис этади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида чиққан қонунлардан бири "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун эди. Кейин "Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" қабул қилинди. Ўша даврда бу ҳужжатларнинг қабул қилиниш жараёнини кузатган зиёлилар, таълим фидойилари некбин орзуларга берилгани рост. Афкор омма янги, мустақил давлатнинг замонавий, жаҳон тажрибасидан ўтган таълим тизимига интеграциялашуви улкан ютуқлар гарови бўлади деб инонди. Аммо ўтган йиллар сарҳисоби таълимда кўп нарсани бой берганимизни кўрсатди.

Ривожланган давлатлар тажрибасини татбиқ этаётганимизда ўзимизга мослаб, ярмидан кесиб қабул қиламиз ёки охирги "бекати" бўлмайди. Касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларни олайлик. Америка ўтган юз йилликда илғор таълим тизими сифатида исбот этган бу усулни чилпиб қабул қилдик ва пировардида коллежларни битирган юз минглаб ёшлар ишсиз бўлиб қолди. Пухта ўйланмаган бу сиёсатдан норози одамларнинг "Э-э, қўй шу коллежингни. Техникум яхши эди... " деган аччиқ таъналарини эса эшитмаганга олдик. Шу важдан хориж тажрибаси ҳақида гапиришга, очиғи, чўчиб қолганман. Нега ҳамма жойда самара берган мукаммал тизимлар бизга келганда беобрў бўлиб қолади? Сингапур тажрибасини ёдга олдингиз. Келинг, шу сингапурликларни ҳам жанжалнинг уясига айланган кластер каби маломатга гирифтор этмайлик...

Асрлар давомида ислом дини, шарқона одоб-ахлоқ руҳида шаклланган миллий педагогикамиз бор. Таълимнинг замонавийлашуви, мутараққий мамлакатлар андазаларига мослашув асл миллий ўзакдан ажралмаган ҳолда амалга оширилиши тарафдориман. Қадим Мовароуннаҳрда устознинг мақоми ҳамиша баланд бўлган. Давлатнинг энг муҳим ички сиёсати бу – таълим. Мамлакат етакчисидан тортиб алифбодан сабоқ берадиган ўқитувчигача битта тизим, мақсад, ғоя атрофида бирлашишимиз шарт. Таълим миллатнинг, давлатнинг келажаги экани маълум. Келажак билан эса ўйнашиб бўлмайди.

*– Биз мактаб таълимини совет даврида олганмиз. Яхши эслайман, мактабимизга милиция ходимининг келиши камдан-кам юз берарди. Фавқулодда бирор жанжал ёки тўпо-*

– Отдош, жудаям залварли савол беряпсиз. Таълимда суяги қотган, шу соҳада сочи оқарган одамлар соҳадаги оғриқларни нозикроқ ҳис этади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида чиққан қонунлардан бири “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун эди. Кейин “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинди. Ўша даврда бу ҳужжатларнинг қабул қилиниш жараёнини кузатган зиёлилар, таълим фидойилари некбин орзуларга берилгани рост. Афкор омма янги, мустақил давлатнинг замонавий, жаҳон тажрибасидан ўтган таълим тизимига интеграциялашуви улкан ютуқлар гарови бўлади деб инонди. Аммо ўтган йиллар сарҳисоби таълимда кўп нарсани бой берганимизни кўрсатди.

Ривожланган давлатлар тажрибасини татбиқ этаётганимизда ўзимизга мослаб, ярмидан кесиб қабул қиламиз ёки охирги “бекати” бўлмайди. Касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларни олайлик. Америка ўтган юз йилликда илғор таълим тизими сифатида исбот этган бу усулни чилпиб қабул қилдик ва пировардида коллежларни битирган юз минглаб ёшлар ишсиз бўлиб қолди. Пухта ўйланмаган бу сиёсатдан норози одамларнинг “Э-э, қўй шу коллежингни. Техникум яхши эди... ” деган аччиқ таъналарини эса эшитмаганга олдик. Шу важдан хориж тажрибаси ҳақида гапиришга, очиғи, чўчиб қолганман. Нега ҳамма жойда самара берган мукаммал тизимлар бизга келганда беобрў бўлиб қолади? Сингапур тажрибасини ёдга олдингиз. Келинг, шу сингапурликларни ҳам жанжалнинг уясига айланган кластер каби маломатга гирифтор этмайлик...

Асрлар давомида ислом дини, шарқона одоб-ахлоқ руҳида шаклланган миллий педагогикамиз бор. Таълимнинг замонавийлашуви, мутараққий мамлакатлар андазаларига мослашув асл миллий ўзакдан ажралмаган ҳолда амалга оширилиши тарафдориман. Қадим Мовароуннаҳрда устознинг мақоми ҳамиша баланд бўлган. Давлатнинг энг муҳим ички сиёсати бу – таълим. Мамлакат етакчисидан тортиб алифбодан сабоқ берадиган ўқитувчигача битта тизим, мақсад, ғоя атрофида бирлашишимиз шарт. Таълим миллатнинг, давлатнинг келажаги экани маълум. Келажак билан эса ўйнашиб бўлмайди.

*– Биз мактаб таълимини совет даврида олганмиз. Яхши эслайман, мактабимизга милиция ходимининг келиши камдан-кам юз берарди. Фавқулодда бирор жанжал ёки тўпо-*

*лон бўлмаса, форма кийган ходим таълим даргоҳига қадам босмасди. Мактабларимиздаги давомат, интизом масаласи Миллий гвардияга топширилгани тизимда катта муаммолар йиғилиб қолганини англатадими?*

– Мактабларга Миллий гвардиянинг бириктирилганига кўп бўлгани йўқ, аммо ижтимоий тармоқлар ота-оналар, устозларнинг эътирозларига тўлиб-тошди. Моҳиятан олиб қараганда, мактабга миршабнинг масъул этиб тайинланиши устозларга, таълим мутасаддиларига ишонч йўқ дегани эмасми? Миршабнинг ота-онага “Боланг қани?” дейишини қўйинг, устозларни “Қаерда юрибсиз?” деб тергаши замонавий тараққиёт талабларига мутлақо зид. Назаримда, куч ишлатар тизимлар билан муаммони ечишга уриниш – муаммодан қочиш билан баробар. Устоз ва ота-она билан ҳал бўладиган масалага учинчи томоннинг даллоллик қилиши ғалати. Гапни болалатиб, калавани чувалатмай устознинг мавқеини кўтариш, ота-онанинг мактабга бўлган ишончини тиклаш лозим. Ота-она устоз олдида бамисоли қарздордай туриши керак. Муаллимга мушт ўқталиш, дўқ-пўписа қилиш билан болаларимизнинг келажагини майиб қиламиз, холос. Устозни калтаклаган ҳокимтўра жазоланмаган жойда ҳар қандай некбин ғоя ҳаётга кўчмайди.

*– Ҳақиқатан, бошқа соҳаларда Ғарбдан ўрганадиган жойларимиз бордир, лекин устозга эҳтиром борасида бировдан андаза олишга ҳожат йўқ. “Устоз отангдан улуғ” деган гап бежиз айтилмаган, ахир. Лекин кейинги жараёнларни кузатиб, боримизни ҳам бой бериб қўймаяпмизми деган иштибоҳ ўтади кўнгилдан...*

– Табиатимизда қандайдир оҳанжамаларга ишқибозлик бор. Илдизини суриштирмаймиз. “Ялтир-юлтир, дикир-дикирдан муддао не? Бу кимнинг ноғораси? Унга ўйнаш шартми?” деб биров сўрамайди. Ялтираб кўриндими, бас, биз уни шубҳасиз тилла деб ўйлаймиз. Эсласангиз, истиқлолнинг дастлабки йиллари бозор иқтисодига ўтишнинг турк, швед, хитой моделлари муҳокама қилинган эди. Муҳокамалар якунига етмасдан ҳаммаси “пуф, сассиқ”қа чиқиб, ўзимизга хос, ўзимизга мос модель жорий этилди. Натижа шу бўлдики, бугун ҳам иқтисодийислоҳотларни чуқурлаштириш ҳақида гапиряпмиз...

Яқин ўтмиш сабоқларини эслаганим, “хос”ларнинг чиройли сўзлар, жарангдор ибораларга ишқибозлиги каптарбозларнинг

*лон бўлмаса, форма кийган ходим таълим даргоҳига қадам босмасди. Мактабларимиздаги давомат, интизом масаласи Миллий гвардияга топширилгани тизимда катта муаммолар йиғилиб қолганини англатадими?*

– Мактабларга Миллий гвардиянинг бириктирилганига кўп бўлгани йўқ, аммо ижтимоий тармоқлар ота-оналар, устозларнинг эътирозларига тўлиб-тошди. Моҳиятан олиб қараганда, мактабга миршабнинг масъул этиб тайинланиши устозларга, таълим мутасаддиларига ишонч йўқ дегани эмасми? Миршабнинг ота-онага "Боланг қани?" дейишини қўйинг, устозларни "Қаерда юрибсиз?" деб тергаши замонавий тараққиёт талабларига мутлақо зид. Назаримда, куч ишлатар тизимлар билан муаммони ечишга уриниш – муаммодан қочиш билан баробар. Устоз ва ота-она билан ҳал бўладиган масалага учинчи томоннинг даллоллик қилиши ғалати. Гапни болалатиб, калавани чувалатмай устознинг мавқеини кўтариш, ота-онанинг мактабга бўлган ишончини тиклаш лозим. Ота-она устоз олдида бамисоли қарздордай туриши керак. Муаллимга мушт ўқталиш, дўқ-пўписа қилиш билан болаларимизнинг келажагини майиб қиламиз, холос. Устозни калтаклаган ҳокимтўра жазоланмаган жойда ҳар қандай некбин ғоя ҳаётга кўчмайди.

*– Ҳақиқатан, бошқа соҳаларда Ғарбдан ўрганадиган жойларимиз бордир, лекин устозга эҳтиром борасида бировдан андаза олишга ҳожат йўқ. "Устоз отангдан улуғ" деган гап бежиз айтилмаган, ахир. Лекин кейинги жараёнларни кузатиб, боримизни ҳам бой бериб қўймаяпмизми деган иштибоҳ ўтади кўнгилдан...*

– Табиатимизда қандайдир оҳанжамаларга ишқибозлик бор. Илдизини суриштирмаймиз. "Ялтир-юлтир, дикир-дикирдан муддао не? Бу кимнинг ноғораси? Унга ўйнаш шартми?" деб биров сўрамайди. Ялтираб кўриндими, бас, биз уни шубҳасиз тилла деб ўйлаймиз. Эсласангиз, истиқлолнинг дастлабки йиллари бозор иқтисодига ўтишнинг турк, швед, хитой моделлари муҳокама қилинган эди. Муҳокамалар якунига етмасдан ҳаммаси "пуф, сассиқ"қа чиқиб, ўзимизга хос, ўзимизга мос модель жорий этилди. Натижа шу бўлдики, бугун ҳам иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳақида гапиряпмиз...

Яқин ўтмиш сабоқларини эслаганим, "хос"ларнинг чиройли сўзлар, жарангдор ибораларга ишқибозлиги каптарбозларнинг

каптар учириб завқланишига ўхшайди. Таълимдаги янги ва янги, хилма-хил тажрибалар гўёки авомни чалғитиш учун ўйлаб топилгандай...

Қишлоқ хўжалигида экинни қайта экиш фожиа саналмас. Аммо таълимда йўл қўйилган хато учун бутун бир авлод товон тўлайди.

*– Жорий йил бошида Андижонга сафар қилган давлатимиз раҳбари вилоятдаги 2-ихтисослаштирилган мактаб-интернатда ҳам бўлди. Бу ҳақда Миллий ахборот агентлиги шундай маълумот тарқатди: "Мазкур муассаса ўтган йили 50 миллиард сўм давлат бюджети маблағлари ҳисобига барпо этилган, 5 – 11-синфлар аниқ ва табиий фанларни чуқур ўқитишга ихтисослашган. Президентимиз бу ерда ўқитувчилар билан суҳбатлашди, бир-бирини такрорлайдиган дарсларга ёшларнинг вақтини кетказмасдан кўпроқ амалиётга йўналтириш бўйича кўрсатмалар берди".*

*Вилоятдаги энг намунали мактабда аҳвол шундай бўлгач, бошқалардан нима кутиш мумкин? Бунақа камчиликларни ўқув йили бошида бартараф этиш шунчалик қийинмикан?*

– Юртбошимиз эътирозидан англашиляптики, мактабларда қанақа фанлар ўқитилаётгани жиддий тафтиш этилмаяпти. Ёки эътирозлар, таклифлар, мулоҳазаларни тинглайдиган мард йўқ. Дунёга машҳур компаниялар қандай мутахассис тайёрланаётганини доим назоратда тутади. Демак, бизда ҳам мактабда ўқувчини ҳаётга тайёрлаш масаласига ҳукумат даражасида аҳамият берилиши керак. "Сўнгги қўнғироқ"да оғзимизни тўлдириб "Катта ҳаётга йўл оляпсизлар..." деган чиройли тилакларни айтамиз, лекин болаларимиз ҳаётнинг шафқатсиз синовлари қаршисида довдираб, йўлини йўқотиб қўяётгани сир эмас. Чунки аксар мактабларимиз ўқув марказлари соясида қолиб кетди. Ота-оналар мактабга ишонмаганидан битта фанга камида 400-500 минг сўм тўлаб боласини ўқув маркази ёки хусусий мактабга олиб боряпти. "Ўқитувчининг савиясизлигидан шундай бўляпти" дейишингиз мумкин. Хўш, савиясиз ўқитувчини ким етиштиряпти? Албатта, олий таълим. Университет аудиторияларида уйқусираб ўтирган, умрида битта бадиий асарни тўлиқ ўқиб чиқмаган билимсиз болалар осмондан тушмагандир? Мана, узлуксиз занжир. Демак, бу нобоп ҳалқани тўғрилаш керак. Эртага, дейлик, ўн йилдан кейин ҳам шу муаммо ҳақида яна гап сотиб ўтирсак, демак, бошқа соҳалар каби таълимга ҳам панжа орасидан қараган бўлиб чиқамиз.

Мамлакатимиз аҳолиси сўнгги йилларда салкам бир миллионга кўпаяётир. Бу жуда катта ресурс. Агар биз таълим сифатини оширсак, Ўзбекистон дунёга иш кучи эмас, илм экспорт қилиш имкониятига эга бўлади.

*– Хабарингиз бор, Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш тараддудида. Таҳририятдан шу мавзуда бир репортаж тайёрлаш топширилди. Август ойи денг, олий ўқув юртларига қабул бошланган. Қаёққа қараманг, хусусий университетларнинг "Ўқишга марҳамат!" деган рекламаю эълонларига кўзингиз тушади. Иқтисод йўналишидаги институт ва университетларни ажратиб олдим-да, бирма-бир қўнғироқ қилиб чиқдим: "Ўзбекистоннинг ЖСТга кириши бўйича интервью мўлжаллаган эдик. Шу мавзуни шарҳлаб берсангиз..." Ишонасизми, бирорта хусусий университетдан мавзуни тушунтириб берадиган иқтисодчи топилмади.*

– Савия садоқатнинг қурбонига айланса чатоқ экан. Гапнинг даромадини айтай, сабрда мумтоз халқимизнинг тиббиётдан норозилиги ҳадди аълосига етди. "Dok-1 Maks" иши фармацевтикамиз коррупция исканжасида эканини яққол кўрсатди. Хусусий клиникалар низомини ўқисангиз, тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтганига гувоҳ бўласиз. Бош мақсад – пул ишлаш. Аксари "Лўлининг эшагини суғориб пулини ол" шиори билан иш кўраётир. Бу мақол кўпгина хусусий университетлар учун ҳам ақидага айланган. Қабул даври ҳазиллашиб паспорт олиб боринг, рўйхатдан ўтказиб, суҳбатга чақиришади. Шартнома пулини тўласангиз бўлди, талабасиз! Шоввозлар ақча топиб ақл топмаган дардисарни фалон миллионга тўрт йил "ўқитади". Ҳеч бир университетда бўлажак мутахассис нимани ўрганди, эртага ишга ярайдими ўзи, деган суриштирув-мониторинг йўқ. Кимдир "Вақти келиб миқдор ўзгариши сифат ўзгаришига айланади" дейиши мумкин. Тўғри, лекин бой берилган авлод-чи? Шунинг учун ҳам хусусий олий таълим муассасасининг ўқитувчи-профессорлар таркиби, ўқув жараёни доимий назоратда бўлиши керак. Билъакс, "Ўзбекистон ЖСТга аъзо бўлса ютадими-ютқазадими?" деган оддий саволга ҳам жавоб беролмайдиган мутахассислар урчийверади...

Устозларни танлаш хусусий университет раҳбариятининг таъбига қараб ҳал қилинади. Аввало, таниш-билишчилик. Яна бир нечта "майда, арзимас" сабаблар ҳам бор. Биринчидан, маош кат-

та. Иккинчидан, қоғозбозлик, бюрократия, текшир-текшир йўқ. Учинчидан, аксарияти "беш кунлик". Давлат университетларида ўқитувчининг юкламаси 600 – 800 соат бўлса, хусусийларда 400 – 500 соат. Боз устига, дарс давомийлиги 60 дақиқа. Кам ишлатиб, кўп пул бераётган университетларга ўтиб олган, "кредитим бор..." дея маҳзун жилмаяётган устозларни ҳам тушуниш керак.

*– Олим ака, сўнгги вақтларда шов-шув қўзғаётган миллатлараро муносабатлар масаласида фикрингизни билмоқчи эдим. Россия Ўзбекистон учун жуда муҳим ҳамкор. Икки мамлакат ўртасидаги йиллик товар айирбошлаш салкам 9 миллиард долларга етади. Россиянинг МДҲ мамлакатлари билан йиллик савдо-сотиғи 100 миллиард доллардан кам эмас. Европа мамлакатлари санкцияларга кўмиб ташлаган бир шароитда россиялик депутатлар, экспертлар, сиёсатчиларнинг Марказий Осиёни босиб олиш, унинг тили, тарихи ҳақидаги ҳақоратомуз гаплари ғалати туюлади.*

– Даштда, тоғда яшайдиганлар бургутни яхши билади, жуда мағрур қуш. Тоғнинг кўрки, безаги-да! Одамлар фарзандига бежиз Бургут деб исм қўймайди. Лекин икки бошли бургут ҳам бор. Туркистон осмони бир ярим асрдан бери ана шу бургутдан қутулолмаяпти-да. Бу қурғур ҳар-ҳар замон хунук овоз чиқариб, чумчуқ пирр этса ҳам шиғиллайдиган юракларимизни қинидан чиқариш билан машғул... Энди, яширишнинг ҳожати йўқ, юртимизда ўша шовинистик тарғибот мойдай ёқадиганлар адади ҳам кам эмас. Назаримда, миллий ғурур заифлашгани, миллат сифатида шаклланмаганимизнинг яққол кўриниши шу! Қўпол бўлса ҳам айтиш керак: бундай қараш мусулмон юрт, халқ учун жонини берган ота-боболар қабри устида ножўя қилиқ қилган билан баробар!

Совет империяси қулаши арафасидаги миллий уйғониш жараёнлари кўпчиликнинг ёдида. Болтиқбўйи баралла ҳақ талаб этганида биз мудроқ эдик. Негадир доим кеч уйғонадиган халқимиз ўшанда ўзбек тили учун курашда чинакам жонбозлик кўрсатди. Аммо жамиятда, ҳатто зиёлилар орасида ҳам иккитиллиликни қўллаб-қувватлайдиганлар, "Ўзбек тили давлат тили бўлса қандай яшаймиз? Москвадан ажралсак кунимиз ўтмай қолади-ку!" дейдиганлар бор эди. Ана шу мафкура бугунгача яшаб келяпти. Давлат тили ҳақидаги қонуннинг тишини қоқиб олдик. Ҳатто 21 октябрь – Ўзбек тили байрами кунини бошқаларнинг иззат-нафси таҳқирланаётгандай минг бир хижолат бўлиб нишонлаймиз.

Она тили ҳақида кимларнингдир қош-қовоғига қараб гапиряпмизми, билингки, бу халқнинг қаддини кўтариш қийин бўлади, ўзбек тили чинакам давлат тили бўлиши пайсалга солинаверади. Шу боис ҳар қандай шовинистик қарашларга дадил муносабат билдириш керак.

*– Бугунги кунда ёшлар асосан интернетни, ижтимоий тармоқларни кузатади, лекин катта авлод учун барибир телевидение бирламчи, ишончли манба экани сир эмас. Афсуски, телеканалларимиз бу масалада тек туришни маъқул кўрмоқда. Ваҳоланки, россиялик тарғиботчилар учун мамлакатнинг федерал каналлари, "РИА Новости" каби агентликлари минбар вазифасини ўтаётир.*

– Овоз чиқармаслигимиз қўрқоқлигимизни билдиради. Қарангки, улар "Бу юрт бизнинг қаламравимизда..." дея очиқ айтяпти! Ҳатто, ўзбек кеча пайдо бўлган, дейишгача борди. Мустабид мағрур-у, мазлум миллат муттаҳамми? Ўша шовинистлар фаранг, япон ё олмоннинг шаънига шунақа ҳақорат ёғдириб кўрсин-чи!

Нега қўрқамиз, ахир, давлат бизники-ку! Илғор фикрли, кўзи очиқ зиёлиларга, ватанпарвар, мустақиллик учун жонини берадиган одамларга минбар берайлик. Истиқлол учун жонидан кечган жадидлар номини кўтаряпмиз. Мана, "Жадид" деган янги газета чиқяпти. Ёки булар шунчаки бир муросавий ҳаракатлармиди?..

*– Сиз "Ботиндаги бўрон" асарингизда таърифлаган америкалик сайёҳ Южин Скайлер Чор Русияси амалдорлари Тошкентга турли мақсадларда келганини ёзади, бирови қарздан қочиб, бирови мўмай даромад, бошқа бири пенсияга чиқиш учун стаж илинжида шаҳарни макон тутган: "Тошкентдаги рус жамияти ўлка ҳақида маълумотларга эга бўлиш тугул, ҳатто унга умуман қизиқмаслиги мени ҳайратда қолдирди. Айни чоқда, улар наздида кўнгилсизликлар макони бўлган бу мамлакатга қизиққаним, шунчалик узоқдан уни кўришга келганимни кўпчилик тушуна олмади". Скайлернинг ёзганлари ҳақиқат бўлса, минтақанинг империяга "қўшиб олинишининг прогрессив аҳамияти" қаёқда қолди?*

– Южин Скайлер 1873 йили – қирғин авж олган, тошкентлик савдогар Саидазимбой Хивани оқпошшо маҳв этса, гумбурлатиб тўй бериш ҳаракатида юрган бир кезда келади. Сайёҳ Тошкентда ин қурган чор зобитлари, иқтисодчию саноатчилари даврасида

кўрган-эшитганларини ҳам кундалигига битиб борган. Илк бор 1876 йили Лондонда нашр этилган, ҳаққоний тарих очилишидан хавфсираган шўро неча замон беркитиб келган "Туркистон" китоби халқимиз орасида шов-шув бўлар деб ўйлаган эдим. Афсуски...

Скайлернинг ҳамкасби ва ҳамсафари, "Нью-Йорк Ҳеральд" газетаси мухбири Януарий Алоизий Мак-Гаҳан "Ўкуздаги ҳарбий ҳаракатлар ва Хиванинг қулаши" асарида хонликдаги ўзи билан ўзи овора, ташқи хавф-хатарлардан заррача огоҳ бўлмаган амалдорлар халқни нақадар журъатсиз ва муте сақлаганини надомат билан тасвирлайди.

Икки империя тўқнашган бу ҳудуд ҳақида Питер Ҳопкиркнинг "Катта ўйин" асари ҳам бор. Ўша кезлар Англия ва Россия Марказий Осиёга тинимсиз жосус юборган. Ҳар икки давлат махфий хизматлари ўзаро келишмайдиган уч ҳукмдор ва "ярим ёввойи" халқ ҳақида ёзади. Бир тахайюл қилайлик: Каспий денгизидан Помир тоғларигача чўзилган улкан ҳудудда ҳукмрон бўлган аждодларимиз бир мушт бўлганида борми!..

"Айиқ" ва "Шер" то ҳануз ўзини қадим Туркистонга дохил санар экан, XIX асрнинг биринчи чорагида хуфялар қолдирган мерос – жилд-жилд маълумотлар замонавий катта ўйинларга асос бўлиши хавфи бор...

Егор Мейендорфнинг "Оренбургдан Бухорога саёҳат" асарини ўқиганлар рақобат кўламини яхши билади. Бу рус зобити шарқ тилларини пухта эгаллаган ҳамкасблари билан Русия ва Бухоро ўртасида савдо-сотиқни ривожлантириш ниқоби остида 1820 йил кузида Туркистонга қадам қўяди. Асли Болтиқбўйи олмонларидан бўлган Мейендорф амирлик ҳудудини шу қадар синчковлик билан, қадам-бақадам ўрганганки, ёқангизни ушлайсиз. Бунақа "йўл харита"лар жуда кўп, аммо биз ўзимизни билмаймиз. Дунёни бўлиб олишга шайланган давлатлар минтақамизни, жумладан, мусулмон халқларнинг заиф жойларини – ким ким билан зиддиятда, қайси уруғ ёки сулолани кимга қарши қайраш мумкин – ўта мукаммал тадқиқ этган.

Айрим миллатдошларимизнинг "Агар Русия босиб олмаганида хор бўлардик" дейиши шўродан мерос дақки даъво. Иккинчи бир тоифа эса кўзлари жавдираб, "Англия босиб олганида яхши бўлармиди..." дея каловланади. Таажжуб, нега бизни биров босиб олиши керак? Ер юзида бошқа бирорта миллат изтиробли ўтмишини бу тарзда муҳокама қилармикан?! "Ўзингни қачон танийсан? Қачон

илм ўрганиб дунёга ўзингни кўрсатасан?..” деганларни масхаралаб, мустабидга ялтоқланадиган халқни қаерда кўргансиз?! Қалб ва руҳиятга сингиб кетган бу психологиянинг пайдо бўлишида номуносиб ишбошиларнинг ҳам яхшигина ҳиссаси бор.

Энди ишсизлик балоси ҳақида икки оғиз. Энг катта муаммо мана шу ерда. Яъни давлат фуқароларига иш топиб беролмади. Ўз ҳолига ташлаб қўйилган миллионлаб одамлар тирикчилик илинжида Европа, Осиё, Америкага кетишга мажбур бўлди. Асосий қисми Россияга йўл олди. Тирикчилик кўйида улоққан бу жонларни, дўппи тор келганда, “дангасалар” ҳам дедик.

Мана, уч-тўрт йилдан бери ўша ёриқни бутлаш мақсадида ўнлаб давлатлар билан шартнома қилиняпти экан. Халқ хурсанд. Қўл кучи, қора меҳнат эвазига қозон қайнатган ўзбекка дунё давлатларининг эшиклари очилсин. Давлат фуқароларнинг ижтимоий, ҳуқуқий ҳимоясини зиммасига олаётгани рост бўлсин.

Бутун дунёда миграция масаласида катта тажрибага эга давлатлар бор. Турк қардошларимизнинг Олмонияни “забт этиш” тарихини ўрганиш кифоя. Гёте ватанида бугун миллионлаб турк нуфузли соҳаларда ишлаётибди. Россия, Жанубий Корея, Англия, Польша, Олмония, Америкадаги миллатдошларимиз катта-катта тадбиркору бизнесменларга айланишига, машҳур олим, шифокор, муҳандис, ихтирочиларни дунёга келтиришига ишонаман. Риши Сунакнинг отаси муҳожирлик жомадонини кўтариб Кениядан Англияга йўл олганида фарзанди Буюк Британия бош вазири бўлишини хаёлига келтирмагандир?..

*– “Ботиндаги бўрон” китобингиздаги мана бу жумлалар мени ўйга толдирди: “Эвоҳ! Шариат асосига қурилган ҳаёт шунчаки хўжакўрсин учунмиди? Халқнинг бошида раис турса “Оллоҳ!” дейди-ю, назорат бекор бўлса куфрга кетадими? Бундай риёкорлик истило билан бирга келдими ё унинг уруғи аввалроқ униб чиққанмиди?..”*

– Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигида “раис”, “муҳтасиб” аталган расмийлар аҳолининг масжидларга қатнаши, ношаръий ишлару нарх-навони назорат қилганидан бохабар Южин Скайлер либерализм диний ҳаётни пароканда этаётганини ёзади: “Руслар Тошкентни босиб олгач, раис идораси бекор қилинганидан бери динга амал қилишда анча сусткашлик кузатилмоқда. Қозиларнинг айтишича, бурунги намозхонларнинг ярмиси ҳам кунлик ибодатга чиқмай қўйган...”

Ислом маърифати маҳкам бўлганида (XVI асргача бўлган ҳаётни эсланг!) аҳвол бу қадар забун бўлмас эди. Оқпошшо босқини арафасида Туркистонда иқтисодий, ҳарбий, ижтимоий ҳаёт ўта абгор эди. Тўғри, мадраса, масжид, работ қурган, илмга, таълимга ғамхўрлик қилган хонларимиз ҳам йўқ эмас. Лекин уларнинг эзгу ишлари булут тўсган ойга ўхшаб жаҳолат соясида қолиб кетган.

Табиатан жанговар халқни ҳарбий интизомга бўйсундирадиган бошқарув бўлмаган. XIX асрнинг биринчи чорагига қадар амирлик армияси уруш хавфи туғилсагина йиғилган ва жангдан сўнг яна тарқалиб кетган. Бекор қолган сарбозлар нафақаи рўзғор – ободончилик ишлари, деҳқончилик билан шуғулланган. Улар бошига қаландарларники каби қора узун кулоҳ, оқ бўздан шим, қишда ҳарбий мундир – кулуча кийган. Амирликни ташқи душмандан ҳимоя қилиши шарт бўлган аскарга ҳар икки йилда янги шим ва мундир берилган. Пойабзални эса ҳар бир сарбоз ўзи сотиб олган ёки тиктирган. “Эрталаб уйдан эшагини созлаб, ўрдугоҳга истар-истамас йўл олган сарбозларни кўриш кулгили эди. Ҳарбий намойишларда қатнашган аскарлар масхарабозларга ўхшаб кетарди”, деб ёзади тарихчилар.

Амир Абдулаҳад давригача ҳарбий хизмат умрбод бўлиб, сарбозлар орасида 90 яшар чолларни ҳам учратиш мумкин экан.

Тўпчилар ҳар шанба куни Самарқанддарвоза ташқарисидаги кенг далада ҳарбий машқ – “пахтапаррон” ўтказган. Сочма порох ўрнига арпа қипиғи солинган “пахтапаррон” кўпинча фожиа билан якунланган. Тўпчилар уқувсизлик ёки кучли тебраниш туфайли ҳалок бўлган. Русия, Оврупода қилич жанги аллақачон урфдан қолган бир даврда Бухоро сарбозлари ва ҳарбий амалдорлар “чиний”, “русий”, “румий”, “фаранги”, “сулаймоний”, “ҳиндий”, “дамашқий” каби оғирлиги бир неча кило келадиган қилич тақиб юришган. Қолганларида эса аллақачон эскирган аслаҳалар – чақмоқмилтиқ, пилтамилтиқ бўлган. Носоз қуроллар сарбоз ҳисобидан таъмирланган. Милтиқлар шу қадар эскирганки, ҳар бир юзликда икки-уч нафар милтиқсоз эртаю кеч қурол-яроғ тузатиш билан банд бўлган. Замонавий “Бердана-3“, “Бердана-8”, “Драгун” милтиқларини елкалаган  сарбозлар унда-бунда учраган, холос.

Ҳарбийларга казарма етишмаган. Холмуродбой иноқи калоннинг тўпчибошига 1889 йил ноябрида ёзган арзига эътибор бе-

ринг: "Аскарлар яшайдиган казармалар емирилган бўлиб, уларни таъмирлаш керак. Тахминан икки ой ичида казарма тамоман емирилади. Жаноби Олийдан умид қилиб шуни илтимос қиламанки, мазкур муддат ичида ўзим 300 нафар аскар ва тўралар билан Тахти Чорбоғ казармасига келиб жойлашсак".

Қўқон хонининг ўрдуси – қўшини бундан бадтар бўлиб, қатъий интизом нималигини билмаган, кийим-боши афтодаҳол сарбозларнинг аслаҳаси калтак, сўйил ва пилтамилтиқ эди.

"Оллоҳ таолодан бошқа ҳеч кимнинг олдида ҳисобдор эмасман" дея керилган ҳукмдорларимизнинг таҳқирли вассаллик, мутелигига бир мисол. Амир Музаффар Туркистон волийси Кауфманга бундай мактуб битади: "Жонирал губернатор адьютант фон Кауфман Русия аскариясининг сипоҳсолари ва Туркистон лашкариясининг губернатор сардориға. Сўз шулким, Бухорои шариф мусулмонлари ва бева-бечоралари сув учун кўп маҳтал бўлуб турурлар. Сув važҳидин аввалға ҳам ваъда бўлуб эрдиким, сувнинг тақсими бошдин на тариқаки бўлатурғон бўлса, вақти бўлғанда бериб бўладур. Энди бир ой савр суви зарур бўлубдур. Давлатлу ва мурувватлу улуғ подшоҳнинг ҳаққиға бева-бечоралардин дуо олиб, ваъда бўлған сув бир ой берилсунким, мусулмонларнинг экинлари зое бўлмасун ва яна ким мусулмонларға вақтиға сув берилмаса бева-бечоралар безовта бўлуб биза келсалар, аларға не жавоб айтурмиз?! Фиш шаҳри, муҳаррам, 1207, Амир Саййид Музаффар".

Муштарий "Амир алданган-да" дейиши мумкин. Ҳукмдорнинг алданишга ҳаққи йўқ! Раҳбар юҳо бўлсаям, гўл-лақма бўлсаям халқ жабр чекади. Абдулла Қодирий қаҳрамони Юсуфбек ҳожининг "Иттифоқ не эканини билмаган, ёлғиз ўз манфаати шахсияси йўлида бир-бирини еб, ичкан мансабпараст, дунёпараст ва шуҳратпараст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизға ақлим етмай қолди" дея ўртангани ўтган кунларда қолди деб ўйлайсизми?! Қирқинчи жория ёки ўттизинчи танмаҳрам қайғусида яшаган, ҳукмдорликни шоҳона зиёфатлар, зарбоф тўнлар, узлуксиз тўй-маросимлар деб билганлар хазинани еб битириб, қадоққўл халқнинг бир бурда нонига ҳам кўз олайтиришган. Қўқон хонлигида олиқ-солиқ турлари шу қадар кўп бўлганки, ҳатто ҳовуз бўйида яшовчилар зулук солиғи тўлаган. Масжидга тайинланган имом хонликка ўн танга, сўфи эса беш танга бериши лозим бўлган. Кимда-ким ўт-ўлан, қамиш

ёки бута ғамлаган бўлса ҳам солиқ тўлашга мажбурланган. Кўча-кўйда ҳайвон ўйнатиб томоша кўрсатувчилардан ҳам солиқ ундирилган. Хоннинг қизиқчилари бозорларда томоша кўрсатиб халқдан пул йиққан ва бу хонлик ошхонасининг сарф-харажатларига ишлатилган.

Ўша худбин, маишатпарастларнинг авлодлари бугун ҳам халқ мулкига кўз олайтираётган бўлса, беаёв жазоланиши керак.

*– "Воҳ, XIX аср! Сен ким учун олтин аср, лекин биз учун ботин асрсан! Эҳ, XIX аср! Икки бошли бургутни забардаст қилдинг, аммо уч оға-ини қўлини паст қилдинг..." деб ёзасиз бир мақолангизда. Тасаввур қилинг, орадан 100 йил ўтар, 150 йил ўтар, бошқа бир мухбир бошқа бир адиб билан суҳбат қуриб, улар ҳам "Воҳ, XXI аср! Эҳ, XXI аср!" деб қолмасмикан? Тўғри, муаммолар етарли, лекин ойдинларнинг ойдинлиги муаммолар ечими борасида жўяли таклифлар беришида эмасми?*

– Бир қаламкаш сифатида катта-кичик раҳбарлар билан мулоқот қилиб, аксари халқдан узилиб қолганига гувоҳ бўлганман. Ҳасратидан чанг чиққан элдошларим илтижоли термилганида шўрлик зиёлининг қўли нақадар калта эканини ич-ичимдан ҳис этганман. Ана ўша эзгин кузатувлардан сўнг давлат ва халқ ўртасидаги кўприк бу – кадр, деган ҳақиқатга амин бўлдим. Давлатни обод қиладиган ҳам, барбод қиладиган ҳам кадр! Нобоп турмушдан тўйган, адолатсизликдан чарчаган халқ аввало туман, шаҳар, вилоят ҳокими ёки вазир эшигини қоқади. Кундай равшан: масала ечилмаса, ҳоким ё вазирдан эмас, давлат раҳбаридан норози бўлади. Демак, ҳоким, вазир танлашда етти ўлчаб бир кесиш керак экан. "Қутадғу билиг", "Фозил одамлар шаҳри", "Қобуснома", "Сиёсатнома", "Темур тузуклари", "Бобурнома" каби асарларда раҳбар насл-насаб жиҳатдан пок, адолатли, тўғрисўз бўлиши, мудом раият ҳолидан огоҳ бўлиши лозимлиги битилган.

Кадр тайёрлашнинг япон тажрибасини ҳам эсга олайлик: курсига салоҳиятли, интеллектуал шахслар ўтириши керак. Ана шундагина халқнинг давлатга, сиёсатга, ҳукуматга эътиқоди баланд бўлади.

**Олимжон САФОЕВ
суҳбатлашди.**



Зуҳриддин ИСОМИДДИНОВ

# HAR ASHYODA MILLIYLIK ZOHIR

Бундан атиги юз йил аввал яшаб ўтган ота-боболаримизнинг овози сақланиб қолмаган, фотосурати ҳам йўқ. Уларнинг қиёфасини, феъл-атворини кўрган-билганларнинг ҳикоялари орқали узуқ-юлуқ тасаввур қиламиз. Биз ўша оталарнинг боласимиз, деймиз.

Аммо ҳар бир сўзи, иши ибратли бўлган улуғ сиймолар бор. Орадан неча аср ўтса ҳам, улар хаёлимизда тирикдай. Миллат уларни соғинади, хотирасида тирилтиришга уринади. Қиёфаларини ўша даврда яшаган шахслар ёзиб қолдирган қайдлар орқали тиклашга ҳаракат қилади. Гарчи бусбутун ижод маҳсули эканини билиб турсак ҳам, қай бир рассом ё ҳайкалтарош яратган қиёфани қабул қиламиз, чунки бошқа таянадиган нарсамиз йўқ...

Амир Темурнинг бўй-басти, ранг-рўйи қандайлигини унга замондош муаррихлар баён қилган. Чунончи, уни ўз кўзи билан кўрган тарихчи Ибн Арабшоҳ Соҳибқиронни "...баланд бўйли, қадимий паҳлавонлардай улкан қоматли, елкалари кенг, боши шерникидай катта, бармоқлари йўғон. оқ-қизил тиниқ юзли, йўғон овозли, икки кўзи бамисоли икки ёниқ шамдай оловли, бадани пишиқ, худди тошдай қаттиқ, ўлимдан қўрқмайдиган, изтиробсиз, вазмин одам эди", деб таърифлаган. Бундан Амир Темурнинг қад-қомати, характерини бирмунча тасаввур этиш мумкин, аммо афсуски, юз қиёфаси қандай бўлгани ойдинлашмайди.

У кезларда портрет чизиш шаклланмаган, рассомлар киши юзини тасвирлашда

реалистик йўлда эмас эди. Миниатюралар ҳам киши қиёфасини тиклашда асқатмайди. Европа рассомлари эса ўз тасаввурлари асосида Шарқ кишисига мутлақо ўхшамайдиган портретлар яратган. Турли даврларда, турли мамлакатларда чизилган бу расмлар бир-бирига ҳатто ўхшамайди ҳам.

Ва ниҳоят, XX аср ўрталарига келиб антрополог Михаил Герасимов киши юз қиёфасини скелет қолдиқларига қараб қайта тиклаш методини таклиф этди. Профессор Герасимов ўтмишда яшаб ўтган юзлаб машҳур кишиларнинг портретини уларнинг калла суяги шаклига қараб ясашга муваффақ бўлди. Жумладан, у Амир Темур қиёфасини ҳам ўша метод асосида тиклади. Соҳибқироннинг бугунги барча расмлари ва ҳайкалларига Герасимов ясаган ўша бюст асос бўлган. Гарчи улар Герасимов портретига қараганда хийла ишлов бериб, ранг индириб, “жозибали”, “жонли” ҳолга келтирилган бўлса-да, ҳаммаси ўша методга таянади.

Герасимов ясаган портретлар (жумладан, Амир Темур қиёфаси) аслидагига мувофиқ эканига шубҳа йўқ. Чунки бу олим шунчалар ясаган бюстлар кўп синовдан ўтган ва ҳар гал тасдиқланган. Ҳатто ик-ки-уч аср аввалги калла суяклари берилганда (рассомлар натурадан чизган портрети бўлган, аммо Герасимовдан атайлаб яширилган) у тайёрлаган бюст аслига ўхшаш бўлибгина қолмай, рассомлар акс эттира олмаган ёки атай тасвирламаган баъзи ҳолларни (юзида киноя акс этиб туришигача) тиклаган. Буни қарангки, бу одам чиндан ҳам заҳархандага мойил бўлган экан.



Шунинг учун ҳам, бугунги баъзи “миллатим”чиларнинг, Амир Темур хунук қилиб тасвирланган, Герасимов буни атайлаб қилган, деган иддаоларига қўшилиш қийин. Олимнинг унақа мақсади бўлмаган ва ҳеч ким унга аждодларимиз қиёфасини хунук қилиб тасвирлашга буйруқ бермаган. Қолаверса, умри жангда ўтган XIV – XV аср одамининг қиёфаси муллаёна мулойим бўлмаслигини ҳам ҳисобга олиш керак. Герасимов талқини илмий аниқ эканига яна бир далил шуки, у Амир Темур портретини ясагач, баъзи мутахассислар, мўйловини узунроқ қилиб қўйибсиз, биз мусулмонларда соқол узун, мўйлов эса калта қўйилган, кўпинча қирдириб ҳам юрилган, деб эътироз билдирилади. Аммо Герасимов бунга қўшилмайди ва портретга ўзгартиш киритмайди. Кейин маълум бўлишича, саркардалар мўйловни узун қўйиши таомил экан. Демак, олим юз ва мўй қолдиқларигача эътибор берган.

Ушбу мақола Амир Темурнинг Герасимов тайёрлаган портрети ҳаққонийлигига дахл қилиш учун ёзилган эмас, гап бошқа ёқда.

1941 йил июнь ойида Сталин топшириғига кўра Самарқанддаги Гўри Амир хилхонасида қазиш ишлари бошланган. Амир Темур ва бошқа темурий ҳукмдорларнинг дахмалари ковланишига “сабаб” эса ўзи-

SDVU Axborot resurs markazi
Inv № 136919

миздан қидириб топилган: *"Улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллиги муносабати билан, у яшаб ижод қилган темурийлар даври ҳақида янада тўлароқ маълумот олиш учун XV асрда яшаган тарихий шахсларнинг* (Амир Темур, Шоҳрух мирзо, Мироншоҳ, Улуғбек ва Муҳаммад Султон – З.И.) *қабрларини ковлаб очиш амалга оширилди"*, деб ёзилган эди ҳукумат комиссиясининг шу ҳақдаги далолатномасида. Қаранг, Навоий ижодини ўрганиш учун ўша давр ҳукмдорларининг қабрини очиш зарурати пайдо бўлган эмиш! Қолаверса, қабр ковлашга киришилган июнь ойида Навоийнинг таваллуд санаси (9 февраль) аллақачон ортда қолган эди.

Бу ишга ЎзССР Халқ Комиссарлари кенгаши раисининг ўринбосари, профессор Тошмуҳаммад Қориниёзий бошчилик қилган. Экспедиция таркибида атоқли адиб Садриддин Айний, шарқшунос олим Александр Семёнов, кишининг ташқи қиёфасини унинг бош чаноғи суяклари асосида қайта тиклаш методининг ижодкори – антрополог, археолог, ҳайкалтарош Михаил Герасимов, таниқли археолог Михаил Массон ва бошқалар бўлган. Археолог Василий Шишкин, Яҳё Ғуломов, фольклоршунос Ҳоди Зариф, ёзувчи Михаил Шевердин, антрополог Лев Ошанин ҳам мазкур рўйхатга киритилган. Қабрларни қазиш жараёнини тасвирга олиш ёш кинооператор Малик Қаюмовга топширилган.

Малик Қаюмовнинг эслашича, мўмиёлангани боис Соҳибқироннинг юз териси орадан қарийб беш асрлик муддат ўтган бўлса-да, бутун сақланиб қолган экан. Аммо дахма очилган чоғдаги қимирлаш ва шабада теккани сабабли бир лаҳзада дув этиб тўкилиб тушган. Бундай ҳолат кўзда тутилмаганидан киноаппаратлар ишга туширилмаган, бинобарин, Амир Темурнинг қиёфаси тасмага муҳрланмай қолган. Баъшарти, ўша онда киноускуна ишлаб турганида, янада ҳаққоний портретга эга бўлар эдик.

Герасимов Соҳибқирон бош суягини Москвага, лабораториясига олиб кетиб, бизга маълум бюстни ясайди.



Ушбу комиссия аъзолари ичида энг ёши бўлган Малик Қаюмов орадан кўп йиллар ўтгач, Амир Темур сағанасини очиш тафсилотларини баён қилиб, жумладан, бир неча чолнинг "Очманглар, акс ҳолда уруш-қирғин бошланади!" деган гапларини келтирган. Дахма барибир очилади, эртасига эса уруш бошланади. М. Қаюмов фронтда маршал Георгий Жуков билан учрашганида унга бу воқеаларни айтгач, Соҳибқироннинг бош суяги дахмага қайтарилади, ўша кунлари урушда ҳам бурилиш юз беради...


Украина тожи


Русия тожи
(“Мономах қалпоғи”)


Польша тожи

Гарчи бу тафсилотлар айрим олимлар томонидан рад этилган бўлса-да, Амир Темур дахмаси 1941 йил 21 июнда очилганда, Малик Қаюмов эса урушда кинооператор бўлиб хизмат қилгани, Жуков билан учрашгани, Соҳибқироннинг бош суяги Самарқандга 1943 йилда қайтарилгани, бунга партия раҳбарлари изн бергани кабилар – бор гап, тарихий факт.

М. Герасимов ҳар бир тарихий шахснинг калла суяги асосида унинг бюстини ясашга киришишдан олдин у ҳақдаги маълумотларни синчиклаб ўрганган. Масалан, Рудакийнинг (858 – 941) минг йиллик қабрини очгач, устухон чиндан ҳам унга тегишлими ё бошқа одамнинг скелетими эканини аниқлаб олган. Яъни, суяк ёши [illegible] ошган эр кишига тегишлими, унинг кўзи кўр бўлганми, исломий таомил асосида кўмилганми каби ўндан ортиқ маълумотни дақиқлик билан текширган. Калла суягида бояги шартлар мавжудлиги аниқлангач, Садриддин Айний топган қабр [illegible] ҳам Рудакийники экани тасдиқланган ва шоир портрети ясалган.

Калла суягига қараб унга “эт” ёпиштириш ва тугал портрет ҳолига келтириш – [illegible] жараён. Дастлабки кўринишларда унда соч ва соқол умуман бўлмайди. Энг охирида эса тайёр бюстга ўша тарихий давр ва у кишининг ижтимоий ҳолатига қараб, “либос” кийдирилади.

Боя айтганимиздай, Амир Темурнинг соқол-мўйлови унинг ҳаётлигида қўйган соқол-мўйловига уйғун келади. Аммо Соҳибқиронни “кийинтириш”да олим янглишган. Дахма очилганида Амир Темурнинг бош кийими йўқ эди, албатта (бизда марҳум яланғоч ҳолда кафанга ўраб кўмилади, кийими бўлмайди). Герасимов эса, у давлат раҳбари бўлган, деб Амир Темур бюстига тож кийдиради. Бироқ, бу тож... Европа ҳукмдорлариники каби чамбар шаклида эди. Чунки Герасимов европалик эди, у Шарқда подшоҳлар чамбар тож эмас, салланинг олд қисмига укпар қадаб ясалган тож кийганини билмаган. Ҳукмдорми, демак чамбар тож кийган, деб ишонган. Камига, антрополог унинг олд қисмига қанот ёзиб турган бургутсимон бир безакни ҳам қўшиб қўяди. Бу унинг яна бир хатоси эди.

Олим чизган расмда қушнинг боши ва икки ёққа керилган қисқа қаноти тождорнинг пешонасида хоч – крест тургандай бўлиб кўринади. Фарқи, хоч Европа тождорларининг боши устида бўлса, бу бут

“тож”нинг пешона қисмига қадаб қўйилгандай. Мактаб дафтарлари муқовасига туширилган расмда эса унинг салибга монандлиги янада сезилади.

Эҳтимол, баъзилар буни майда масала деб ўйлар. Аммо айнан шу – миллий масалада ўта лоқайдлигимиз, ҳатто энг улуғ ҳукмдоримизга тааллуқли ишларга ҳам эътиборсизлигимизнинг очиқ-равшан бир далили.

Биз ўтмиш ҳаётини тез унутувчи халқмиз. “Эллик йилда эл янги” деган мақолимиз бор ва у ўзимизга жуда мос. Ўтмишни тез унутиб, уни билмай, ҳис этмай қолишимиз боис, ўзгалар бизга нимани тақдим этса, қулоқ қоқмай олаверамиз. Бунинг яна бир исботи, аксар шеърий китоблар муқовасида ғоз пати – қадимда руслар ишлатган перонинг расми чизиб қўйилади. Ҳолбуки, бизда пат эмас, қамиш қалам тутилган.



Сиз Амир Темурнинг Самарқанддаги ҳайкалини кўрганмисиз? Тахтда ўтирибди, бошида ўша тўгарак тож. Тожнинг чамбарида – ўнтача кунгура.

Бу – Герасимов фантазияси маҳсули экани, аслида Амир Темур тож киймагани, тахтга ўтирмагани, ўзини хон ё подшоҳ деб эмас, амир деб аташларини буюргани бировнинг эсига ҳам келмайди. Тахтга чингизий Суюрғатмишхон чиқарилган, унинг номида танга зарб қилинган. Аммо биз Амир Темурни тахтга мажбуран ўтқизамиз, бошига тож кўндирамиз, шу маъқул туюлади бизга. Соҳибқироннинг “амир” мақоми подшоҳликдан ортиқроқ эканини эса англагимиз келмайди.

Шоҳ, подшоҳ, хон, султон эмас, амир деб аташ таомилини темурийлар узоқ давом эттирди. Масалан, гарчи Бобур “...тарих секкиз юз тўқсон тўққузда Фарғона вилоятида ўн икки ёшта подшоҳ бўлдум”, деб ёзган бўлса ҳам, бу ўринда ҳукмдор маъноси қўлланган, расман подшоҳ деб аталмаган ва тож киймаган, тахтда ўтирмаган. Бобур хийла кейин ўзини подшоҳ деб аташни буюрган. Бобурнинг отаси – Амир Темурнинг эвараси Умаршайх ҳам ҳукмдор эди, аммо мирзо (амирзода) аталган.

М. Герасимов Соҳибқирон бошига қироллар тожини ўрнатгач, унга эргашиб ўзбек рассом ва ҳайкалтарошлари Амир Темурни шунақа тожли қилиб тасвирлашга тушиб кетди, бу бюст гўё расмий мақом олди.

Афсуски, биз тарихий ҳақиқатни эмас, ўзимиз истаган ҳақиқатни тан оламиз, ўшани аксиомага айлантириб, мажбуран бўлса-да, амалга оширамиз.



Тошкентдаги Темурийлар тарихи музейи биносига разм солсангиз, унинг тарҳи ҳам чамбарак шаклидаги “Амир Темур тожи”дан улги олиб чизилганини кўрасиз. Ушбу кунгурали тож бизда оммалашиб, жами портрет ва ҳайкалларда Амир Темурнинг ўзи эканини далиллайдиган деталга айланган гўё. Ҳолбуки, бунақа ҳайкаллар Европада ғиж-ғиж.

…шиямки, мусаввир Владимир Кайда… бор экан, у Ўзбекистонга келиб яша… ўзбек халқининг достон ва эртакларини …, Алпомиш ва Барчиннинг суратла… чизди. Ниҳоят, ўн беш йилдан сўнг – … миллий ҳаётини янада теран ўрга… Алишер Навоийнинг бебаҳо расмини … Йўқса, бугун қай бир хорижлик …ашнинг ўзбек қиёфати йўқ бир “шедевр”ини Навоийнинг расми деб эъзозлаб юрармидик...

Албатта, В. Кайдалов шоирнинг Маҳмуд Музаҳҳиб қилқаламига мансуб миниатюравий расмини ҳам тадқиқ этган. Ундан қай бир изларни сақлаб қолишга интилган. Қаҳрамони қиёфаси жонли чиқиши учун айрим ўзбек уламолари ва бошқа одамларнинг навоиёна қиёфаларидан қай бир жиҳатларни олган.



Ана шундан сўнг шоирнинг мақбул ва манзур портретини ишлаган. Навоий портретини ишлашга жазм этган ҳайкалтарош ва рассомлар В. Кайдалов чизган, тарих руҳи барқ уриб турган, шу билан бирга лирик ҳиссиётга тўлиқ ижод намунасига мудом таассуб қилиб келади.

…ир Темур, Алишер Навоий, Заҳи… Муҳаммад Бобур каби шахслар… портрет ва ҳайкаллари – фақат шу …арнинг эмас, айни чоқда бутун ўз… халқининг юзи, миллатнинг қиёфаси. … учун ҳам бу тарихий сиймолар… расм ва ҳайкалларида уларнинг ҳаёт тарзига бегона деталлар бўлмаслигига диққат қилишимиз шарт. Афсуски, Навоийнинг портретлари орасида (ким чизган экан, билмадик) ўта нафис, ўта назокатли бир сурат ҳам борки, у ўзбекман деган ҳар бир одамга эриш туюлиши турган гап.



Алишер Навоий ёвқур одам бўлган, саройни эгаллаб олган Ёдгорни тутган кишиларнинг олд сафида турган, белида қилич осиғлиқ юрган. Аммо мана бу суратдаги "Навоий"га синчиклаб қаранг. Хаёлан унинг соқол-мўйловини олиб ташласангиз, қаршингизда амир Навоийнинг эмас, тегманозик маликанинг – қоши қалдирғоч бир аёл кишининг қиёфаси намоён бўлади. Ҳолбуки, Навоий ҳар жиҳатдан баркамол бир эр киши бўлганини Хондамир қайдларидан ўқиганмиз.

Бобурнинг XVII аср бошида чизилган бир портрети борки, бу расм Византияда чизилган, деган маълумотлар учрайди. Бошида улкан салла, курсида ўтириб китоб мутолаа қилаётир.

Бобур паҳлавон йигит бўлган, гоҳо икки аскар йигитни қўлтиғига қисиб, Агра шаҳри девори устида югурган, деб нақл қиладилар. Жисмоний кучи бисёр бўлган экан-да. Бироқ бизга тақдим этилаётган ўтмиш адибларининг расм ва ҳайкалларида фақат "назокату нафосат"ни кўрамиз, уларда бояги шижоатдан, ёвқурликдан нишон ҳам йўқ.

Умуман, аждодларни бир хилда хушбичим, чиройли қилиб тасвирлаш шартми? Жўнроқ, одамийроқ қиёфада бўлсалар, ибрат олмай қўямизми?

Манбаларда ёзилишича, аллома Абу Райҳон Беруний бир йилда фақат икки ҳайит куни кўчага чиққан, эртаю кеч хонтахта ёнида ўтириб ишлаган. Шу сабаб қорни катта одам бўлган экан. Беруний каби улуғ олим дунё тарихида жуда кам, балки монанди йўқ. У зотнинг башариятга қолдирган илмий мероси ҳали кўп асрлар ўрганилиши шубҳасиз... Аммо Малик Набиевнинг талқинида Беруний ҳам қирчиллама қария қиёфасида.

Бизда бирон олим, давлат арбоби, муҳандис, қаҳрамон расми чизилса, ҳайкали қўйилса, у албатта паҳлавонкелбат, қарашлари ёвқур, қадди расо, ўзи нурли келажакка боқиб турган бўлади. Ҳаммаси монументал, биронта бадиий ҳайкални кўрмайсиз. Қараган одамнинг дўпписи тушиб кетсин учун улар ерга эмас, икки метрли баланд постаментга ўрнатилади. Бу ҳайкал-одамларнинг юзи шиор айтишга, ҳайқиришга шай тургандай.

Бокуга борганимда, Каспий денгизи ёқасидаги истироҳат паркида машҳур бир давлат раҳбарининг ҳайкали шундоқ ерга ўрнатилганини кўрдим, одамлар у билан "қўл бериб" сўрашадилар, бирга расмга тушадилар. Чўлпонота шаҳри яқинидаги "Руҳсарой"да эса Чингиз Айтматовнинг скамейкада ўтирган ҳайкали бор. Ёнига ўтирасиз, "суҳбатлашиб" сельфи тушасиз. Бари оддий, одамшаванда...

Биз шунчаки бир аҳоли ҳудудида эмас, [illegible] мамлакатида яшаймиз. Унда ҳамма [illegible] ўзбекона бўлсин. Шунчаки дўппи ва [illegible] атрибутини эмас, руҳан миллий бў[illegible] сўраяпмиз. Бу талабнинг байналми[illegible]. шу юртдаги бошқа эл-элатларга [illegible] йўқ. Асл миллий хоссалар, қайси [illegible] тегишли бўлмасин, умуминсоний-ку!

Бас, доим кўзимиз тушадиган, улуғ қад[illegible] саналган бисотимизни бир қур мил[illegible] элагидан ўтказиб, улар чиндан ҳам [illegible]га хосми-йўқми, аниқлаб олайлик. Амир Темурнинг, амир Навоийнинг, мирзо Бобурнинг расм ва ҳайкалларини ўзбек ҳукмдоридай қилиб ярата оладиган, бегона атрибут ёпиштирмайдиган рассом-ҳайкалтарошлар ҳам топилар!..

"Бу портрет ва ҳайкаллар аллақачон қабул қилиниб, тасдиқланган, энди уларни ўзгартиб бўлмайди", деган эътироз эса ўринсиз, таги пуч гап. Нега ўзгартиш мумкин эмас? Расмларни, ҳайкалларни "қабул қиладиган" қандайдир комиссиянинг қарори ҳаёт ҳақиқатидан ҳам устун бўладими?



Образ балки у қадар ёмон эмасдир, бироқ бошидаги салла ўн икки бурам, бу эса уни шиа мазҳаби вакилига ўхшатиб қўйган (ўн икки бурам салла – ўн икки имом шарафига). Ҳолбуки, Бобур сунний мусулмон эди. У "Бобурнома"да Султон Ҳусайннинг хотини Хадичабегимнинг қусурларини баён қилар экан, "шиа ва рофизия" эканини ҳам қайд этганини эсга олайлик. Бас, маълум бўладики, бу расм Бобурнинг эътиқодига зид. Аммо, афсуски, бугун аксар сурат ва ҳайкалларда Бобурнинг бошида – ўша ўн икки бурамли саватдай салла.

Герасимов ясаган қиёфани асос қилиб [illegible] ҳолда, тож ва хочдан холи, салобат, [illegible] билан ўтирган ҳукмдор Амир Темур [illegible] ясай оладиган мусаввирлар ҳам [illegible]? Ахир, бирон ўзбек рассоми Иван [illegible] ёки Пётр I нинг расмини саллали [illegible] билан чизиб тақдим этса, руслар маъ[illegible]б, биз каби индамай ўтираверар[illegible]? Сира ҳам!

Ҳар бир мафкуранинг, маданиятнинг [illegible]да миллийлик туради. Ўзбекона миллийликка бегона ҳар қандай ҳолат, ўз кўламига қараб, давлатчилигимиз, мафкурамиз ва маданиятимизга озроқ ё кўпроқ путур етказади. "Қурама маданият" деганлари миллий турмуш тарзини емиришга тушган ҳозирги даврда фарзандларимизни бундан огоҳлантириб, ўзбекона миллий руҳ нима, унинг белгилари қанақа – барини англатишга киришайлик. Биз бунга бепарво бўлсак, болаларимиз бизга бегона бўлади.

Нодира ОФОҚ





# ORZU HUQUQI

Азиз биродар, эҳтимол, сиз ҳам камина кўрган манзаранинг гувоҳи бўлгандирсиз, кўнглингизда мендаги каби чалкаш мулоҳазалар туғилгандир. Гап шундаки, бир куни кечки маҳал автобусга чиқдим. Ташқарида олақоронғи, автобус салонида чироқ ёқилган. Йўловчиларга қарадим: бирови мудраган, бошқаси ташқарига ҳиссиз термилган. Ҳар кимнинг икки елкасига қўрғошин тоғ кавшарлангандек... Улар ишдан қайтаётир. “Булар кун бўйи қандай юмуш билан машғул бўлганки, бу қадар ҳорғин?” деб ўйладим. Ҳаммаси шу қадар жиддийки... “Биз инобатли ишхоналарда ишлаймиз, оламшумул кор-амал билан бандмиз”, деган овоз эшитилгандек бўлди. Билолмай қолдим: чиндан ҳам кимдир жавоб бердими ёинки бу ичимдаги овоз эдими?..

Ҳа, улар кун бўйи турли ишхоналарда тинимсиз қоғоз тўлдирган, тепадаги бадқовоқ идораларга ҳисобот берган, сохта табассум ила аллакимларни қабул қилган, мажлисларда қўр тўкиб ўтирган, телефонда гаплашган, музокара олиб борган, қарорлар қабул қилган... Кимга ва нима учун керак бу ишлар? Тирикчилик учун олинадиган моянадан ташқари, умумжамият равнақи, одамнинг одамдай яшаши, инсоннинг Яратган белгилаб берган абадий роҳатга эришуви учун фойдаси борми ўша юмушларнинг? Табақаланиш, камбағаллик, жаҳолат, бир-бирини маҳв этиш, ёлғон, талон-торож, инсофсизлик, хиёнат, очкўзлик, ўз-ўзини алдаш эса... давом этаверади. Дунё-дунё қоғозлар, олиймақом мажлис-машварат, донишмандона маърузаю киборларча ваъдалар билан ҳеч нима ўзгармайдигандек. Ҳаёт бир зайлда эса тегирмондек айланаверади...

Ҳаёт воқелиги хаёлингизда Альбер Камюнинг “Сизиф”и ва Франц Кафка асарлари билан қоришиб кетгандек бўлади.

[illegible]лнинг омборию уйида сақланадиган [illegible]он-хирмон эски ҳужжатлар, қўл кўта[illegible] тасдиқлашдан бошқасига ярамайди[illegible] [illegible]иблар, айби нелигини билмайдиган [illegible]увчилар, олийжаноб ғоялару инсон [illegible]лигидан жарангдор маъруза ўқийди[illegible] [illegible]фкурачилар, бутун умрини қўрғонга [illegible] йўлида сарфлайдиган танобчилар, [illegible] оқламаган ислоҳотлар, “юлдуз”лар[illegible] [illegible]шагигача тафтиш қиладиган журна[illegible]р, ярим тунгача мажлис ўтказадиган [illegible]р... – буларнинг бари абсурдчи [illegible]инг асаридамиди ёки... Сизнинг [illegible]шингизда, эҳтимол, қуюндек айла[illegible] саволлар туғилгандир: одамзод [illegible]з, охири йўқ ишлардан чарча[illegible]? Одамлар бир юмуш билан банд [illegible] бўлди – шуми замонавий низом[illegible] моҳияти? Бу хилдаги тузилма қа[illegible] [illegible]айдо бўлган? Унинг боши қаерда, [illegible]орми? Уни парчалаб, янги тузилма [illegible]ладиган куч-чи? Мош билан гуруч[illegible]штириб, ўгай қизига уни ажратиш[illegible]иб кетган ўгай она синдроми бир [illegible] барҳам топармикан?..

[illegible]ра чалкаш саволлар сабаб хаё[illegible] [illegible]на Сизиф эгаллади. Бу қаҳрамон [illegible] битикларни тасаввуран бир зан[illegible] [illegible]им, уларни одамзоднинг ўтмиш [illegible]а муқояса этгим келди. Гап ҳо[illegible] [illegible]д адабиёти ҳақида эмас, инсон [illegible] абсурд хусусида эканини таъ[illegible] тўғри келади. Ҳа, бу галги му[illegible] Сизиф баҳонасида жамият ва [illegible]осабатлари ҳақида. Бинобарин, [illegible] турли босқичларида турли му[illegible] бу тимсол орқали давр одамини [illegible]ан.

* * *



Сизиф ҳақидаги илк асарлар антик давр муаллифларига тегишли. Эсхил, Софокл, Еврипид драмалари бугунгача тўлиқ етиб келмаган бўлса-да, мутахассислар айрим парчаларга таяниб уларнинг умумий мазмунини тиклаган. Бизгача фақат Ҳомер асари сақланиб қолган. Антик дунё адиблари вақт нуқтаи назаридан юнон афсоналарига анча яқин бўлган, шунинг учун ҳам улар тошбардор Сизиф воқеасини мифологияга кўра баён қилган. Мухтасар изоҳ берсак – айёр, уддабурон ва маккор қаҳрамон маъбудлар иродасига қарши чиққани, ўлимга тан бермагани учун абадий жазога мустаҳиқ этилган.

Инсон қисматнинг маҳкумидир – антик давр ижодкорлари мифологик образ орқали шу илоҳий ҳақиқатни акс эттирганлар. Янги аср Сизифи эса ўзгача маъно ташийди.

Замонавий дунёда у машҳур қаҳрамонга айланди. Фаранг адиби Альбер Камю Сизиф сиймосида устидан тақдир ҳукмронлик қиладиган бандани эмас, ўз даврининг якранг ҳаётга, самарасиз меҳнат ва умидсизликка гирифтор этилган одамларини кўрди. Камю талқин қилган абсурд назариясини даставвал XIX асрда файласуфлар илгари сурган эди. Унга кўра, алалоқибат ўлимга маҳкумлиги сабабидан инсоннинг бу дунёдаги ҳаёти маънисизликдан бошқа нарса эмас; ҳаётнинг бир

пулга арзимаслигини англаб етсанг, недир маъно-мазмун билан тўлдира олмасанг, уни ихтиёрий тарк этиш-этмаслик (суицид) масаласи кўндаланг келар эмиш. Камю шу хил ғалат фалсафани Сизиф образи воситасида тушунтирди.

Унинг талқинича, аксар одамлар турли идора ва корхоналарда на жамият, на инсонга нафи бўлган узлуксиз меҳнатга, зерикарли кун тартибига гирифтор этилган, улар қилаётган ишнинг тошбардор қаҳрамонга буюрилган маънисиз меҳнатдан фарқи йўқ. Муаллиф "Ҳаёт зерикарли доирадан иборат, у яшашга арзийдими?" деган саволни қўйишдан олдин ижтимоий тузилма инсон ҳаётини мароқсиз, якранг, абсурд воқеликка айлантириб қўйгани, яъни одамни ими-жимида бахтсизликка гирифтор этганини икки оғиз жумлада ифодалайди: "Уйқудан туриш, трамвай, тўрт соат завод ёки конторадаги иш, тушлик, трамвай, тўрт соат яна иш, кечки овқат; душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба, жума, ҳаммаси бир маромда давом этади – ҳар кун осонгина юриладиган йўл ана шу".

Сизифни маъбудлар жазолаган бўлса, замонавий одамни бюрократик ижтимоий тузилма абсурдга маҳкум этган. Камю диққатимизни, инсон умрининг фалсафий мазмунидан ташқари, абсурдга олиб келадиган ижтимоий сабабларга ҳам қаратди. У "Сизиф ҳақидаги афсона"да марказга бахт масаласини қўйди: диққинафас ҳаётга маҳкум этилган одам қандай қилиб бахтиёр бўлмоғи мумкин?! Эсседа айтиладики, Сизиф тош тепадан юмалаб тушгунчалик сонияларда ўйлаш, фикрлаш имконига эга – шу унинг саодатидир.

Инсон тафаккур-ла бахтлидир – Камюнинг Сизифи ана шундай маъно ташийди.

Альбер Камю эссесини "Франц Кафка ижодида умид ва абсурд" деган илова билан якунлагани бежиз эмас. Олмон адиби Франц Кафка ғалати бир услубда замонавий бюрократик тузилмалар миллионлаб оддий одамлар қисматини фожиага, сизифча абсурдга айлантираётганини фош қилди. Ғалатилиги нимада, дерсиз. Масалан, "Қалъа" романида ўзимизнинг кундалик ҳаёт манзараларига дуч келгандек бўласиз. Лекин у одамларнинг қилаётган иши маънисиз, самарасиздек туюлади, йўғ-эй дейсиз: ҳам ўхшайди, ҳам ўхшамайди! Бош қаҳрамон – ўттиз ёшли жаноб К. узоқ йиллар олдин қишлоққа танобчи этиб тайинланган. Оқсоқол танобчига эҳтиёж йўқлигини "тепа"га маълум қилган, унинг арзи йиллар ўтиб қаноатлантирилган. Жаноб К. эса ҳеч нимадан бехабар ўз вазифасини бажаргани қишлоққа келади. Оқсоқолнинг хотини "тепа"нинг йиллар олдинги қарорини қидириб уйи ва омборхонада сақланаётган тоғ-тоғ қоғозларни ағдар-тўнтар қилади, аммо арзанда ҳужжат топилмайди. Алқисса, қаҳрамоннинг бутун умри ишга тайинланганини исботлаш ва қишлоқда яшаш учун рухсат олишга қурбон бўлади, лекин на униси, на буниси амалга ошади. Бу қандай жамиятки, исбот қилишга ўзи йўл қўймайдиган ҳақиқатни исбот қилишингизни талаб этади, умрингизни шу йўлда хазон қилади?.. Бу абсурд бўлмай нима?

Яна ўша таниш-нотаниш манзаралар: почтачи Варнава хатни Қалъадаги катталарга етказиш ўрнига кўчаларда улоқиб юраверади, бу қасабада гўёки одамларга

пулга арзимаслигини англаб етсанг, недир маъно-мазмун билан тўлдира олмасанг, уни ихтиёрий тарк этиш-этмаслик (суицид) масаласи кўндаланг келар эмиш. Камю шу хил ғалат фалсафани Сизиф образи воситасида тушунтирди.

Унинг талқинича, аксар одамлар турли идора ва корхоналарда на жамият, на инсонга нафи бўлган узлуксиз меҳнатга, зерикарли кун тартибига гирифтор этилган, улар қилаётган ишнинг тошбардор қаҳрамонга буюрилган маънисиз меҳнатдан фарқи йўқ. Муаллиф "Ҳаёт зерикарли доирадан иборат, у яшашга арзийдими?" деган саволни қўйишдан олдин ижтимоий тузилма инсон ҳаётини мароқсиз, якранг, абсурд воқеликка айлантириб қўйгани, яъни одамни ими-жимида бахтсизликка гирифтор этганини икки оғиз жумлада ифодалайди: "Уйқудан туриш, трамвай, тўрт соат завод ёки конторадаги иш, тушлик, трамвай, тўрт соат яна иш, кечки овқат; душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба, жума, ҳаммаси бир маромда давом этади – ҳар кун осонгина юриладиган йўл ана шу".

Сизифни маъбудлар жазолаган бўлса, замонавий одамни бюрократик ижтимоий тузилма абсурдга маҳкум этган. Камю диққатимизни, инсон умрининг фалсафий мазмунидан ташқари, абсурдга олиб келадиган ижтимоий сабабларга ҳам қаратди. У "Сизиф ҳақидаги афсона"да марказга бахт масаласини қўйди: диққинафас ҳаётга маҳкум этилган одам қандай қилиб бахтиёр бўлмоғи мумкин?! Эсседа айтиладики, Сизиф тош тепадан юмалаб тушгунчалик сонияларда ўйлаш, фикрлаш имконига эга – шу унинг саодатидир.

Инсон тафаккур-ла бахтлидир – Камюнинг Сизифи ана шундай маъно ташийди.

Альбер Камю эссесини "Франц Кафка ижодида умид ва абсурд" деган илова билан якунлагани бежиз эмас. Олмон адиби Франц Кафка ғалати бир услубда замонавий бюрократик тузилмалар миллионлаб оддий одамлар қисматини фожиага, сизифча абсурдга айлантираётганини фош қилди. Ғалатилиги нимада, дерсиз. Масалан, "Қалъа" романида ўзимизнинг кундалик ҳаёт манзараларига дуч келгандек бўласиз. Лекин у одамларнинг қилаётган иши маънисиз, самарасиздек туюлади, йўғэй дейсиз: ҳам ўхшайди, ҳам ўхшамайди! Бош қаҳрамон – ўттиз ёшли жаноб К. узок йиллар олдин қишлоққа танобчи этиб тайинланган. Оқсоқол танобчига эҳтиёж йўқлигини "тепа"га маълум қилган, унинг арзи йиллар ўтиб қаноатлантирилган. Жаноб К. эса ҳеч нимадан бехабар ўз вазифасини бажаргани қишлоққа келади. Оқсоқолнинг хотини "тепа"нинг йиллар олдинги қарорини қидириб уйи ва омборхонада сақланаётган тоғ-тоғ қоғозларни ағдар-тўнтар қилади, аммо арзанда ҳужжат топилмайди. Алқисса, қаҳрамоннинг бутун умри ишга тайинланганини исботлаш ва қишлоқда яшаш учун рухсат олишга қурбон бўлади, лекин на униси, на буниси амалга ошади. Бу қандай жамиятки, исбот қилишга ўзи йўл қўймайдиган ҳақиқатни исбот қилишингизни талаб этади, умрингизни шу йўлда хазон қилади?.. Бу абсурд бўлмай нима?

Яна ўша таниш-нотаниш манзаралар: почтачи Варнава хатни Қалъадаги катталарга етказиш ўрнига кўчаларда улоқиб юраверади, бу қасабада гўёки одамларга

пулга арзимаслигини англаб етсанг, недир маъно-мазмун билан тўлдира олмасанг, уни ихтиёрий тарк этиш-этмаслик (суицид) масаласи кўндаланг келар эмиш. Камю шу хил ғалат фалсафани Сизиф образи воситасида тушунтирди.

Унинг талқинича, аксар одамлар турли идора ва корхоналарда на жамият, на инсонга нафи бўлган узлуксиз меҳнатга, зерикарли кун тартибига гирифтор этилган, улар қилаётган ишнинг тошбардор қаҳрамонга буюрилган маънисиз меҳнатдан фарқи йўқ. Муаллиф "Ҳаёт зерикарли доирадан иборат, у яшашга арзийдими?" деган саволни қўйишдан олдин ижтимоий тузилма инсон ҳаётини мароқсиз, якранг, абсурд воқеликка айлантириб қўйгани, яъни одамни ими-жимида бахтсизликка гирифтор этганини икки оғиз жумлада ифодалайди: "Уйқудан туриш, трамвай, тўрт соат завод ёки контордаги иш, тушлик, трамвай, тўрт соат яна иш, кечки овқат; душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба, жума, ҳаммаси бир маромда давом этади – ҳар кун осонгина юриладиган йўл ана шу".

Сизифни маъбудлар жазолаган бўлса, замонавий одамни бюрократик ижтимоий тузилма абсурдга маҳкум этган. Камю диққатимизни, инсон умрининг фалсафий мазмунидан ташқари, абсурдга олиб келадиган ижтимоий сабабларга ҳам қаратди. У "Сизиф ҳақидаги афсона"да марказга бахт масаласини қўйди: диққинафас ҳаётга маҳкум этилган одам қандай қилиб бахтиёр бўлмоғи мумкин?! Эсседа айтиладики, Сизиф тош тепадан юмалаб тушгунчалик сонияларда ўйлаш, фикрлаш имконига эга – шу унинг саодатидир.

Инсон тафаккур-ла бахтлидир – Камюнинг Сизифи ана шундай маъно ташийди.

Альбер Камю эссесини "Франц Кафка ижодида умид ва абсурд" деган илова билан якунлагани бежиз эмас. Олмон адиби Франц Кафка ғалати бир услубда замонавий бюрократик тузилмалар миллионлаб оддий одамлар қисматини фожиага, сизифча абсурдга айлантираётганини фош қилди. Ғалатилиги нимада, дерсиз. Масалан, "Қалъа" романида ўзимизнинг кундалик ҳаёт манзараларига дуч келгандек бўласиз. Лекин у одамларнинг қилаётган иши маънисиз, самарасиздек туюлади, йўғ-эй дейсиз: ҳам ўхшайди, ҳам ўхшамайди! Бош қаҳрамон – ўттиз ёшли жаноб К. узоқ йиллар олдин қишлоққа танобчи этиб тайинланган. Оқсоқол танобчига эҳтиёж йўқлигини "тепа"га маълум қилган, унинг арзи йиллар ўтиб қаноатлантирилган. Жаноб К. эса ҳеч нимадан бехабар ўз вазифасини бажаргани қишлоққа келади. Оқсоқолнинг хотини "тепа"нинг йиллар олдинги қарорини қидириб уйи ва омборхонада сақланаётган тоғ-тоғ қоғозларни ағдар-тўнтар қилади, аммо арзанда ҳужжат топилмайди. Алқисса, қаҳрамоннинг бутун умри ишга тайинланганини исботлаш ва қишлоқда яшаш учун рухсат олишга қурбон бўлади, лекина униси, на буниси амалга ошади. Бу қандай жамиятки, исбот қилишга ўзи йўл қўймайдиган ҳақиқатни исбот қилишингизни талаб этади, умрингизни шу йўлда хазон қилади?.. Бу абсурд бўлмай нима?

Яна ўша таниш-нотаниш манзаралар: почтачи Варнава хатни Қалъадаги каттаਲарга етказиш ўрнига кўчаларда улоқиб юраверади, бу қасабада гўёки одамларга

...ган топшириқни бажармаслик топши...ндек. Масъул идорага қўнғироқ қи... масхаралагандек, гўшакдан мусиқа ... эшитилади. Танобчиликка тайинлан... мактаб қоровулига айланади. Юқо... ...ртабали арбоб бўлмиш Кламмнинг ... ...ми бор-у, ўзини ҳеч ким кўрмаган. ...нинг котиби Эрлангер К.ни тунда ...хона бўлмасида қабул қилади. Тур... навбатда турган одамлар Эрлангер ...дан воз кечиб қабул уюштирганидан ... Давлат хизматидагиларнинг кўп... арзгўйларни худди шундай – ҳали ..., ҳали қўноқхонада ёки овқат усти... ...тто тўшакда қабул қилади. Халойиқ ...арнинг олийжаноблигига, одамлар ... учун ўз ҳаловатидан воз кечга... ...ади, ана шундай абсурд ичида ... ...рлари адо бўлади.

* * *

...мой тузилма инсонни ҳалок қили... ...гиларнинг ҳам, пастдагиларнинг ... абсурдга айлантириши улуғвор ... ҳам чуқур изтиробга солган. У ... Камюдан олдинроқ одамзоднинг ... топган ижтимоий тузилма ўзига ... ...арши экани, ғайриинсоний эка... ...абсурд фожиаси қаърига ташлаши... этган эди. Лекин узоқ-узоқ ўйла... ...рида жавоб излаган Толстой ҳам ... тафаккури билан бу парадокс ... ожиз сезади.

...\" романи қаҳрамони Нехлюдов ... Масловага кўмак бермоқ учун дав... ...даги бир қанча танишларига ... этади. Сургунга олиб кетилаёт... ...ларга шафқатсиз муносабатнинг гувоҳи бўлади. Ва ғалати бир қонуниятни сезиб қолади: уйига борсангиз туппа-тузук, одамгарчилиги бор бўлган бу кишилар ишхонада бутунлай бошқа одамга айланар экан. Нега бундай? Қаҳрамон шундай чалкаш ўйлар ичида қолади: "...мана шу одамларнинг ҳаммаси – губернаторлар, назоратчилар, даҳа миршаблари "Шундай ҳоллар борки, бу вақтда инсон билан инсоний муомалада бўлиш шарт эмас" деган қоида бор деб ўйлайдилар... шу одамларнинг ҳаммаси: аксарият ювош, меҳрибон бўлган бу одамлар хизматда бўлгани учун ҳам шундай сержаҳл бўлиб кетган... Шу одамларнинг ҳаммаси фақат хизмат қилиб турганлари учунгина раҳм-шафқат деган оддий ҳисдан маҳрум. Улар хизматда бўлганлари учун ҳам, мана бу тош ётқизилган ер ёмғирни сингдирмагани каби инсонпарварлик ҳиссини сингдира олмайдилар... шу губернаторлар – назоратчилар, миршаблар, балки керакдир, лекин асосий инсоний хислатлардан, бир-бирига муҳаббат ва раҳм-шафқат ҳиссидан маҳрум бўлган одамларни кўриш даҳшатли... Ҳамма гап шундаки, бу одамларнинг ҳаммаси қонундан ташқари нарсаларни қонуний деб билади ва худонинг ўзи инсонлар кўнглига солган абадий, ўзгармас, зарурий қонунларни эса қонун деб тан олмайди... Агарда "Замонамиз кишилари, христианлар, мурувватли, оддий кўнгилчан одамлар энг даҳшатли ёвузлик қилганда ўзларини гуноҳкор деб ҳис этмасликлари учун нима қилиш керак?" деган психологик масала берилса, унинг жавоби фақат битта бўлиши мумкин: ҳозир аҳвол қандай бўлса, шундайлигича қолиши керак, шу одамлар

губернатор, назоратчи, офицер, полициячи бўлиши, яъни биринчидан, одамларга оға-инилик муносабатида бўлмай, уларни оддий буюм деб билишга монелик қилмайдиган, давлат хизмати деб аталадиган иш борлигига ишонишлари керак, иккинчидан эса, шу одамлар ана шу давлат хизматига шундай боғланиб қолган бўлишлари керакки, одамларга нисбатан қилган ишларининг оқибатига ҳеч ким жавобгар бўлмасин" *(Л. Толстой. Тирилиш. Абдулла Қаҳҳор ва Кибриё Қаҳҳорова таржимаси. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. 400 – 402-бетлар).* Бу саҳифаларни ўқиб, яна ўша саволлар гирдобига тушасиз: бу хилдаги тузилма қаердан пайдо бўлган? Унинг боши қаерда, охири борми? Одам тафаккури бир кун келиб инсон ҳаётини абсурдга айлантирмайдиган ижтимоий тузилма ярата оладими?

* * *

Ниҳоят, қизиқ нуқтага – бизнинг замондошимиз бўлган янги Сизиф ҳақидаги ҳикояга етиб келдик. Тарихий вақт сатҳида у Камю Сизифидан кейинги Сизиф десак бўлади. Бу ҳақда сўзлашдан олдин француз адибидан яна бир иқтибос келтирсам: "Ҳаммаси ҳайратангиз зерикишдан бошланади. "Бошланади" – мана, энг муҳими нима бу ерда. Зерикиш – мошинаворий ҳаётнинг оқибатидир, айни вақтда унинг ўзи идрокни ҳаракатга келтиради. Зерикиш идрокни уйғотади ва кейинги босқични белгилайди: ё онгсиз равишда одатдаги маромга қайтиш, ёки охиригача уйғониш. Уйғонишдан кейин эса эртами-кечми натижа пайдо бўлади: ё худкушлик, ёинки ҳаёт маромини ўзгартириш". Биз-чи, биз бу босқичларнинг қайси биридамиз? Назаримда, янги Сизиф ҳақидаги ҳикоя бу саволга жавоб учун битилгандек.

Хуллас, "Facebook" тармоғида швед адиби Теодор Каллифатидеснинг "Ватандошлар" майдонидаги Сизиф" деган ҳикоясини ўқиб қолдим. Швед тилидан Юсуф Расул таржима қилган бу ҳикоя ўзбекчада ҳам чоп этилган *("Майдондаги Сизиф". // "Шарқ юлдузи", 2023 йил, сентябрь).* Ҳикояни ўқидиму хаёлимни яна ўша мифологик қаҳрамон эгаллади. Теодор Каллифатидеснинг бу образга мурожаат қилгани сира тасодиф эмас. Адиб қадим асотиру афсоналар ўлкасида туғилган, миллати юнон. Кейинчалик тақдир тақозоси билан Швецияга кўчиб борган. 25 ёшида муҳожирлик туфайли швед тилини ўрганади ва шу тилда асарлар ёзиб шуҳрат қозонади.

Камю фикрича, "Мен нимага бундай яшашим керак?" деган савол абсурдни англаб етгандан кейин пайдо бўлади. Каллифатидеснинг Сизифи, яъни Илья Абрамўғли ҳам нурсиз ҳаётининг маълум лаҳзасида шу саволга рўпара келади.

Илья аввал Туркия, сўнг Россияда авиация муҳандислиги бўйича таҳсил кўрган. Бироқ ўқиган мамлакатларидан иш тополмай Швецияга йўл олади. Ишга жойлашади. Сал ўтиб бўлим бошлиғи лавозимига кўтарилади. Уйланади, фарзандли бўлади. Илья ниҳоятда бахтиёр эди, аммо иттифоқо фалокат содир бўлади: кенжа ўғлини машина уриб ҳалок қилади. Бари орқага кетади: ишсиз қолади, ҳовлисини сотиб кўпқаватли уйга кўчиб ўтади, хотини қаттиқ тушкунликка тушади. Ҳаётини қайта йўлга қўйиш учун

губернатор, назоратчи, офицер, полициячи бўлиши, яъни биринчидан, одамларга оға-инилик муносабатида бўлмай, уларни оддий буюм деб билишга монелик қилмайдиган, давлат хизмати деб аталадиган иш борлигига ишонишлари керак, иккинчидан эса, шу одамлар ана шу давлат хизматига шундай боғланиб қолган бўлишлари керакки, одамларга нисбатан қилган ишларининг оқибатига ҳеч ким жавобгар бўлмасин" *(Л. Толстой. Тирилиш. Абдулла Қаҳҳор ва Кибриё Қаҳҳорова таржимаси. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. 400 – 402-бетлар).* Бу саҳифаларни ўқиб, яна ўша саволлар гирдобига тушасиз: бу хилдаги тузилма қаердан пайдо бўлган? Унинг боши қаерда, охири борми? Одам тафаккури бир кун келиб инсон ҳаётини абсурдга айлантирмайдиган ижтимоий тузилма ярата оладими?

* * *

Ниҳоят, қизиқ нуқтага – бизнинг замондошимиз бўлган янги Сизиф ҳақидаги ҳикояга етиб келдик. Тарихий вақт сатҳида у Камю Сизифидан кейинги Сизиф десак бўлади. Бу ҳақда сўзлашдан олдин француз адибидан яна бир иқтибос келтирсам: "Ҳаммаси ҳайратангиз зерикишдан бошланади. "Бошланади" – мана, энг муҳими нима бу ерда. Зерикиш – мошинаворий ҳаётнинг оқибатидир, айни вақтда унинг ўзи идрокни ҳаракатга келтиради. Зерикиш идрокни уйғотади ва кейинги босқични белгилайди: ё онгсиз равишда одатдаги маромга қайтиш, ёки охиригача уйғониш. Уйғонишдан кейин эса эртами-кечми натижа пайдо бўлади: ё худкушлик, ёинки ҳаёт маромини ўзгартириш". Биз-чи, биз бу босқичларнинг қайси биридамиз? Назаримда, янги Сизиф ҳақидаги ҳикоя бу саволга жавоб учун битилгандек.

Хуллас, "Facebook" тармоғида швед адиби Теодор Каллифатидеснинг "Ватандошлар" майдонидаги Сизиф" деган ҳикоясини ўқиб қолдим. Швед тилидан Юсуф Расул таржима қилган бу ҳикоя ўзбекчада ҳам чоп этилган *("Майдондаги Сизиф". // "Шарқ юлдузи", 2023 йил, сентябрь).* Ҳикояни ўқидиму хаёлимни яна ўша мифологик қаҳрамон эгаллади. Теодор Каллифатидеснинг бу образга мурожаат қилгани сира тасодиф эмас. Адиб қадим асотиру афсоналар ўлкасида туғилган, миллати юнон. Кейинчалик тақдир тақозоси билан Швецияга кўчиб борган. 25 ёшида муҳожирлик туфайли швед тилини ўрганади ва шу тилда асарлар ёзиб шуҳрат қозонади.

Камю фикрича, "Мен нимага бундай яшашим керак?" деган савол абсурдни англаб етгандан кейин пайдо бўлади. Каллифатидеснинг Сизифи, яъни Илья Абрамўғли ҳам нурсиз ҳаётининг маълум лаҳзасида шу саволга рўпара келади.

Илья аввал Туркия, сўнг Россияда авиация муҳандислиги бўйича таҳсил кўрган. Бироқ ўқиган мамлакатларидан иш тополмай Швецияга йўл олади. Ишга жойлашади. Сал ўтиб бўлим бошлиғи лавозимига кўтарилади. Уйланади, фарзандли бўлади. Илья ниҳоятда бахтиёр эди, аммо иттифоқо фалокат содир бўлади: кенжа ўғлини машина уриб ҳалок қилади. Бари орқага кетади, ишсиз қолади, ҳовлисини сотиб кўпқаватли уйга кўчиб ўтади, хотини қаттиқ тушкунликка тушади. Ҳаётини қайта йўлга қўйиш учун

[illegible] гул сотувчига ишга ёлланади. Ке[illegible] эса ўзи гул дўкони очади. “Унинг ҳаёти [illegible] изга тушиб кетди” деб ёзади муаллиф. [illegible] “из”, таассуфки, Ильянинг Сизиф тоши [illegible] Якранг, зерикарли ҳаёт бошланади.

[illegible]ифатидес салафига (Камюга) очиқ [illegible] қилади: “Илья ўзи гул сотиб ола[illegible] Ўртшадаги дўконга вақтида бормоқ [illegible] ҳар куни саҳарги тўртда уйғонар[illegible] Кейин у чодирини очиши, ўтирғичлар [illegible] пештахталарни тиклаши, гуллар ва [illegible]иклар тўла саватчаларни кўринарли [illegible] териб чиқиши керак. Соат тўққиздан [illegible] кела бошлайди. Кеч соат олтигача [illegible] шу ерда бўлади. Кейин яна чодирини [illegible], саватчалар, гуллар ва ўсимлик[illegible] “Фольксваген”ига қайта жойлаши ло[illegible] Саккиз яримда кечки овқатини ейди. [illegible] кечки янгиликларни кўради. Ўн[illegible] беш дақиқа ўтганда эса уйқуга кета[illegible] Ҳафтасига етти кун шундай. Йил бўйи. [illegible]уссиз”. Бу Камю чизган бояги ман[illegible] эсга солади: “Уйқудан туриш, трам[illegible] соат завод ёки конторадаги иш...”

[illegible] ҳаёт шундай давом этаверадими? [illegible] Камю талқинига кўра, фикрлайдиган [illegible] фурсат етиб фожиани фаҳмлаб қо[illegible] “Бугуннинг ишчиси бутун ҳаёти даво[illegible] битта ишда, кеча қилганларини так[illegible] билан машғул бўлади ва аслида [illegible] ҳам абсурдга бегона эмас. Бироқ [illegible] равишда, қилаётган ишининг бе[illegible] ва фойдасиз эканини тушуниб қол[illegible]гина трагедия юзага чиқади”.

[illegible]тидеснинг қаҳрамони Илья [illegible] деган лақаб орттириб олган эди. [illegible] у Сизифнинг кимлигини билмас[illegible] “[illegible]изаги”нинг кимлиги тушунтирилади. Илья англаб етадики, “Бу адоқсиз машаққат унинг ҳаётига жуда ўхшаш эди. Ҳар куни шу аҳвол: у чодирини ёяди ва яна қайта йиғади”. Не тонгки, гул сотувчи ҳам мифологик қаҳрамоннинг поёнсиз азоб-уқубатига гирифтор бўлган.

Замонамиз Сизифи эллик уч ёшида қари чолга айланиб қолади. “Сочлари тўкилган, бели букик, қадам ташлаши оғир. Касал бўлмаса ҳам вужуди қақшаб оғрийди, юраги симиллайди”. Шифокор ҳар гал синчков текширади, лекин ундан бирор хасталик аломатини топа олмайди.

Камю айтган кун ҳам келади: Илья ҳаётидаги дўзахни сезиб қолади. Абсурд айланасини дуч келган нуқтасидан узиб чиқиб кетмоқчи бўлиб, исён кўтаради: бир куни кутилмаганда қўл силтаб ишини ташлаб кетади. Минг тур ўй-хаёллар билан теварак-атрофни айланиб юради, юраверади... Таниш-билишлар ҳайрон. “Бугун туғилган кунингми?” деб сўрашади ҳайрат билан. “Бугун Сизиф дам олади”, дейди Илья. Уни ҳатто эси оғганга ҳам чиқарадилар. Бироқ...

...бироқ замонавий Сизифнинг ғарибона исёни шу билан тугайди: “У ўз дўконини, ишчилари билан бўладиган майда жанжалларни, мижозларини соғина бошлаган эди”. Дўконига қайтиб келади, “ичкарига киргач, жуда ёқимли енгил нафас” олади: “Сени ҳам, Сизифингни ҳам жин урсин!.. Барча афсоналарингни жин урсин!”

Во дариғ! Замонавий Сизифга якранг ҳаёт ёқиб қолган экан!

Боя айтганимиздек, Камюнинг Сизифи учун тош тепадан думалаб тушадиган фурсат ичида фикрламоқ бахт эди. Каллифа-

тидеснинг Сизифи учун эса тинимсиз тош думалатишнинг ўзи бахт. Швед адибининг формуласи бундай: одамзод абсурдни англади, уни тарк этмоқчи бўлди, лекин бирдан шу ҳаёт тарзи маъқул эканини сезиб қолди ва қайтди.

"Одам абсурдни англагандан сўнг трагедия юзага чиқади", деган эди Камю. Фожиа кўламини англагандан кейин ҳам унга кўнмоқни нима деб баҳоласа бўлади?! "Майдондаги Сизиф"да бу мантиқсизликнинг мантиғи кўрсатилган: туппа-тузук диплом билан иш тополмаслик, иқтисодий муаммолар, шахсий ҳаётдаги фожиалар... Рози бўлмай кўринг-чи! Бу – уйининг танг-торлиги сабаб оиласи билан сиғмаётганидан шикоят қилган шўрликка ўша уйда эчки боқишни маслаҳат берган оқсоқол ҳақидаги шарқона ривоятни эсга солади. Одам боласи одамдай яшамасликка, бир парча қаттиқ-қурум нонга рози бўлиши учун аввал минг балою мусибатга дучор этилади... Бу ишларнинг "фалсафа"си шу.

Антик адабиётда ҳам, Камюда ҳам Сизиф улуғвор эди. Бири илоҳий тақдирга мусаллам, иккинчиси ўша маҳкумлик ичидан бахт ахтариб топган. Янги давр Сизифи эса ўз дўзахини севиб қолди. Тўғрироғи, уни шунга маҳкум этдилар. "Кимлар?" дейишингиз мумкин. Бу жойда Достоевсий таъбири билан жавоб берса бўлади: ҳамма нарса учун ҳамма жавобгар.

Камюнинг Сизифи ўлди.

Дарвоқе, Каллифатидес ўз қаҳрамонига Камю таҳлил қилган "Ака-ука Карамазовлар" романи қаҳрамонларидан бирининг номини танлагани ҳам тасодиф бўлмаса керак.

* * *

Биз, юксак тамаддун даъвосидаги XXI аср одамлари, Каллифатидеснинг Сизифимиз. Камюнинг формуласига солсак, биз охиригача уйғонмай одатдаги маромга қайтдик. Ҳа-да, XIX аср иккинчи ярмида пролетариат иш соатини қисқартириш талабида намойишу қўзғолонлар қилган эди. Энди эса биз 24/7 режимида ишлашга иштиёқмандмиз: ярим тунда ҳам такси ҳозиру нозир, дўконлар очиқ, кимдир велосипедда маҳсулот етказаётир...

Ильянинг бошқалардек ўз ватанига боргиси келади, бироқ Кристина ва болалари қийналишини ўйлаб бу фикридан қайтади, деб ёзади Каллифатидес. XXI аср одами ҳам эртаю кеч "гул дўконида ўтириш"га маҳкум. Замонавий Сизифнинг абсурди ўзига хос: "ҳаммасига, йўқ-йўқ, ҳаммасидан ортиғига улгуриш". Шу васваса чулғаган ҳар биримизни. Наинки моддий, маънавий очкўзликка ҳам дучор бўлганмиз. Бир одам бошқасининг жисмоний-маънавий имкониятлари етмайдиган юкни елкасига олмоқчи (ёки унга юкланади) бўлаётган замонда яшаяпмиз. Ай биродар, ҳар бир одамга тақдир ва тарих юклаган вазифа бор – ўшани бажарсангиз етарли, дейдиган мардум йўқ.

Тарихнинг бу олатасир босқичида айримлар ваколатидан фойдаланиб халойиқни абсурд айланаси ичига солганча, кўнглига келган номаъқулчиликни қилади, истаса, раият мулкини ўғирлайди, ҳар тур йўл билан нафсини ҳузурлантиради. Бундайроқларнинг ҳаёти эса жон сақлаш балосига қурбон. Бугунги одамнинг ўз шахсий макон-майдонида ёлғиз қолишга, ои-

ласи ва фарзандлари билан кўча-хиёбонларда пойи пиёда кезишга, мутолаага, тунги ёмғирнинг шивирини тинглашга вақти йўқ – ишига вақтида бормоқ учун ҳар куни саҳар тўртда уйғониши, соат олтигача гул дўконида бўлиши керак!

"Фикрларингиз баҳсталаб, биз бошқача яшаймиз, ўзгача қарашларни ҳақиқат деб биламиз", дейишингиз мумкин. Чини билан бу гаплар китобга муккасидан кетган мендек бир адабиёт муҳибининг хаёлларидан оқиб чиққандир балки... Лекин Камю ҳам тошбардор қаҳрамонда ўзини кўрган эмасмиди? "Сизифни бахтли деб ҳисоблаш лозим" деган жумла "Сизиф – Камюнинг ўзидир" демоққа асос бермайдими? Чунки тафаккур, аввало, Камюнинг ўзи учун бахт мезони эди. Сизиф учун бахт ҳукмини чиқаришга эса – ҳатто шунчалик тафтишу таҳлиллар билан-да – Камю ҳам ҳақли эмас. Чунки бахт – ниҳоятда субъектив, маҳрам туйғу. Гоҳо ўзгалар назарида ўта нотавон бўлиб кўринган биров ўта бахтиёр; біровнинг эса кўнглини дунё билан-да тўлдириб бўлмас. *"Кимдир чоҳ ичра ҳам давронин сургай, / Кимдир чўққида ҳам ўтга келгай дуч"* (Абдулла Орипов) деганлари шу бўлса не ажаб...

* * *

Сизиф парадигмаси бу билан тугамайди. Атоқли ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммаднинг ҳам шундай қаҳрамони бор: донишманд Сизиф. У тошни юмалата-юмалата парча-парча қилади. Пировардида эса ерга думалаб тушмоққа ҳукм қилинган тошни чўққига олиб чиқишга эришади. Бу ерда нафсини ҳам жиловлашга муваффақ бўлади, тошнинг енгиллаша бориши Сизифнинг нафс юкидан халос бўлишига мувозий кечади: "...харсангтош юмалайвергани, думалайвергани оқибатида у емирила-емирила, парчалана-парчалана вазни енгиллашгани сайин... Сизиф энди ўзининг инсон ва каттакон шаҳар аъёнларидан эканлигини кўпда пеш қилмас (аллазамонларда эгаллаган мартабаси унут ҳам бўлаёзган), харсангга дўқ-пўписа ёғдирмас, тилига, оёқ-қўлига эрк бермас, телбалиги тутиб, осмонни титратаман, тоғни синдираман, денгизни чайқатаман деб биёбонни бошига кўтармас… Сизиф... ўзида ҳовлиқмаслик, шошма-шошарлик қилмаслик кўникмаси шаклана бошлаганини сезган эди".

Донишманд Сизиф абсурд тошини енгди!

Лекин... бу ҳозирча орзу, холос. Балки бир кун рўёбга чиқар, балки чиқмас. Ахир, инсоният пайдо бўлганидан бери қанча нек умид-истаклар амалга ошди-ю, қанча-қанчаси орзулигича қолиб кетмади дейсиз!

Ер юзида инсоният ҳаёти тугагунга қадар яна бошқа сизифлар майдонга чиқади. Табиийки, уларнинг ҳаётга, абсурдга ва тошга муносабати бошқача бўлади. Ўша бошқачаликлар албатта адабиётда инъикос топади. Аммо, ўйлайманки, ўзбек адибининг қаҳрамони барибир Сизиф парадигмасининг охирги нуқтаси бўлиб қолаверади. Чунки у бизнинг инсон сифатидаги энг юксак, қўл етмас орзумизни тамсил этади.

Яхшиямки, одамда орзу ҳуқуқи бор.

Яхшиямки, уни биздан ҳеч ким тортиб ололмайди.



Байрам АЛИ

# E'TIQOD MANZIL EMAS, YO'LDIR

Масковда ўқиб қайтгач, қишлоғимиздаги мактабда дарс берган тоғам Болта Холмуродовнинг уйида катта қизғиш китоб жавони бўлар, ундан ўзбекча китоб топиш маҳол эди. Она тилимиздаги ўша кам сонли нашрлар ичида “Тафаккур”, “Ёшлик”, “Шарқ юлдузи” каби журналлар бўлиб, уларни қўйинга уриб чиқмасангиз, эгасидан сўрашдан наф йўқ эди. Тоғам – саломга истаса алик олиб, истамаса жавобсиз қолдирадиган ҳардамхаёл, тажанг одам – барибир бермасди. Кишибилмас олган журналларимни онамнинг сандиғига яширар, фурсат топиб икки-уч қайта ўқиб чиқар эдим.

“Тафаккур” журналини ҳам илк бор ўша кезлар қўлимга олганман. Унда “Иқрорнома”нинг иккинчи ярми босилган бўлиб, эсимда қолгани – саҳрода махлуққа дуч келган йўловчи ва кўп ўйлайверганидан ўз жонига қасд қилар даражага етган одам... Уларни узоқ вақт унутолмай юрдим. Яқинда асарнинг журнал варианти асосидаги нашри қўлимга тушди. Буни таржимон изоҳидан танидим. Орадан шунча вақт ўтса-да, асар шууримда акс садо бергандай бўлди, ботинимда ажиб ғалаён турди. Ғалаён боиси – “Иқрорнома” муаллифи Лев Толстойнинг мураккаб шахси ва шахсидан ҳам мураккаброқ қарашлари теграсидаги ўй-хаёллар...

### Иқрор ва жасорат

“Ким буюк фикрлар билан яшаса, буюк оғриқлар йўлдоши бўлади”, деган экан олмон файласуфи Мартин Ҳайдеггер. Ўн

[illegible] ёшидан кундалик ёза бошлаган, инсо[illegible]та "бўйи баробар қўлёзмаларни мерос [illegible]иб қолдирган" улуғ адиб Лев Толстой [illegible] бутун умр кучли руҳий зиддиятлар до[illegible] яшайди. Фалсафа факультетига ки[illegible] таҳсилни тугалламай ташлаб кетади. [illegible]нинг катта қисмини деҳқон фарзанд[illegible]нинг таълим олишига сарфлайди. [illegible] ейишдан воз кечади, кун келиб ҳам[illegible] вегетарианликка юз буради, деб ўйлай[illegible]. Олти йил давомида ёзиб, саккиз марта [illegible] тузатгани – ўзига улкан шуҳрат кел[illegible]ган "Уруш ва тинчлик" эпопеяси ҳақида "[illegible]мас бир нарса! Одамлар мени шунга [illegible] асарлар учун манзур кўриши са[illegible]бини тушунолмайман", деган эди. Кек[illegible]ч, ҳатто ўлимни ҳам кўпчилик каби [illegible]шта бир алфозда, уйда эмас, овлоқ [illegible] гўшада кутиб олади. Черковга қарши [illegible]и расман эълон қилади, ўша даврда [illegible] катта таъсир кучига эга бўлган чер[illegible] аҳлини қаттиқ қоралайди. Адибнинг [illegible]дий қарашлари, айниқса, кескин ва [illegible]-қаршиликларга тўла эди. Унинг бу [illegible]ги кечинмалари, юрак қони билан [illegible]лган изтироблари "Иқрорнома"да бор [illegible]сти билан ифода топган.

"[illegible]ётнинг мазмуни нима? Инсон ким? [illegible] умр кечираётирми? Дин инсонни [illegible]вий комилликка элта оладими?" каби [illegible]лар ҳамма даврда ҳам даҳоларни [illegible]та қилган. Милоддан аввалги V аср[illegible] Будда Ҳиндистонда туриб шу ҳақда [illegible] ўтирган. Милоддан аввалги VI аср [illegible]оуннаҳрида Зардўшт шу дард билан [illegible]йди". Конфуций, Арасту, Шопенҳауэр [illegible] бошқа файласуфлар шу саволларга [illegible]б излайди. Толстой билан деярли бир даврда яшаган Фридрих Нитше ҳам диққатини шунга қаратади. Ҳамон бир тўхтамга келинмаган, эҳтимолки, якдил хулоса чиқариш имконсиз бўлган, доҳиёна тафаккур эгалари учун



ҳануз баҳс мавзуси ҳисобланмиш мазкур масалага Толстойнинг ёндашуви ўзига хос эди. У юқоридаги саволларга жавоб қидиришни аввало ўзига ҳукм чиқармоқдан бошлайди. Ўзини аёвсиз фош қиларак инсоният ҳаёти ҳамда кўникмаларига баҳо беради. Мутафаккир адибни қийнаган ўйлар қай бир лаҳзада балки ҳар биримизнинг онгимиздан югурик сичқондай лип этиб ўтгандир?! Эҳтимол, шу каби туйғуларни ғира-шира ҳис этгандирмиз-у, ғайришуурий ёки ихтиёрий равишда охиригача ўйлаб кўрмагандирмиз. Аммо ўзингиз айтинг, "Мен одам ўлдирдим – қотилман; мужикларни қартада бой бердим – тубан тижоратчиман; фаҳшга, ичкиликбозликка муккасидан кетган вақтларим бўлди – бас, маънавий қашшоқ одамман. Охирига бориб эса бу инсоният мени даҳо деб эълон қилди" демоқ учун кишига қанчалар жасорат керак?! Асар бошдан-охир мана шундай бешафқат ва ўта ичкин иқрорлардан иборат.

## Калаванинг учини ахтариб

Адиб асар бошидаёқ ўзининг православ насроний динида чўқинтирилгани, шу

руҳда тарбия топгани, лекин 18 ёшга келиб диний ақидаларнинг ҳеч бирига ишонмай қўйганини айтади. "Баъзи бир хотираларимга қаралса, мен ўзимга ўргатилган нарсаларга ва катталарнинг олдимда қилган тавба-тазарруларига ҳеч қачон жиддий ишонган эмасман. Фақат хиёл ишонқираб қарардим, аммо бу ишончнинг замири жудаям мўрт эди", дейди у. Ишонч илдизларининг мўртлигини одамлар бир-бирининг хатти-ҳаракатларини ўзлаштиришга мойиллиги, шу туфайли насронийча эътиқод ички эҳтиёж эмас, кўп ҳолларда оддий кўникма ёки жамиятдан ажралиб қолишдан қўрқиш натижаси бўлиши мумкинлиги билан изоҳлайди.

Табиатан одил бўлган адибга диний ибодатлар тақво даъвосидагилар учун умрнинг шунчаки бир қисмига айланиб қолаётгани, бошқа вақтда эса уларнинг черковга қатнамайдиган одамлар каби тубан ишлар билан шуғулланишда давом этишини кўрмоқ оғир эди. Диний эътиқод ва бунга зид ахлоқий тубанликнинг бир қалбда ўрин топиши уни ажаблантирарди.

Толстойнинг фикрича, эътиқод инсонни ўзгартириши зарур. Гуноҳ ва тавба-тазарруннинг бир инсон руҳониятида қарор топиши – эътиқодсизликдан тубанроқ. Шу боис унинг кўпгина асарларида эътиқод билан имоннинг иккига ажратилганини кўриш мумкин.

Толстойнинг имон билан боғлиқ талабларига ўша даврдаги диний жамият жавоб бера олмайди. Бу унинг черковдан юз ўгириб, Худони бошқа ёқлардан излашига сабаб бўлади. Зотан шу йўл орқали у ҳаётнинг мазмуни билан боғлиқ саволларига жавоб топишга умид қилар, Ҳомеру Навоийни ўйлантирган комиллик дастурини яратишни истайди. Қанча чуқур кирмасин, инсон ҳаёти унга дуч келган тарафга ирғитилган тошдай маъносиз туюлаверади. Адиб тушкунликка, ғам-ғуссага шунчалар бериладики, тўсатдан ўзини осиб қўйишдан чўчиб, оқшомлари хонасидаги тизимчани ташқарига чиқартириб ташлайди. "Ҳаёт бемаъни ва яратилишимдан мақсад йўқ, агар уни кимдир инъом этган бўлса, бу менга қилинган энг қалтис ҳазилдир" қабилидаги хулосага кела бошлаган Толстойни ўзини шу тизимчага осиш ёки ов милтиғи милини гарданига тўғрилаб тепкини босишдан фақат "Яна бир оз шошма, бунга ҳар қачон улгуриш мумкин, шу билан барибир йўқолган калаванинг учини топа олмайсан-ку", деган фикр қайтариб туради.

## Қудуқ тубидаги аждаҳо

Толстойнинг ўлим билан боғлиқ қарашларига ҳам алоҳида тўхталмоқ жоиз. Атоқли адиб Назар Эшонқул "Қора китоб" асарида қаҳрамон тилидан "Ўлим фожиа эмас, тақсирим, ўлим бу – маъно!" дея инсон мамоти теран фалсафага эга эканини урғулайди. Бироқ бу борада Толстойнинг фикри бутунлай бўлакча. Унинг учун инсон ўлими – фожиа, мағлубият ва шармандалиқдир. Буни, айниқса, адибнинг "Уч ўлим" ҳикоясидаги бойвучча хоним, мужик ва дарахтнинг ўлими мисолида кўришимиз мумкин. "Иқрорнома"да эса муаллифнинг ўлим билан боғлиқ қарашларини ойдинлаштирадиган қуйидаги ривоят келтирилган.

Эмишки, бир одам кимсасиз саҳрода даҳшатли махлуққа дуч келади. Махлуқ-

...дан қочиш асносида қудуққа тушиб кетади ва бир бутоқни ушлаб осилиб қолади. Қудуқ тубига тушай деса, аждаҳо оғзини очиб турибди. Тепада даҳшатли махлуқ ҳужумга шай. Боз устига, бир жуфт оқ ва қора сичқон у осилиб турган бута илдизини кемиряпти. Ҳалиги одам англаяптики, кўп ўтмай бута узилиб, тўғри аждаҳонинг оғзига тушади. Барибир бутага маҳкам тирмашади, атрофига аланглайди... ва бечоранинг кўзи бута япроғидаги икки-уч томчи асалга тушади. Зўр бериб уни ялай бошлайди.

Назаримда, Толстой даҳшатли махлуқ қиёфасида хаёлни, бута деганда ҳаётни, ва аждаҳо тимсолида ўлимни, оқ ва қора сичқонларда кеча-кундузни, япроқдаги асалда эса одам ўзини овутиб яшайдиган ёлғон, оний лаззатни назарда тутади.

## Ўрмонда адашган кимса

Араб ёзувчиси ва файласуфи Жуброн Халил Жуброннинг “Эътиқод бир манзилдирки, унга тафаккур карвони билан бориб бўлмас” деган ҳикматли гапи бор. Ҳамма нарсани ақл тарозисида тортиб кўришни истайдиган Толстой эътиқод инсон кечираётган умрига мувофиқ келмас экан, демак, ибодатдан маъни йўқ, деган қатъий тўхтамга келади. Одатда, эътиқоддан юз бурган одамлар унинг талабларига бардош бера олмай, нафсини қийнамай, эркинроқ яшашни истагани боис шу йўлни танлайди. Толстой учун эса черков ва унинг таълимотига ишонмай яшаш чинакам руҳий азоб-уқубатларга эшик очади. Демак, Толстойнинг раддиясида эътиқодга қаршилик эмас, аслида эътиқодсизликдан, ёлғон эътиқоддан норозилик ётар эди. Бу ёзувчининг бутун ижодида кўзга ташланса ҳам, муросасиз “Иқрорнома”да тугал ифода топган.

Бу ҳол ўша даврнинг черковга қаттиқ боғланган жамияти томонидан олқишланиши мумкин эмас эди. Шу сабаб адиб асарлари ман қилинади, номи таҳқирланади. Кўча-куйда дуч келган айрим одамлар ҳатто уни тошбўрон қилишгача боради. “Иқрорнома”ни қоғозга тушира бошлаган Толстой ҳақида рафиқаси Софья Андреевна “Тушунарсиз ва ҳеч кимга кераги бўлмаган аллақандай диний мулоҳазалар ёзиш билан банд”, дейди. Шунинг ўзиёқ адиб қарашларига атрофидагилар қандай муносабатда бўлганини ойдинлаштиради. Шунга қарамай, Толстой инсон ҳаётидан маъно излашда, қандай яшаш тўғри бўлади дея фикр юритишда давом этади. У бунинг учун барча нарсадан воз кечишга тайёр эди. У ақлини мукаммаллаштириб, танасини чиниқтириб, ўзи учун яратган қатъий қоидалар асосида иродасини тоблашга бел боғлайди. “Поэзиянинг аҳамиятига ва ҳаётнинг ривожланишига бўлган бу ишонч – имон эди ва мен унинг муҳибларидан бири эдим”, дейди у. Лекин орадан бир оз вақт ўтгач, ёзувчилик имонининг бенуқсон эканига ҳам шубҳа туғилади. Ўзи ҳамда бу имоннинг бошқа муҳиблари ҳаётини синчиклаб кузатар экан, кутилмаганда ёзувчилар, эҳтимол, мен ҳарбийлик ҳаётимда учратган одамлардан ҳам виждонсизроқдир, деб ўйлаб қолади.

Агарки ёзувчи шунчаки “ҳаёт бемаъни экан” деган фикр билан яшаганида, балки ўзини бу қадар қийнамаган бўларди. Лекин у яшашда маъно борлигига ишонар, ўша

маънони топа олмаётганидан куюнар эди. Бу ёзувчининг "Ўрмонда яшасам-у, ундан чиқиш йўли йўқ эканини билсам, хотиржам тортардим. Бироқ мен ўрмонда адашган кимса эдим. Бундай киши эса адашганини билиб, янада таҳликага тушади, ҳар томонга бош уриб, йўлни топиб олгиси келади, ҳар бир қадами уни чалғитаётганини яхши билса ҳам, шунга қарамай, ўзини ҳар ёнга уришдан тўхтатолмайди" деган сўзларидан аён бўлади.

## Ҳаётни инкор этолмайман...

Зиёлилар даврасида катта шуҳратга эга адиб жавобни кейинчалик табиий фанлар ва олимлар даврасидан ҳам қидириб кўради. "Бутун хоҳиш-истакларимдан тортиб мен ўзим нимаман? Менинг ҳаётим қандай самара беради?" – у энди саволни мана шу тарзда қўяди. Бу эса, афсуски, Толстойнинг хаёлларини олдингидан ҳам чигаллаштириб юборади. Тушуниб етадики, оламда ҳамма нарса – органик дунё ҳам, ноорганик дунё ҳам ниҳоятда оқилона тартибга солинган. Биргина инсон ҳаёти бемаъни, бетартиб! Ундан-да қизиғи, одамлар буни ўйлаб ҳам ўтирмай шунчаки умр кечираётир.

На эътиқод, на ижод, на-да фандан қониқарли жавоб топган Толстой файласуфлар таълимоти ва ҳаёт йўлини тадқиқ этишга киришади. Ўзи кириб қолган боши берк кўчадан чиқишнинг тўртта йўлини чизади.

1. Ҳаёт ёвуз нарса экани ва яшашнинг маъносизлигини билмаслик, англамаслик. "Бу тоифа одамлар – айниқса, аёлларнинг кўпчилиги ё ҳали жуда ғўр ёшлар ёхуд ўта бефаросат кишилар – Шопенҳауэр, Сулаймон пайғамбар, Будда қаршисида кўндаланг бўлган ҳаёт масаласини англамоққа ожиз. Улар на пастда кутиб ётган аждаҳони, на ўзлари ёпишиб олган шохни кемираётган сичқонларни кўради. Улар фақат асал ялаш билан овора. Аммо уларнинг асалхўрлиги фурсат етиб тўхтайди. Бирор кимса уларнинг эътиборини аждаҳо билан сичқонларга қаратадию уларнинг асал ялаши тўхтайди. Мен бу одамлардан ҳеч нарса ўрганолмайман. Билган нарсангни билмай қолишнинг иложи йўқ-да..."

2. Эпикурона ҳаёт. Ҳаётдан умидвор бўлмоқ имконсиз эканини билатуриб, мавжуд неъматларнинг ҳаммаси истифода этилади; на аждаҳога, на сичқонларга қаралади; асални эса тўйиб-тўйиб ялайсан, айниқса, шохдаги асал мўл бўлса...

3. Ҳаёт ёвуз ва маъносиз эканини англаб, ўз жонига қасд қилиш. (Бундай таслимиятда албатта шармандалик бор, шунинг учун ҳам Толстой бу чорани танлай олмасди.)

4. Сулаймон пайғамбар ва Шопенҳауэр ҳолатида яшаш. Яъни ҳаёт ўзингга нисбатан бемаъни, таҳқирли ҳазил эканини билатуриб, шундан бошқа йўл топилмагунига қадар яшашда давом этиш.

Бироқ Толстой юқоридаги чораларнинг ҳеч бирини ўзида қўллаб кўролмасди. Сабаби, бу чоралар қанчалик мантиқли туюлмасин, уларнинг ибтидосида аллақандай янглишиш борга ўхшаб кўринаверади.

Ҳа, мутафаккир ўзи истаган тақдирда ҳам ҳеч нарсага юзаки ёндаша олмас, ҳамма масалага хос синчковлик билан назар ташларди. Дунёнинг ярми ибодат билан

маънони топа олмаётганидан куюнар эди. Бу ёзувчининг "Ўрмонда яшасам-у, ундан чиқиш йўли йўқ эканини билсам, хотиржам тортардим. Бироқ мен ўрмонда адашган кимса эдим. Бундай киши эса адашганини билиб, янада таҳликага тушади, ҳар томонга бош уриб, йўлни топиб олгиси келади, ҳар бир қадами уни чалғитаётганини яхши билса ҳам, шунга қарамай, ўзини ҳар ёнга уришдан тўхтатолмайди" деган сўзларидан аён бўлади.

## Ҳаётни инкор этолмайман...

Зиёлилар даврасида катта шуҳратга эга адиб жавобни кейинчалик табиий фанлар ва олимлар даврасидан ҳам қидириб кўради. "Бутун хоҳиш-истакларимдан тортиб мен ўзим нимаман? Менинг ҳаётим қандай самара беради?" – у энди саволни мана шу тарзда қўяди. Бу эса, афсуски, Толстойнинг хаёлларини олдингидан ҳам чигаллаштириб юборади. Тушуниб етадики, оламда ҳамма нарса – органик дунё ҳам, ноорганик дунё ҳам ниҳоятда оқилона тартибга солинган. Биргина инсон ҳаёти бемаъни, бетартиб! Ундан-да қизиғи, одамлар буни ўйлаб ҳам ўтирмай шунчаки умр кечираётир.

На эътиқод, на ижод, на-да фандан қониқарли жавоб топган Толстой файласуфлар таълимоти ва ҳаёт йўлини тадқиқ этишга киришади. Ўзи кириб қолган боши берк кўчадан чиқишнинг тўртта йўлини чизади.

1. Ҳаёт ёвуз нарса экани ва яшашнинг маъносизлигини билмаслик, англамаслик. "Бу тоифа одамлар – айниқса, аёлларнинг кўпчилиги ё ҳали жуда ғўр ёшлар ёхуд ўта бефаросат кишилар – Шопенҳауэр, Сулаймон пайғамбар, Будда қаршисида кўндаланг бўлган ҳаёт масаласини англамоққа ожиз. Улар на пастда кутиб ётган аждаҳони, на ўзлари ёпишиб олган шохни кемираётган сичқонларни кўради. Улар фақат асал ялаш билан овора. Аммо уларнинг асалхўрлиги фурсат етиб тўхтайди. Бирор кимса уларнинг эътиборини аждаҳо билан сичқонларга қаратадию уларнинг асал ялаши тўхтайди. Мен бу одамлардан ҳеч нарса ўрганолмайман. Билган нарсангни билмай қолишнинг иложи йўқ-да..."

2. Эпикурона ҳаёт. Ҳаётдан умидвор бўлмоқ имконсиз эканини билатуриб, мавжуд неъматларнинг ҳаммаси истифода этилади; на аждаҳога, на сичқонларга қаралади; асални эса тўйиб-тўйиб ялайсан, айниқса, шохдаги асал мўл бўлса...

3. Ҳаёт ёвуз ва маъносиз эканини англаб, ўз жонига қасд қилиш. (Бундай таслимиятда албатта шармандалик бор, шунинг учун ҳам Толстой бу чорани танлай олмасди.)

4. Сулаймон пайғамбар ва Шопенҳауэр ҳолатида яшаш. Яъни ҳаёт ўзингга нисбатан бемаъни, таҳқирли ҳазил эканини билатуриб, шундан бошқа йўл топилмагунига қадар яшашда давом этиш.

Бироқ Толстой юқоридаги чораларнинг ҳеч бирини ўзида қўллаб кўролмасди. Сабаби, бу чоралар қанчалик мантиқли туюлмасин, уларнинг ибтидосида аллақандай янглишиш борга ўхшаб кўринаверади.

Ҳа, мутафаккир ўзи истаган тақдирда ҳам ҳеч нарсага юзаки ёндаша олмас, ҳамма масалага хос синчковлик билан назар ташларди. Дунёнинг ярми ибодат билан

машғул. Аммо Яратганнинг ўзини эшитаётганига ғира-шира шубҳа ҳис этаётган қолган қисми эса фақат муҳтож қолганида тазарруга зўр бериб, Худога ёлворишга тушади... Шу манзарада адиб толстоёна одиллик билан бутун ҳаётини эътиқодига мослаштирмоқ, фақат ўзи англаб етган маънога мос равишда яшамоқни истар эди.

Толстойнинг ҳаётнинг маъноси эътиқодда эмас, эҳтимол имондадир, деган хулосаси ҳам мўрт чиқади. Чунки атрофида айрим имонсиз одамлар ҳам бўладики, ҳаётдан асло норози эмас. Шунда у, эҳтимол, мен ўзим ўтакетган омидирман, деган фикрга келади: ахир, билмаган одам, ўзи билмаган нарсасини жудаям бемаъни, аҳмоқона деб ўйлайди-ку?!

Толстой ўзи, Сулаймон пайғамбар, Будда, Шопенҳауэрлар ҳаётини асл ҳаёт билиб, ёруғ оламда умр кечираётган бошқа миллиардлаб одамларнинг ҳаётини эса диққатга арзимайдиган бир нарса деб англаганидан хижолатга тушади. У олим, ёзувчи ёки бошқа зиёли эмас, оддий ишчи-деҳқонлар ҳаётига беҳад муҳаббат билан қарайди. Аммо орадан кўп ўтмай, улар ҳам ҳаётнинг маъносини билмасликларига ишонч ҳосил қилади ва қаршисида яккаш жавобсиз савол қолади: одамзод нима учун ҳаётининг бесамар эканини билгани ҳолда ўзини рад этмайди?..

## Жавобсиз саволлар

Толстой умри адоғида ислом динини қабул қилгани ҳақидаги гапларга каминада шубҳа бор. Унинг бутун умрлик саъй-ҳаракатлари гоҳ Нақшбандий, гоҳ Кубро, гоҳи тарихий манбаларда тилга олинадиган дарвеш ё сўфийларнинг ҳаёт йўлини эслатса-да, жўшқин, асов эҳтирослар билан яшаган инсон жуда оз муддатда, фақат ўз ақлига таяниб эътиқодини тугал ўзгартириши ҳақиқатдан узоқ туюлади. У ислом динини башариятнинг ишончли маънавий таянчи деб ҳисоблагани боисгина алоҳида эътироф этган деб ўйлайман. Адабиётшунос, Толстойнинг бир нечта асарини ўзбекчалаштирган моҳир таржимон Муҳиддин Раҳим ҳам "Ҳаёт бор – ўлим йўқ!" мақоласида адибнинг фалсафий қарашларини муфассал ёритар экан, ундаги айрим, хусусан, жиноятни жазолаш ҳамда эркак-аёл муносабатлари борасидаги ёндашувлар миллий маънавиятимиз негизи – исломий қарашлар билан тўғри келмаслигига ишора қилади *("Тафаккур", 2015, 1-сон, 49-бет)*.

Хўш, Толстой "Иқрорнома"да "Ҳаёт нима? Инсон ким?" деган саволларга жавоб топадими? Афсуски, йўқ. Ҳа, қарийб тўқсон бетлик асар ўртага ташланган саволларга тугал жавобсиз якун топади. Журналхонда беихтиёр эътироз туғилиши мумкин: унда асарни ўқигандан нима наф? Ушбу эътирозга жавобан айтардимки, "Иқрорнома" ўз ўқувчисига ҳақиқатни қандай қалб, қандай ирода билан излашни ўргатади. Ўзига, ҳаётга ва бошқаларга нисбатан қанчалар одил, талабчан бўлиш лозимлигидан сабоқ беради. Ким билсин, эътиқод ҳам аслида манзил эмас, йўлдир...



Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ

# Mansabdan oliy maslak

### Умрга татигулик сабоқ

Ҳаёт синову имтиҳонлардан иборат экани ҳақ-рост. Улар гоҳида бутун ҳаётингизни ўзгартириб юбориши мумкин.

1985 йилнинг октябридан Тошкентдаги Ҳунар-техника билимюртида тарих фанидан дарс бера бошладим. Интиқиб кутилган палла – биринчи маош қўлга тегадиган кун ҳам келди. У маҳаллар моянани жамоатчи кассирлар тарқатарди. Ҳужжатга 87 сўм учун имзо чекдиму пулни олиб ташқарига чиқдим. Коридорда санаб кўрсам, 97 сўм экан. 10 сўм ортиқча. Шайтон қурғур “Кассир билиб ўтирибдими, айб ўзида, индамай кетавер”, деб васваса қилади. Қалбдаги имон эса “Ҳозироқ кириб, ортиқчасини қайтариб бер!” дейди. Ҳартугул, раҳмон даъватига итоат қилиб ортга қайтдим.

Кассир кекса бир яҳудий эди. Гирдида бошқа ходимлар ҳам тизилиб турган экан, уларга кўзини қисиб қўйди-ю, менга индамади. Тушдан кейин олдига чақириб, бор гапни айтди. Кассир мени синаш учун атайин маошимга 10 сўм қўшиб қўйган, ҳатто ҳамкасблар билан бу масалада гаров бойлашган экан. Шукрки, синовдан яхши ўтдим. Бу ҳодиса менга бир умрлик сабоқ бўлди. Бировнинг ҳақи буюрмаслиги, ҳаром луқма икки дунёда ҳам шармандаи шармисор қилишини англаб етдим.

## Ишқ бошқа, ҳавас бошқа

Иван Криловнинг "Квартет" деган масали бор. Мазмуни бундай: эчки, эшак, маймун ва айиқ бир неча хил чолғуда куй ижро этмоқчи бўлади. Аммо куй дегани ҳеч чиқмайди. Шунда улар "рисоладагидек жойлашмадик чоғи" дея ўрин алмашади: айиқ эчкининг рўпарасига, маймун эса эшак билан ёнма-ён ўтиради. Қани энди [illegible]товлон бирор куйни маромига етказиб ижро эта олса! Ҳавасмандлар қаторлашиб ўтирганча соз чалмоққа уннаб кўради – барибир бефойда. Уларга булбул ҳаққоний жавоб беради:

*Булбул деди: "Бўлмоқ-чун созанда-машшоқ*
*Уқув билан керакдир нозикроқ қулоқ.*
*Сиз-чи, азиз дўстларим, қандай ўлтирманг,*
*Машшоқ бўлолмайсиз, оввора бўлманг.*

Қиссадан ҳисса: ҳар ким қўлидан келган ишни қилгани маъқул. Зоғ ҳар қанча сайрамасин андалиб бўлолмас...

## Жез тилла бўлмас

Нега одамлар азза-базза "Озодлик" ҳайкалини кўргани Нью-Йоркка боради? Нега сайёҳлар Париждаги Эйфель минорасини зиёрат қилмоққа бу қадар ошиқади? Чунки "Озодлик" ҳайкали ҳам, Эйфель минораси ҳам битта, ягона! Агар Вашингтон, Берлин, Рим ёки Лондонда нусхаси бўлганида бор-[illegible]ларнинг қадри қолмасди.

Яқинда матбуот нашрлари Сирдарё вилоятидаги "Мотамсаро она" ва Чирчиқ шаҳридаги Алишер Навоий ҳайкаллари [illegible] ҳолда экани ҳақида бонг урди. Албатта, маданий ёдгорликларга эътиборсиз масъулларни оқлаб бўлмайди. Аммо, менимча, бу ҳолнинг бош сабаби юртимизда "Мотамсаро она"ю Навоий ҳайкалларининг кўпайиб кетганидир. Одамзод ҳамиша нодирликка ошуфта. Санъат асарининг нусхаси ҳеч қачон аслият каби қадрланмайди.

## "Кўз"ни "кўр" қилманг!

Халқ тақдири тил тақдири билан чамбарчас боғлиқ. Тил – миллат маданиятининг ўзагидир. У халқни бирлаштиради, тарбиялайди, юксалтиради. Афсуски, матбуотда, ижтимоий тармоқларда, кундалик мулоқотда сўзларнинг нотўғри қўлланиши кўпайгандан кўпайди. Мутафаккир бобомиз Алишер Навоий бир нуқта ила "кўз"ни "кўр" қилиш мумкинлигидан огоҳ этгани бежиз эмас.

Бир ҳамкасб инимиз "самолётни чақмоқ урди" деб ёзибди. Аслида, чақмоқ чақади, яшин – уради.

Интернет сайтларда шундай хабарга кўзим тушди: "Иккинчи жаҳон уруши йилларида турли миллатларга мансуб 15 нафар болани ўз қанотига олган Шоаҳмад ва Баҳри Шомаҳмудовлар оиласи ҳақида Раҳмат Файзийнинг "Его величество Человек" романи ёзилган". Барака топкур ҳамкасблар, бу романнинг номи "Ҳазрати инсон"-ку, асар аввал ўзбекча ёзилиб, кейин русчага таржима қилинган, ахир!

Бир журналист "кўзгу чоралар" деб қўллабди. Русчадаги "зеркальные меры" жумласини шундай ўгирибди. "Акс чоралар" дегани маъқул эмасми?

Ҳуқуқ-тартибот идоралари вакилларининг "Излар иссиқлигида жиноят фош этилди" қабилидаги битиклари ҳам ғашни келтира-

ди. "Иссиқ излар" – русчадан нўноқ таржима, ўзбекчада "излар совимай" дейилади.

"Летучая мышь" кўршапалак экани маълум, аммо бир ҳаваскор таржимон уни "учар сичқон" деб қўллабди. "Воздушный змей"ни (варрак) эса қай бир шоввоз "ҳаво илони" тарзида ишлатибди. Бу кетишда русларнинг "иди в баню" (тошингни тер, туёғингни шиқиллат) деган иборасини "ҳаммомга бор" деб қўллай бошлашимиз ҳеч гап эмас. Чаласаводлик – хунук иллат, ундан йироқ бўлайлик.

## Қодирийлар отилган кун

Мустабид тузумни қўмсовчилар, "СССР-да гугурт бир тийин эди" дегувчилар, билиб қўйинг, ўша даврда инсоннинг ҳам бир чақалик қадри йўқ эди.

4 октябрь – Ўзбекистон тарихидаги энг қайғули кунлардан бири. 1938 йилнинг 4 октябрида СССР Олий суди ҳарбий коллегияси ўзбекистонлик 507 нафар сиёсий маҳбусга ўлим ҳукмини ўқиди. Ошиғич равишда қатл этилганлар орасида миллатнинг виждони бўлмиш Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат каби зотлар бор эди.

4 октябрь – тарихимизга қора рангда битилган кун.

## Коррупцияни тўхтатиш йўли

Институт таҳсили даврида (1984 йил) сиёсий иқтисод фани ўқитувчиси келтирган мисол ҳеч ёдимдан чиқмайди.

АҚШда коррупцияга қарши курашиш агентлигини ташкил қилмоқчи бўлишибди. Хомчўт қилиб кўрилса, каттагина маблағ керак бўлар экан. Шунда ўйлаб-ўйлаб, вақти-вақти билан ҳукуматни танқид қилиб турувчи коммунистик партия тузишиб-

*Фаол. Шахсий ҳаётда фаол. Жамоат ишларида фаол... Тиниб-тинчимайдиган, ҳар ишга бош қўшаверадиган жонсарак, серғайрат одам дегани-да. Бугун энди ижтимоий тармоқ – фейсбукда фаол бир тоифа чиққан. Шарофиддин Бакир ўғли ана шулардан, уларнинг энг илғор, бамаъниларидан, бизга ўхшаган унча-мунча нарсани жини суймайдиганларга ҳам маъқул бўларли қилиб ёзабиладиган замон блогерларидан.*

*Дарвоқе, у киши шундай бўлмоққа – фаол ва жўяли ёзмоққа мажбур, чунки асли журналист, ўзимиздан, мамлакат матбуотини гуллатиб юрганлардан.*

*Ҳамкасбимизнинг абжир қаламини ҳарчанд таърифламоқ мумкин, аммо ўзини ортиқча таништиришга ҳожат йўқдир. "Тармоқ" орқали у бор гапни овоза қилиб улгурган: асли ким, қаерда туғилган, ота-онасию ҳамқишлоқлари кимлар, нимани яхши кўрадию нималарга тоқати йўқ, қисқаси, олам ва одам ҳақида, замон ва замонавий тутумлар йўриғида шахсан қандай фикрда...*

*Биз ўзаро анчайин салом-аликмиз, холос, лекин уни яқинлардан ҳам яхшироқ биламан десам бўлар. Талай масалаларда якдил, фикрдошмиз-у, бу одамнинг ажаб очиқ кўнглига, бағрикенглигига, ёппа олам ва одамга хайрихоҳлигига доим "беш кетаман". Журналист деганлари бунчалик некбину ширинзабон бўлмагув-*

ди. СССРнинг *моддий кўмагида фаолият* юритган "қизил" партия камчиликларни фош этиб тургани боис аксилкоррупция …асига ҳожат қолмабди.

Ўшанда домланинг илмоқли гапига …тиб қўйган эдим. АҚШ сиёсий ҳаётида компартиянинг таъсири у қадар кучли эмас, асосан республикачи ва демократлар …мушт бўлиб бир-бирини танқид қила…ди. Аммо барибир ўқитувчимизнинг гапида …н бор эди.

Фикримча, бизнинг партиялар ҳам …на фаолият олиб борса, коррупция …ахосининг попуги анча пасаярди. Му…ф партия ва эркин матбуот назорати… …с этган амалдорлар қонундан ташқа… …моққа журъат қилмайди. Коррупци… …рхона-ташкилотларда ўтказиладиган …слар билан тўхтатиб бўлмайди, унга … тизимли равишда курашиш керак.

## Муқаддас маслак

Бир муддат олдин Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти билан ҳамкорликда "Жадидчилик маърифати" туркумида эшиттиришлар тайёрладик. Атоқли давлат арбоби Усмонхўжа Пўлатхўжаевга бағишланган эшиттиришимизда янграган бир гап жадид боболаримизнинг улуғвор мақсадини яна бир карра намоён қилди.

Бухоро қозикалонининг вакили Мулла Қамариддин Усмонхўжага "Агар сиз ўз ихтиёрингиз ила мактабингизни ёпсангиз, тилаганерингизда қози ёки раис қилдирмоқни қозикалон номидан ваъда бераман", дейди. "Муаллимлик қилишимиз очлик ёки мансабга етиша олмаганимиздан эмас. Халққа ва юрт болаларига бир оз фойда етказурмиз деб мунча машаққатларни бошимизга юкладик, тутган муқаддас масла-

*…чи эди; унинг вазифаси – жамият ҳаётига танқидий қарамоқ, мавжуд хато ва камчиликларга муросасиз бўлмоқ. Йўқ-да, бизнинг қаҳрамонимиз таниган-билган кимники қаламга олмасин, кўпинча таваллуд айёмларидаги алёрларида уни осмони фалакка олиб чиқиб қўяди: зўрдан-зўр журналист, бунақаси камдан-кам топилади, соҳада мактаб яратган! Теварак-атрофга назар солиб эса ҳайрон бўласиз: мактабдор журналистимиз шу қадар кўп бўлса, соҳада бирон муаммо қолмаган экан-да?..*

*Ундай эмас, албатта. Бу – тарихнинг бугунги кун муаммоларини, умуман, инсон табиатини теран биладиган, теран англайдиган дўстимизнинг кўнгил орзуси, холос – аслида шундай бўлмоғини истайди у. Ишонч ва ҳимматга балли!*

*Мен бу фаол фикрлайдиган, жамиятдаги катта-кичик муаммоларга тезкор ва холис, равон услубда муносабат билдиришга моҳир, имон-инсофли ижодкоримизнинг ўзини матбуотда чинакам мактаб яратган мураббий дегим келади. Кўнгилчанлик ё "арзончилик" қилинаётгани йўқ, бор гап шу. Сўнгги найзани ҳам ишга солсак – бу фазилатларда журналист, публицист Шарофиддин Тўлагановга етиб бўлсиз!..*

**Э. А.**

гимизни дунё мансабига сотмаймиз", деб жавоб беради Усмонхўжа.

Жадид боболаримиз миллат тараққийси йўлида қанчалар жонфидо бўлганини унутмоққа асло ҳаққимиз йўқ.

## Баргдек узилиб кетсам...

Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театрида саҳналаштирилган "Усмон Носир" спектакли премьерасида қатнашдим. Тан олай, театрга тушмаганимга анча бўлиб эди. Тўғри, аввал тез-тез бориб турардим, аммо спектакллар маишийлашиб кетгани, жўн бачканалик комедия дея талқин қилингани сабаб театрдан қўлимни ювиб қўлтиғимга урган эдим.

*Юрак, сенсан менинг созим,*
*Тилимни найга жўр этдинг.*

Спектакль ана шу таъсирли қўшиқ билан бошланади. Асарда оташнафас шоир тақдири орқали сотқинлик ва хиёнат, одамзоднинг турланиш-тусланишлари очиб берилган.

Аксар адабиётшунослар Усмон Носирни ўзбек Лермонтови деб талқин қилади. Аммо пьеса муаллифи Жавлон Жовлиев Усмон Носирни Сергей Есенинга менгзайди. Янги ёндашув. Назаримда, шоир илдизи рашкка бориб тақалган низо қурбони бўлган. Уни худди Эдмон Дантес ("Граф Монте Кристо") каби дўстлари сотди. Усмон Носир сиёсатдан йироқ шоир, девонаи ҳақгўй эди. Соддалиги бошига бало бўлди. Аммо у бошқача бўлолмасди, мунофиқлик унга бегона эди.

Спектакль хотимасида қамоқхонанинг инсофли қўриқчиси ёвуз ҳамкасбини ўлдиради, шоирнинг икки хиёнаткор дўстини ҳам отади. Аммо улар ўлмайди, балки оломон ичига кириб кетади.

*Баргдек узилиб кетсам,*
*Унутмас мени боғим.*

Маҳзун томоша ана шу қўшиқ билан тугайди.

Халқимиз яна театрга қайтаётгандек. Вилоятлардан Тошкентга келаётган ватандошларимиз фақат бозорларга эмас, театр ва киносаройларга ҳам кирадиган кунлар яқинми дейман...

## Истиҳола

Бугун байрам, касб байрамимиз. Аммо шу лаҳзаларда уни нишонлашга ҳаққим борми, шунга муносибманми ўзи, деган саволлар тинчлик бермаётир. Ахир, мен ҳеч нарсани кўрмаётган, эшитмаётган ва айта олмаётганлар сафида эмасманми?!

Бугун байрам, касб байрамимиз. Уни нишонлашга ўзида журъат ва куч топаётган ҳамкасбларимизни чин қалбдан табриклайман!..

## Мустақиллик ё қуллик?!

АҚШ элчиси Тошкентда ўтказилган бир анжуманда Америка ёш давлат экани, Ўзбекистон давлатчилиги эса минг йиллик тарихга уланиб кетишини эътироф этди. Дипломат ўз нутқида икки муҳим сабоқни қайд қилди: мустақиллик ва суверенитет бебаҳодир ва улар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолган эмас; миллат равнақ топмоғи учун ҳурриятнинг ўзи етарли эмас – эркинлик ва раият розисига асосланган дуруст ҳукумат ҳам зарур. АҚШ давлати асосчиларидан бири Бенжамин Франклин 1776 йил 4 июль куни Мустақиллик декларациясини имзо-

...маросимида “Биз барчамиз бир ёқадан ... чиқармасак, бошларимизга бирма-бир ...моқ тушади”, деб огоҳлантирган экан.

## Кайковус дейдики...

Биз, журналистлар муболаға ва бўрттиришга уста бўлиб кетганмиз. Дейлик, бирор соҳани мақтамоқчи бўлсак, унга доир ...ча фармон, қарор қабул қилинган, ...миз. Бу қош қўяман деб кўз чиқариш ...ми? Шунча ҳужжат қабул қилинган ..., нега ўша соҳа гуллаб-яшнаб кетмади? ... янада ривожлантириш тўғрисида ... ҳужжат қабул қилинишини кутяптими?

“Қобуснома”да бир ҳикоят бор. Подшоҳ ... шаҳарга ҳоким тайинлайди. Янги ҳоким ўша шаҳарга отланар экан, “Бажарилиши лозим бўлган фармонларга алоҳида ..., бажарилиши у қадар муҳим бўлмаган фармонларга алоҳида белги қўйсангиз. ... қараб иш тутардим”, дейди ҳукмдорга. “Биз фақат бажарилиши лозим ва ... бўлган фармонлар қабул қиламиз”, ... шоҳ ва ўша заҳотиёқ нобоп ҳокимни мансабидан бўшатади.

... домла айтмоқчи, саҳна асарининг ... ибтидосида деворга осиб қўйилган мил... томоша якунида албатта отилиши керак ...идек, қабул қилинган давлат ҳужжат... ҳам сўзсиз бажарилмоғи даркор.

## Биров қурар, биров бузар

Бир киши музейга кириб, эҳтиётсиз... ...дан минг йиллик хумни синдириб ...

– ... қилиб қўйдингиз?! Минг йиллик ... эди-я! – дея фиғони фалакка ... музей ходимининг.

– Хайрият-эй, эски хум экан. Мен уни янги деб ўйлабман, – дермиш бояги киши соддалик билан.

Турли баҳоналар билан қадимий ёдгорликларни бузаётган амалдорлар ҳақидаги хабарларни ўқиганимда шу латифа ёдимга тушади. Тарихдан маълумки, ўтган асрнинг 20 – 30-йилларида ўзини “пролеткульт” (пролетар маданият) мансублари деб билган фаоллар кўҳна ёдгорликларни бузиб, уларнинг ғиштидан янги замон биноларини қуриш ғоясини илгари сурган эди. Бу ғоя қисман амалга ошди. Ўша йиллари ўзимизда ҳам мусулмони ғиштдан қурилган минглаб бинолар кунпаякун этилган.

Эскишаҳардаги “Турон” кутубхонаси, ҳарбий комиссариат, Табиат музейи ва туғруқхона бинолари аёвсиз бузиб ташланганн ҳали ёдимиздан чиққани йўқ.

2005 йили АҚШга сафар насиб этди. Ҳамкасблар билан Нью-Йоркдаги осмонўпар бинолар олдидан ўтар эканмиз, икки қаватли кўримсиз бинога кўзим тушиб қолди. Таржимонимиздан шаҳарга доғ бўлиб турган пастак бино бузиб ташланмагани сабабини сўрадим. Саволимдан андак ҳайратланган таржимон бу бино хусусий мулк экани, боз устига, тарихий объект сифатида муҳофазага олинганини айтди. Мана, хусусий мулкка, тарихга ҳурмат!

*“...Ва шу улкан дунёнинг кемтигидан бўйлайман, / Унда биров қуради, биров бузар бемалол”*, деб ёзган эди Абдулла Орипов. Тарихий обидаларни асраб-авайлашни қачон ўрганамиз? Қачон бузармонликдан тийилиб, чин бунёдкорлик йўлини танлаймиз?!

маросимида “Биз барчамиз бир ёқадан бош чиқармасак, бошларимизга бирма-бир сиртмоқ тушади”, деб огоҳлантирган экан.

### Кайковус дейдики...

Биз, журналистлар муболаға ва бўрттиришга уста бўлиб кетганмиз. Дейлик, бирор соҳани мақтамоқчи бўлсак, унга доир фалонча фармон, қарор қабул қилинган, деймиз. Бу қош қўяман деб кўз чиқариш эмасми? Шунча ҳужжат қабул қилинган экан, нега ўша соҳа гуллаб-яшнаб кетмади? Ёки янада ривожлантириш тўғрисида яна ҳужжат қабул қилинишини кутяптими?

“Қобуснома”да бир ҳикоят бор. Подшоҳ бир шаҳарга ҳоким тайинлайди. Янги ҳоким ўша шаҳарга отланар экан, “Бажарилиши лозим бўлган фармонларга алоҳида белги, бажарилиши у қадар муҳим бўлмаган фармонларга алоҳида белги қўйсангиз. Шунга қараб иш тутардим”, дейди ҳукмдорга. “Биз фақат бажарилиши лозим ва зарур бўлган фармонлар қабул қиламиз”, дейди шоҳ ва ўша заҳотиёқ нобоп ҳокимни мансабидан бўшатади.

Чехов домла айтмоқчи, саҳна асарининг биринчи пардасида деворга осиб қўйилган милтиқ томоша якунида албатта отилиши керак бўлганидек, қабул қилинган давлат ҳужжатлари ҳам сўзсиз бажарилмоғи даркор.

### Биров қурар, биров бузар

Бир киши музейга кириб, эҳтиётсизлигидан минг йиллик хумни синдириб қўйибди.

– Нима қилиб қўйдингиз?! Минг йиллик нодир антиқа эди-я! – дея фиғони фалакка чиқибди музей ходимининг.

– Хайрият-эй, эски хум экан. Мен уни янги деб ўйлабман, – дермиш бояги киши соддалик билан.

Турли баҳоналар билан қадимий ёдгорликларни бузаётган амалдорлар ҳақидаги хабарларни ўқиганимда шу латифа ёдимга тушади. Тарихдан маълумки, ўтган асрнинг 20 – 30-йилларида ўзини “пролеткульт” (пролетар маданият) мансублари деб билган фаоллар кўҳна ёдгорликларни бузиб, уларнинг ғиштидан янги замон биноларини қуриш ғоясини илгари сурган эди. Бу ғоя қисман амалга ошди. Ўша йиллари ўзимизда ҳам мусулмони ғиштдан қурилган минглаб бинолар кунпаякун этилган.

Эскишаҳардаги “Турон” кутубхонаси, ҳарбий комиссариат, Табиат музейи ва туғруқхона бинолари аёвсиз бузиб ташланганлари ҳали ёдимиздан чиққани йўқ.

2005 йили АҚШга сафар насиб этди. Ҳамкасблар билан Нью-Йоркдаги осмонўпар бинолар олдидан ўтар эканмиз, икки қаватли кўримсиз бинога кўзим тушиб қолди. Таржимонимиздан шаҳарга доғ бўлиб турган пастак бино бузиб ташланмагани сабабини сўрадим. Саволимдан андак ҳайратланган таржимон бу бино хусусий мулк экани, боз устига, тарихий объект сифатида муҳофазага олинганини айтди. Мана, хусусий мулкка, тарихга ҳурмат!

*“...Ва шу улкан дунёнинг кемтигидан бўйлайман, / Унда биров қуради, биров бузар бемалол”*, деб ёзган эди Абдулла Орипов. Тарихий обидаларни асраб-авайлашни қачон ўрганамиз? Қачон бузармонликдан тийилиб, чин бунёдкорлик йўлини танлаймиз?!

### Очкўзлик

Тошкентнинг Ибн Сино мавзесидаги бир дўкон эгаси жума кунлари харидорларга буханка нонни бепул қилиб қўйган, маҳалла аҳли, хусусан, қўли калта оилалар саховатпешани дуо қила-қила эҳтиёжига яраша нон олиб кетаётган эди. Кечаги жумада нон яна пуллик бўлибди. Сабабини суриштирсам, яқиндан бошлаб қўшни маҳаллаларда яшайдиган одамлар келиб қоплаб нон олиб кета бошлабди. Нонни ўзи еса ош бўлсин, аммо чорвасига бераётганлар ҳам бор экан... Яратган Эгам бандасини қаноатдан қисмасин.

### Чўрткесар Черчилль

СССР ва Буюк Британияда ҳокимият бошқарувидаги фарқ ҳақида берилган саволга Уинстон Черчилль “Бизда давлатни қонунлар, сизларда эса одамлар бошқаради”, деб жавоб берган экан. Атоқли давлат арбобининг ҳамон долзарблигини йўқотмаган яна талай ҳикматли гаплари бор: “Бургутлар сукутга чўмса, тўтилар вайсашга тушади”; “Биз улкан ҳодисалар ва майда одамлар даврида яшаётирмиз”; “Жамоат арбоби сиёсатчидан навбатдаги сайлов ташвишини эмас, балки келажак авлод тақдирини ўйлаши билан фарқ қилади”.

### Ҳузун ва ҳузур

Киборлар шаҳридан тезюрар “Афросиёб” поездида вилоят томон йўлга чиқасиз. Кета-кетгунча атрофни томоша қиласиз. Нақадар гўзал манзара: кенг дала, экинзору дарахтзорлар, боғлару тоғлар... Бир неча кунлик сафардан кейин энди “Шарқ” ёки “Насаф” поездида ортга қайтасиз. Яна ўша манзара: кенг дала, экинзору дарахтзорлар, боғлару тоғлар. Халқ орасидан келаётганингиз боис энди кўзингиз одамларни илғай бошлайди. Бийдай далада асосан аёллар меҳнат қилмоқда. Сиз жазирама кунлари шаҳарда кондиционер узлуксиз ишлаб турган салқингина хонада жон сақлайсиз. Бу ёқда эса нозик хилқат офтоб тиғида ишлаётир...

Мол боқаётган ҳам аёл, кетмон чопаётган ҳам аёл.

Пахтазорда – аёл.

Олмазорда – аёл.

Узумзорда – аёл.

Бўғзингизга нимадир тиқилади.

XXI аср – аёл ва эркаклар тенглиги асри. Опа-сингилларимиз “бу заҳматлар ўткинчидир” деган қўшиқни хиргойи қилганча завод-фабрикада, далаю яйловда эркаклар билан теппа-тенг меҳнат қилмоқда. Гендер тенглиги дея хотин-қизларни қуёшнинг тиғига олиб чиқдикми?

Хўш, аёллар меҳнат қилаётган экан, эркаклар-чи, улар нима қиляпти?

Эркакда ҳам виждон бор! У поезд дарчасидан шу дардли манзараларни кўриб гўё аёлларга ачингандек бўлади ва ёндафтарига ниманидир қайд этган кўйи димоғдорлар шаҳрига қайтади.

Муртазо ҚАРШИБОЙ



# CHO'QQIDAGI SORLOCHIN

## Илиги тўқ инсон

Хали СССР деган қизил салтанат ҳукм [illegible]б турган йиллардаёқ исёнкор руҳи, [illegible]йлик ва миллатпарварлик фазилат[illegible], сўзга чечанлигию илмга, китобга [illegible]и билан ижод аҳли орасида алоҳида [illegible]т ва эътибор топган бу инсон ҳақи[illegible] турли фикрлар юрарди. Аввало, у ки[illegible]ги довюраклик ва сарбаландликни [illegible]р "Абдулла Қаҳҳорнинг тарбиясини [illegible]да", деб изоҳласа, яна кимдир буни [illegible]онимизнинг ҳукмрон мафкурага со[illegible]ю ҳақиқий коммунист эканига йў[illegible] [illegible]лар эди.

[illegible]миз ўртасида Озод Шарафид[illegible] деган ном билан танилган, олим[illegible] [illegible]дкорлик ва мураббийлик билан [illegible] [illegible]ийжаноб инсоний фазилатларни [illegible]да мужассам этган бу нурли сий[illegible] [illegible]м миллатпарвар, фидойи шахс [illegible]таннинг ўзи у кишига камдан-кам [illegible] насиб этадиган улкан куч-ғайрат, мардона феъл, тиниқ ақл-заковат ва истеъдод ато этган, буни унинг закий нигоҳи, ўктам сўзлари, теран руҳияти яққол тасдиқлаб турарди.

Камина ўша кезлардаги аксар ёшлар қатори у кишини дастлаб газета ва журналлардаги адабий-танқидий мақолаларини ўқиб, сўнгра "ойнаи жаҳон"даги суҳбатларини тинглаб таниганман. Илк таассуротим – бу одам қўрқув нелигини билмайди, ҳамиша нишонга бехато ураётгандек ишонч билан гапиради, казо-казо шоир ва ёзувчи, олимларни ҳам аямасдан танқид қилади. Қалбида шер яширингандек гўё.

Кейинчалик англадимки, буларнинг барчаси аслида илғор зиёлиларимиз каби Озод Шарафиддинов ботинида ҳам жадид аждодларимиздан ўтиб келаётган, шўро мафкурасининг қудратли тарғибот машинаси вақтинча "аллалаб" ухлатиб қўйган буюк бир маърифат тошқинидан дарак

эди. Сирасини айтганда, олимнинг кўнглидаги китобга, илм ва эзгуликка бўлган чексиз меҳрнинг манбаи ҳам шу эди.

Эсингиздами, саксонинчи йиллар бошларида навқирон шоиримиз Хуршид Давроннинг “Алпомишни ким уйғотади?” деган шеъри атрофида роса тортишувлар бўлган эди. Шу мўъжазгина назмий асарда ҳам шўроларнинг қўрқитиб, алдаб ухлатишга моҳир эканига, миллатни қаттиқ уйқудан фақат жасорат, маърифат, миллий ғурури бор янги авлод уйғота олишига ишора қилинган эди. Ана шундай шеърлари билан адабиёт майдонига дадил кириб келган ёшларни мардона қўллаб-қувватлаган адабиётшуносларимиздан бири ҳам айнан Озод Шарафиддинов-да!

Ҳаёт тажрибасидан маълум, инсон боликдан жисмоний ва маънавий жиҳатдан илиги тўқ бўлиб вояга етса, турмуш оташдонида тобланиб, чинакам курашчига айланади. Озод Шарафиддинов ана шундай илиги тўқ инсон эди.

## Бир жамоада

Насиб этган экан, шу улуғ инсон билан танишиб, бирга ишлаш бахтига муяссар бўлдим. Адашмасам, 1990 йилнинг феврaль ойи эди-ёв. Яна бир ҳурматли домламиз, таниқли адабий танқидчи Умарали Норматов ўзи раҳбарлик қилаётган кафедрада янги илмий гуруҳ ташкил этилганини айтиб, бирга ишлашга таклиф қилиб қолди. Жадид адабиётини ўрганиш ва тарғиб этиш асосий вазифа қилиб белгиланган эди. Қарийб бир йил бадалида Алишер Навоий номидаги миллий кутубхонанинг нодир китоблар бўлимида эски газета ва журналларни титкилаб ўтирдим.

Ташқарида – мен “ташлаб келган” ижодий жамоаларда ҳаёт қайнаб-тошарди. Айниқса, Амир Темур хиёбонининг шимолий кунжида жойлашган Ёзувчилар уюшмаси бамисоли улкан дошқозондек биқирлаб ётар эди.

Эрталаб метродан чиқиб, уюшма биносининг иккинчи қаватидаги залга бирров мўралаб қўяман. Ўн-ўн беш чоғлиқ одам нималарнидир куйиб-пишиб муҳокама қилаётган бўлади. Кечга томон ўша масканга яна бир карра бош суқаман. Ишонасизми-йўқми, минбардаги ўша одам, орадан олти ё етти соат ўтганига қарамай, ҳали ҳам ваъз ўқиётган бўларди. Ажаб замонлар эди.

Озод ака оғир-вазмин, оқибатини ўйлаб иш тутадиган бамаъни инсон бўлгани учун ана шундай олағовур замонда ҳам минбар талашиб, гапдонлик қилиб, бировнинг дилини оғритган эмас. Кафедрада бўладиган йиғин ва мажлисларда ҳам китоб варақлаб жимгина ўтирар, ўзига қаратилган саволларга ҳам “ҳа, бўлади”, дейиш билан кифояланар эди.

“Муштум”да ишлаган йилларим имкон топиб, махсус идора архивидаги Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг “жиноий иши”га доир маълумотларни иккита қалин дафтарга тўлиқ кўчириб олган эдим. Улар асосида бир қанча мақолалар ёздим. Озод ака ўқиган экан, Чўлпон ҳақида айрим нарсаларни сўраб турарди. Бир дафъа дорилфунун ҳовлисида юзма-юз келдик. “Чўлпон ҳақидаги мақолангиз Туркияда тилга олинибди, табриклайман”, дедилар чин дилдан хурсанд бўлиб.

Назаримда, ўша йиллари у кишида қандайдир ҳорғинлик бор эди. Автомобиль ҳалокатига учраб оёғи оғир жароҳатланган

бунинг устига қандли диабет касалини ҳам орттириб олган экан. Худди шаҳду шиддат билан олдинга ташлангиси келса-да, нимадир халал бераётгандек, бир тарафини авайлаб, шошилмасдан қадам ташларди. Руҳини ҳам тушкунлик эгаллаб олгану аввалги ғайрати қайгадир чекингандек эди. Боисини кейинроқ – “Тафаккур” журналида иш бошлаб, “Эътиқодимни нега ўзгартирдим?” *(“Тафаккур”, 1997 йил, 1-сон)* деган иқрорнома ёзганидан сўнг англадим. Аён бўлдики, эътиқодни ўзгартириш, чинакамига жадид бўлиш масаласи ҳали бошимизда истиқлол қуёши порламаган ўша 90-йиллардаёқ Озод домлани қийнай бошлаган экан.

Ёшликда ғурур водийсида тулпордек кишнаган, шер бўлиб наъра тортган Озод домла ҳам кези келганида ана шундай олов ҳалқалардан неча бор сакраган бўлса ажаб эмас.



Шу тариқа санжоброқ бир журнал таҳририятида икки нафар бош муҳаррир ўринбосари ишлай бошлади.

Албатта, Озод аканинг янги ижодий жамоага кўникиши ва жадид либосини кийиши осон бўлмади. Бир ойча ишлаб, биздек “билағон”лардан бездими ёки қайсидир қилиқларимиз ёқмадими, “кетаман”га тушиб қолдилар. Бош муҳарриримиз Эркин Аъзам масаланинг нозик жиҳатларини обдан тушунтирди: нақд юрт оғасининг тайинлови, ўзимча сизни бўшатолмайман.

Ҳамонки шундай экан, ана энди кўринглар қандай ишлашни, деб профессор ҳамкасбимиз енг шимариб ишга киришса денг! Ҳар куни бир таклиф, мақола ёки таржима билан келади. Иш аввалида “Ҳа, энди домла ҳаммамизнинг устозимиз, номига келиб-кетиб юрсалар бўлди. Келмасалар ҳам майли, ул-бул нарсаларни уйига юбориб турамиз, вақт топса, кўриб берар”, дея хомроқ ўйлаган қуримиз каттаси – бош муҳаррир ҳам ҳайрон денг! Домла “Қани менга хона, қани стол-стул, кимдир ходимлар ҳақида ўйлайдими-йўқми бу ерда?” деб “инжиқлик”ларини бошлади-ку! Бу ҳам

## Бир хонада

“Тафаккур” журналида Озод Шарафиддинов билан икки йилдан зиёд бир хонада ўтириб ишлаганимдан фахрланаман.

Домла кутилмаган адолатсизлик сабабли университетдан “ўз аризасига кўра” бўшаб, бирмунча муддат ишсиз юргач, 1996 йилнинг кузида “Тафаккур” журналига бош муҳаррир ўринбосари бўлиб келдилар. Айтишларича, юрт оғаси Ислом Каримовнинг шахсан ўзи “Шундай олим одам бекор юрса яхшимас, дарҳол “Тафаккур” журналига бош муҳаррир ўринбосари қилиб қўйинглар”, дебди. “Сиз айтган лавозим банд экан-ку”, деган жавобни эшитгач, “Бўлмаса журналда яна битта шундай лавозим очинглар”, деган экан жўмард юртбоши.

етмагандек, олтмиш беш ёшдан ошган одам "компьютерни, инглиз тилини ўрганаман", деб маррани катта олганларини, шу борада билимдон қизларимизга шогирд тушганларини айтмайсизми!

Нима қипти, айтишларича, Суқрот бобо ҳам энг муҳим илм ва ҳунарларни етмиш ёшида ўрганган экан. Бизнинг Суқрот ус-сонийимиз ҳам ўрганиш ва изланишдан толмас эди. Ҳар куни қадимий Анҳор бўйидаги уйидан пойи пиёда ишга отланар экан, йўл-йўлакай китоб ёймаларини синчиклаб кўздан кечириб келарди. Ишдан кетишда ҳам шундай. Яхши бир китобнинг хабарини топса, албатта сотиб олиш ҳаракатида бўлар, ўзи ўқиб бўлгач, дўстларга, шогирдларга илинар эди.

Бир сафар таниқли рус олими ва публицисти Иван Буничнинг "Партиянинг олтинлари" китобини топиб келди. Дастлаб бош муҳарриримиз ўқиди. Кейин навбат Президент девонидаги оғаларимизга тегди, охири Ислом Каримовгача етиб борди. Домла бу асарни тезда ўзбек тилига таржима қилиб, дастлаб "Жаҳон адабиёти" журналида, сўнгра "Маънавият" нашриётида алоҳида китоб ҳолида чоп эттирди. Лев Толстойнинг "Иқрорнома", Анатолий Рибаковнинг "Арбат болалари", Эфраим Севеланинг "Тўхтатинг самолётни, тушиб қоламан" каби китоблари ҳам устознинг саъй-ҳаракатлари билан ўзбек тилида дунё юзини кўрди.

Ишга шунчалик берилиб кетдиларки, дастлабки кунларда "Уйга борай-да, товуқ шўрвамни ичиб келай" дея кун тартибига қатъий амал қилган одам "Тушликка қаерга борамиз?" деб, ҳаммамиздан илгари емакхонага отланадиган бўлдилар. Ўзини жамоадан холи тасаввур қилолмас, қисқа муддатда ҳар бир ходим билан оила аъзосидек қадрдон бўлиб кетган эди. Ёшини ҳурмат қилиб, баъзан салобати босибми, ҳар қандай гапни ҳам у кишига очиқ айтолмас эдик. Мабодо сезиб қолса, хафа бўларди. Менга алоҳида имтиёзнинг кераги йўқ дегандек, ўзини ҳамма қатори тенг кўришимизни истарди. Кўнгли тоза, ёш боладек содда ва беғубор, қизиқарли гурунглари билан ҳар қандай одамнинг қулфи дилини очиб юборадиган, кўнгли ҳам, диди ҳам нозик инсон эди.

Озод ака аввал-бошда "Таҳрир нега керак ўзи, ҳар бир муаллифнинг услуби, фикрлаш тарзи, савияси ёзганларида кўзгудагидек кўриниб турсин-да!" деб бизнинг зўр бериб қоғоз қиртишлашларимизга, "лекин"ни "аммо" деб ўзгартиришларимизга қарши бўлди. Шунда бош муҳарриримиз каттароқ ҳажмдаги бир-иккита мақолани, асосан илмий мартабаси улуғ зотлар кўтариб келган хом-хатала қўлёзмаларни кекса ўринбосарга берди. Донишманд профессор ҳар бир мақолани синчиклаб ўқиб, ақалли чўғи бор бир жумла тополмасдан, "Жин урсин, бу олимлар ёзишни билмас экан-ку!" деб жаҳл отига минди, таҳрир санъатининг аҳамиятини тушуниб етди.

## Олимнинг эътиқоди

Албатта, эътиқодни ўзгартириш – бирпасда ҳал бўладиган, сув ҳўплаш ёки нон чайнашдек осон иш эмас. Айниқса, Озод Шарафиддиновдек умр бўйи илм-маърифат уммонида сузган ва дуру жавоҳир териб чарчамаган, мудом масъулият ҳисси билан яшаган аллома шундай масалада енгил-елпи қарор қабул қилиши асло мумкин эмас эди. У киши учун бу – жуда чуқур

ўйланган, изтироб ва тўлғоқларда кечган уйқусиз тунлар, қалбдаги зиддият ва тўқнашувлар алангасида пишиб етилган асосли қарор бўлиши керак эди.

Маълумки, Озод Шарафиддинов учун жадид маърифатпарварлари, айниқса, бу ҳаракатнинг Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон сингари ёрқин намояндалари ижодига қизиқиш ва ҳавас эътиқод даражасига кўтарилган эди. Ана шу эътиқоднинг амалий ифодаси сифатида 1968 йили жадид боболаримиз адабий меросидан сараланган “Тирик сатрлар” тўпламини тайёрлаб, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп эттиришга жидду жаҳд қилган ҳам айнан шу домламиз эди. Лекин бундай хайрли ишни тўлиқ амалга оширишга сафини Озод Шарафиддиновдек миллионлаб коммунистлар тўлдириб, қудратли қилиб турган ҳукмрон партия халал берди, яна бир бор уйғониш йўлини тўсди.

Озод Шарафиддинов тийнати тоза одам эди. Ёлғонга, сохта гапларга, икки хил стандарт асосида, жайдари қилиб айтсак, иккиламачи бўлиб яшашга тоқат қилолмасди. Олимлик, ижодкорлик виждонини ҳамиша пок сақлашга ҳаракат қилар эди. Шу боис йиллар давомида елкадан босиб, қаддини букиб келаётган коммунистик юкни бир лаҳзада улоқтириб ташлади. Ниҳоят, унинг қалбидаги жадид батамом уйғонди!

Буни қарангки, ушбу янгиланиш, уйғониш жараёни ҳам осон кечмади. Бир адабий анжуманда домланинг шогирдларидан бири очиқчасига баёнот берди: “Озод ака, сиз “Эътиқодимни нега ўзгартирдим?” деб ёзгансиз. Лекин мен эътиқодимдан воз кечмайман! Чунки компартиядан ёмонлик кўрмадим”.

Озод ака бошини қуйи эгганча чуқур изтиробга ботди. Нима қилсин, сассиқ деб бурунни кесиб бўлмайди, ахир! Ҳолбуки, “Ҳой фалончи, сен ёмонлик кўрмаган бўлсанг, халқинг 70 йил бадалида муттасил эзилди, қону зардоб ютди, ҳайвон қаторида хўрланди, миллатнинг не-не фарзандлари кафансиз, жанозасиз қаро ерга кўмилди. Нима, булар ҳисобга ўтмайдими?” деса, жойи эди.

Жасорат осмонининг сорлочини тилини тийди. Ўша кезларда ўқитувчи ва домлаларнинг маоши кам, баъзилари билим даргоҳларини ташлаб, ўзини ҳар қаёнга ураётган эди. Инсоф билан айтганда, ҳалиги домламизнинг қалбидан отилиб чиққан ҳасрат ўти ҳам беҳуда эмасди. Озод домла яна мард кетди, “Ўзим ҳам кечагина университет профессори эдимку”, деб андиша қилди. Эзилган, тирикчилик тошдан қаттиқ бўлган замонда ҳам ўз касбига содиқ қолиб, ёшларга таълим-тарбия бериб келаётган одамга зарда қилиб жавоб қайтаришни ўзига эп билмади.

Шу ўринда шахсан гувоҳи бўлганим бир жиҳатни айтиб ўтай. Домла буюк рус адиби Лев Толстой шахсига ўзгача бир қизиқиш билан қарарди. Ўзи “Иқрорнома” асарини таржима қилди, менга эса атоқли молдован адиби ва драматурги Ион Друцэнинг “Асл маконга қайтиш” қиссасини ўзбекчага ўгиришни тавсия этган эди. Ўша асарда Толстойнинг умр поёнида туб эътиқодий ўзгариш қилиш изтироблари билан яшагани тасвирланган.

“Эътиқодимни нега ўзгартирдим?” эссеси ва Лев Толстойнинг ўзбек тилидаги “Иқрорнома”си бир вақтда дунё юзини кўрди. “Эътиқодимни нега ўзгартирдим?”ни ёзишда

домла “Иқрорнома” ва Ион Друцэ қиссасидан таъсирланган бўлиши табиий, албатта. Устознинг ўзи “Россия коммунистларининг пешвоси, лаънати Геннадий Зюгановнинг бир гапи менга қаттиқ таъсир қилди”, деб изоҳ бергани ёдимда. Ваҳоланки, Зюгановнинг “Кўплаб коммунистлар эътиқодидан воз кечиб, партияга сотқинлик қилди” деган мазмундаги ўша заҳарнок гапи – фақат мафкуравий сабаб, моҳият эса Озод Шарафиддиновнинг доимо эзгуликка интилиб келган қалбида десак, тўғри бўлади.

Домла дастлаб собиқ мустабид тузумни, бутун содда ва ишонувчан халқимиз қатори, дунёдаги энг адолатли ва инсонпарвар жамият деб билган. Вақти келиб, орадан темир парда кўтарилиб, бу тузумнинг барча кирдикорлари фош бўла бошлагач, ҳеч шубҳасиз, у ҳақдаги тасаввурлари юз фоиз бошқа томонга ўзгарди.

Аслида, олимнинг эътиқоди ҳар қандай шароитда ҳам олимлик бўлиб қолаверади. Лекин шўро давлати зиёли одамда олимлик виждонидан ташқари сиёсий-ижтимоий виждон ҳам бўлсин, деган талабни қўяр эди. Ана шу “виждон” инсондаги одамийлик маслагини кечаю кундуз назорат қилиб, белгиланган қолипдан четга чиқишга йўл бермасди. Бир сўз билан айтганда, одамнинг ўзини ўзига қарши қўярди. Шу мақсадда коммунист бўлиш алоҳида мақомга кўтарилган эди. Қаранг, қандай маккор эди у мафкура!

Фурсати етдию Озод домла бу талабларнинг барчасига қўл силтади. Мен олимман, мен одамман, ўз халқимнинг фарзандиман, озод Ватанимга фақат шу эътиқод билан хизмат қиламан, деб янги ҳаёт бошлади. “Эътиқодимни нега ўзгартирдим?” деган иқрорнома – қалб ҳужжати билан буни ўз халқига очиқ баён қилди. Сўнгги нафасигача шу эътиқодда собит турди.

## Уч муҳим омил

Биз бу борада учта муҳим омил мавжуд деб ҳисоблаймиз.

*Биринчиси* – Озод аканинг қирқ йилдан зиёд вақт мобайнида хизмат қилган Тошкент давлат университети – ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети Ўзбек филологияси факультетидан ишдан бўшаши. Домланинг ўзи бу воқеани ҳаётидаги энг катта адолатсизлик сифатида эслар, бир гал ҳатто “Меҳнат фаолиятим охиригача ана шу даргоҳда давом этса деган эдим, афсуски, бундай бўлмади”, деб ҳасрат ҳам қилган эди. Дарҳақиқат, кейинчалик ҳаёт шуни яққол кўрсатдики, аслида устознинг тақдирида янги давр бошланишига айнан ана ўша мудҳиш воқеа – “ҳайдалиш куйи” сабаб бўлган экан. Кекса профессорнинг бўлиб ўтган кўнгилсиз ҳодисаларга қарамай қадрдон жамоаси билан умрининг охиригача самимий муносабатларни сақлаб қолгани ҳам бир ибратдир.

*Иккинчиси* – “Тафаккур” журналига ишга ўтиши ва ижтимоий ҳаётида янги – журналистик фаолиятнинг бошланиши. Маълумки, журналистика, таълим-тарбия тизимидан фарқли ўлароқ, ижтимоий-сиёсий жараёнлардан баъзан ўзиб, баъзан улар билан ҳамқадам юрадиган анча илғор ва демократик соҳа. Устозимизнинг эътиқодни ўзгартириш масаласини элу халқ кўзи учун эмас, балки янги ҳаётни бошлашдан олдин маънавий покланиш учун дадил ўртага қўйгани ҳам таҳсинга сазовор. Домланинг “Тафаккур”даги дастлабки чиқишларидан бири айнан “Эътиқодимни нега ўзгартирдим?”

битиги экани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Албатта, ижодий жараён қайнаган жойда турли қарашлар, тақдирлар тўқнашуви, драматик вазиятлар ҳам бўлиб туради. Бир пардали ва кўп пардали бундай "драма"ларни кўриб, Озод Шарафиддинов шахсига яна бир бор тан берганмиз.

*Учинчиси* – "Жаҳон адабиёти" журналига бош муҳаррир этиб тайинланиши. Қаҳрамонимиз ҳар бир ишга катта масъулият билан қарайдиган инсон эди. 1997 йили ташкил этилган "Жаҳон адабиёти" журналига раҳбар бўлиб ўтиш ҳақида таклиф билдирилганида, "Янги жамоага эндигина ўрганган эдим, бундай ажойиб дўстларни қандай ташлаб кетаман", деб аввалига рўйхушлик бермади.

Озод домла Биринчи Президентимиз Ислом Каримовни беҳад ҳурмат қилар, ўзига алоҳида меҳр ва эътибор билан қарашини доимо ҳис этиб, у кишининг олдида қарздорлик ҳисси билан яшар эди. Мамлакат раҳбарининг ўзи ҳам "Жаҳон адабиёти" журналини ташкил этиш билан боғлиқ ҳужжатга имзо чекар экан, "Бош муҳаррирликка Озод Шарафиддиновни қўйинглар, бу ишни фақат шу одам эплайди", деб катта ишонч билдирган экан. Бунинг устига, Матбуот давлат қўмитаси раиси ўртага тушиб, "Йўқ деманг, ҳамма шароитни қилиб берамиз", деган ваъдалар билан ахийри домлани қали қўри ҳам, тўри ҳам йўқ журналга "сарбоши" бўлишга кўндирди. Ўша кунлари "Ишлаганга яраша катта журналда ишлаш керак-да, мен билан бирга кетмайсизми?" деб ҳазил аралаш самимий таклиф билдирдилар. Мен ҳам кулиб қўяқолдим.

Янги ташкилот ва уни оёққа қўйиш нақадар машаққатли иш эканини тажрибамдан яхши биламан. Озгина ғурури ва ҳамияти бор одам бундай вазиятда ишни рисоладагидек йўлга қўйиб олмагунича тинч ўтиролмайди; на ейиш-ичишида, на ётиш-туришида ҳаловат бўлади.

Озод ака ўша вақтгача биронта илмий ёки ижодий жамоада раҳбар бўлиб ишламагани учун бу масалада бир оз ишонувчан ва тажрибасизроқ экани билинди-ёв! Номи улуғ бўлса-да, ношир ва адабий ходим сифатида на малака, на масъулият нелигини билмайдиган одамларни ҳам ишга олди. Баъзилари ишончни оқламади. Бир гал фиғони фалакка чиқиб, машҳур-машҳур ижодкорларни номма-ном санаб, нолиди: "Э, булар қуруқ ваъда бериб, амалда ҳеч бало қилмайдиган ёлғончи экан-ку!" Ана шундай ижодкорлар касрига журналнинг баъзи сонлари белгиланган муддатдан кечика бошлади. Табиийки, ҳар бир ишни вақтида ва сифатли бажариб ўрганган устоз бунга чидолмас эди. Жамоадаги боши-кети йўқ ташвишлар туфайли у кишидаги қандли диабет зўрайиб, дастлаб бир оёғини, сўнгра иккинчисини кесишга тўғри келди. Булар ҳам камдек, катаракта – кўз гавҳарининг хиралашуви туфайли кўриш қобилияти ҳам ёмонлашиб борди. Оёқлар кесилди, юрак тилинди, кўздан нур кетди. Лекин виждон, ғурур ва орият бутун эди. Озод ака оёқларсиз ҳам олдинга интилаверди, лупа ёрдамида ҳарфларни ажратиб, китоб ўқиди, янги асарлар ёзди.

Ярадор арслонимиз қисмат ўйинлари олдида ҳеч қачон таслим бўлмади.

## Йўқолган қўлёзмалар

Қўлидан китоб тушмайдиган одам-да, Озод аканинг кўнглида доимо янги-янги фикр ва ғоялар қайнаб турар эди. Масалан,

буюк жадид бобомиз Абдурауф Фитратнинг машҳур кутубхонаси тарихи билан қизиқиб, бамисоли янгитдан тадқиқотчига айланди. Ўзи таниган-билган одамлар билан учрашиб, гаплашиб, анча маълумотларни тўплади. Бу тарихий сиймонинг қизини дараклаб топиб, суҳбатлашди. Мақола ёзилди-ю...

Ўша вақтда таҳририятимиз жойлашган собиқ "Билимлар уйи" (ҳозирги Ўзбекистон рус академик драма театри) биносида таъмир ишлари ҳадеганда тугамас, доимо "кўч-кўч" режимида ишлашга мажбур эдик. Нима бўлдию домламизнинг ўша ноёб қўлёзмаси йўқолиб қолди. Ҳарчанд изламайлик, топилмади. Устоз, таъсирчан одам эмасми, кайфияти бузилиб, хафа бўлиб юрди. Лекин кутилмаган муваффақиятсизлик ёки синовдан тушкунликка тушиб, ярим йўлда тўхтаб қолиш у кишига бегона эди. Аксинча, бошлаган ишини собитлик билан охирига етказмасдан қўймасди.

Кейинроқ маълум бўлдики, ўша мақола Фитрат домланинг қизи – Севара ая Кароматиллахўжаеванинг хотиралари асосида ёзилган экан. Меҳнат барибир зое кетмади – Озод домла бошидан кўп машаққатларни ўтказган жабрдийда опамизни таҳририятга чорлаб, қўшимча янги гаплар ва расмларни олиб, аямиз номидан "Қалбимга мангу муҳрланган" деган сарлавҳа билан мақола ёзди. У журналнинг 1996 йилги иккинчи сонида нашр қилинди.

Тиниб-тинчимас устоз буюк рус адиби Николай Гоголнинг халифа Маъмун ҳақида 1834 йили ёзилган очеркини топди ва ўзбек тилига ўгирди. Афсуски, бу эссенинг тақдири ҳам ачинарли бўлди – билимга тўймаган эски "Билимлар уйи" уни ҳам ўз қаърига тортиб кетди.

Мумтоз шоиримиз Ғафур Ғулом топиб айтган: "Узилган бир киприк абад йўқолмас". Яқинда қарийб ўттиз йил бадалидаги кўч-кўчлардан омон қолиб, сарғайиб кетган қоғоз жилдларни бирма-бир кўздан кечирдим. Лоп этиб, таниш дастхат чиқиб қолса денг! Қўлёзма етти варақдан иборат эди. Ҳар бир варақда домланинг нафаси, юрак туғёнлари яққол сезилиб турибди. Равон ёзилган. Устидан чизилган, ўчирилган сўз деярли учрамайди.

Афсуски, қўлёзманинг дастлабки варағи топилмади, у "2" рақами қўйилган саҳифадан бошланиб кетади ва еттинчи қоғозда узилиб қолади. Дастлаб Гоголнинг очерки ҳақида қисқача сўз юритилади. Халифа Маъмун Бағдодда Байтул-ҳикма ташкил этиб, дунёнинг турли ўлкаларидан билимли ва истеъдодли олимларни тўплаб, уларнинг барчасига қулай шароитлар яратиб бергани таъкидланади. Бу буюк сиймонинг илмга, китобга меҳри шу қадар баланд эканки, қайси юртни забт этса, ўша элдан хирожни китоб билан тўлашни талаб қилар экан. Домла шу гапларни шўронинг Байтул-ҳикмаси – "Билимлар уйи"да ўтириб ёзмаса, қўлёзма балки йўқолмасмиди?..

Тўртинчи саҳифадан сўз кутилмаганда бошқа мавзуга – Фитратнинг Тошкент шаҳридаги кутубхонасига бурилади. Бу зиё маскани улуғ жадид бобомизнинг Тошкентдаги Бешоғоч ва Чақар даҳалари орасида жойлашган Гулистон маҳалласида қурилган ҳовлисида эди. Ушбу хонадон 30-йилларда Чўлпон, Ғафур Ғулом, Абдулла Қодирий каби шоир ва адиблар тез-тез келиб, самимий суҳбатлар қурадиган табаррук жой бўлгани алоҳида қайд этилади. Айниқса, Ғафур Ғуломнинг Фитрат ва

унинг хонадонига меҳри ва ҳурмати беқиёс экан. Аллома шоиримиз Арпапоя кўчасидаги ҳовли-жойини айнан Фитрат домланинг уйидан улги олиб барпо этган экан.

Машҳур кутубхонанинг тақдири нима бўлди?

Озод Шарафиддиновнинг ёзишича, 1937 йил Фитрат ҳибсга олинган чоқ НКВД ходимлари кутубхонага тегмаган. Фитратнинг рафиқаси Ҳикматой ая ҳам бирмунча муддат ҳибсда сақлангач, озодликка чиқарилади. Бўзлаган оҳудек тақдир чорраҳасида саргардон қолган аямиз қизи Севара опа билан биргаликда қадрдон уйига қайтиб бормоқчи бўлади. Афсуски, улар учун суюкли бўлган хонадонни Булатов деган архитектор эгаллаб, ўзиники қилиб олган эди. Бу ноинсоф Фитрат домланинг муштипар бевасини "Йўқол бу ердан, халқ душманининг хотини!" дея ҳақоратлаб, дарвозадан ҳатлагани ҳам қўймасдан, кўчага қувиб солади. Бу маълумотлар Севара Кароматиллахўжаеванинг мақоласида ҳам зикр этилган.

Озод домланинг тахмин қилишича, Фитратнинг кутубхонасидаги китоблар Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шчедрин кутубхонасига олиб кетилган бўлиши мумкин. Қўлёзмада бу мавзу атиги уч саҳифани эгаллайди. Кейинги икки бетда эса Гоголнинг "Ал-Маъмун (тарихий тавсиф)" очеркидан қилинган таржимадан бир парча бор, холос. Заҳматкаш муаллиф бу очеркни тўлиқ таржима қилиб, "Жаҳон адабиёти" журналининг 2003 йилги иккинчи сонида чоп эттирди.

## Чин олим ўлмайди

Ёдимда, биз Самарқанд давлат университетида ўқиб юрган кезда академик устозимиз Воҳид Абдулло вафот этди. Бутун дорилфунун қаттиқ мотамга чўмди. Ўшанда яна бир азиз домламиз – филология фанлари доктори, профессор, шеърият ва адабиётнинг зукко билимдони Нуриддин Шукуров ажойиб марсия ёзган эди. Шогирдлар қалбидаги чексиз қайғу ва йўқотиш аламларини ифода этган ўша сатрлардан *"Ул китоб устида ўлди ул – Китоб"* деган таъсирчан мисра эсимда қолган. Яъни доимо шеър ва ғазал айтиб, ҳамманинг кўнглини хушлаб юрадиган Воҳид Абдуллодек алломанинг ўзи ҳам тирик бир китоб эди.

Худди шундай Озод Шарафиддинов ҳам биз учун тирик китоб, тирик афсонага айланиб кетган эди. У киши ҳам бутун ҳаётини илмга бағишлаб, сўнгги нафасигача халқ дарди, Ватан қайғуси билан яшади. Устозни баъзан илм ва адабиётнинг энг баланд чўққисига қўниб, чор тарафга тийрак нигоҳ ташлаётган сорлочинга ўхшатгим келади. Домла чиндан ҳам ҳаётга, адабиётга энг баланд қоядан туриб қарайдиган, ўз олдига юксак талаб ва мақсадлар қўйиб яшаган шахс эди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, замонавий ўзбек адабий танқиди дарғаларидан бири, моҳир адиб ва таржимон Озод Шарафиддиновни сўнгги йўлга кузатиш маросимида профессор Умарали Норматов "Менинг назаримда, Озод ака ҳеч қачон ўлмайдигандек эди", деган эди. Аслида ҳам шундай: дунёда эзгулик ва олийжаноблик изсиз кетмаганидек, ҳақиқат ва адолат ҳимояси учун яралган чин олимлар ҳам ҳеч қачон ўлмайди. Улар ёзган китоблари, хайрли амаллари, ҳатто рўёбга чиқмаган орзую армонлари билан ҳам элу юрт қалбида яшайверади.



Андрей ТАРКОВСКИЙ

# Qo‘msov

...Алқисса, мен ватандан хорижда, лекин корчалон киноарбобларимизнинг расман ижозати билан илк фильмимга қўл урган эдим. Ўша кезлар ватан равнақи учун кино оляпман дея астойдил ишонганман. Назаримда, бу ҳол кундек равшан, ҳаммага маълум ҳақиқат эди-да. Аммо кейин рўй берган воқеалар аён этдики, ўша казо-казо киноарбобларга менинг мақсадим ҳам, олаётган фильмларим ҳам ҳали-ҳамон мутлақо бегона, тушунарсиз экан...

Мен “русча соғинч”ни – ватандан олисда яшаётган рус кишисининг ҳаловатини ўғирлаган қўмсовни, айнан шу вазиятга тушганда инсон қандай руҳий ҳолатда бўлишини кўрсатмоқчи эдим. Буни қалб амри – ватанпарварлик бурчим деб билганман, агар таъбир жоиз кўрилса. Бир рус фарзанди ўзининг миллий қонтомирларига, ўтмишига, маданиятига, туғилиб ўсган тупроғига, жондош дўст-ёрига нақадар боғлиқ экани, қисмат уни дунёнинг қай кунжига улоқтириб ташламасин, бу туйғудан воз кечолмаслиги ва уни умр бўйи ортмоқлаб юришидан баҳс этмоқчи эдим. Руслар камдан-кам ҳоллардагина янги ҳаёт тарзига ўнғай мослашиб, қовушиб кетади. Ғарбликлар бежиз “руслар нўноқ муҳожирдир” демайди – бутун рус муҳожироти тарихи буни исботлаб қўйган: бегона ҳаёт тарзига кўникиб-сингишиб кетишда оғиркарвонлигимиз, уқувсизлигимиз жумлаи жаҳонга маълум. “Қўмсов”ни суратга олаётганимда фильмни бошдан-оёқ қамраган иложсиз-имконсиз соғинч ҳисси ўзимнинг қисматим – пешонам ёзуғига айланажагини туш кўрибманми?! Қайтмас бўлиб кетган ўтмишимдан “ёдгор” бу дард-оғриқ билан энди сўнгги кунимгача яшашим эс-хаёлимга келибдими денг!..

Италияда мен ҳар томонлама: ахлоқий, руҳий, сиёсий ва ҳиссий жиҳатдан батамом русча фильм суратга олдим. Узоқ муддат-



Андрей ТАРКОВСКИЙ

# Qo'msov

...Алқисса, мен ватандан хорижда, лекин корчалон киноарбобларимизнинг расман ижозати билан илк фильмимга қўл урган эдим. Ўша кезлар ватан равнақи учун кино оляпман дея астойдил ишонганман. Назаримда, бу ҳол кундек равшан, ҳаммага маълум ҳақиқат эди-да. Аммо кейин рўй берган воқеалар аён этдики, ўша казо-казо киноарбобларга менинг мақсадим ҳам, олаётган фильмларим ҳам ҳали-ҳамон мутлақо бегона, тушунарсиз экан...

Мен "русча соғинч"ни – ватандан олисда яшаётган рус кишисининг ҳаловатини ўғирлаган қўмсовни, айнан шу вазиятга тушганда инсон қандай руҳий ҳолатда бўлишини кўрсатмоқчи эдим. Буни қалб амри – ватанпарварлик бурчим деб билганман, агар таъбир жоиз кўрилса. Бир рус фарзанди ўзининг миллий қонтомирларига, ўтмишига, маданиятига, туғилиб ўсган тупроғига, жондош дўст-ёрига нақадар боғлиқ экани, қисмат уни дунёнинг қай кунжига улоқтириб ташламасин, бу туйғудан воз кечолмаслиги ва уни умр бўйи ортмоқлаб юришидан баҳс этмоқчи эдим. Руслар камдан-кам ҳоллардагина янги ҳаёт тарзига ўнғай мослашиб, қовушиб кетади. Ғарбликлар бежиз "руслар нўноқ муҳожирдир" демайди – бутун рус муҳожироти тарихи буни исботлаб қўйган: бегона ҳаёт тарзига кўникиб-сингишиб кетишда оғиркарвонлигимиз, уқувсизлигимиз жумлаи жаҳонга маълум. "Қўмсов"ни суратга олаётганимда фильмни бошдан-оёқ қамраган иложсиз-имконсиз соғинч ҳисси ўзимнинг қисматим – пешонам ёзуғига айланажагини туш кўрибманми?! Қайтмас бўлиб кетган ўтмишимдан "ёдгор" бу дард-оғриқ билан энди сўнгги кунимгача яшашим эс-хаёлимга келибдими денг!..

Италияда мен ҳар томонлама: ахлоқий, руҳий, сиёсий ва ҳиссий жиҳатдан батамом русча фильм суратга олдим. Узоқ муддат-

ли хизмат сафарига борган бир рус ўғлони ва унинг бу мамлакатдан олган таассуротлари ҳақида. Лекин менинг мақсадим гўзал манзараларию миллионлаб ададда дунёга тарқаладиган фотолавҳалари билан сайёҳларни ҳайратга солаётган Италияни яна бир карра экранда намойиш этиш эмас эди. Қаҳрамоним таассуротлар уммонига ғарқ бўлади-ю, бўлишай деса ёнида бирон яқин кимса ёки жон-жигари йўқ, бари олисда. Янги орттирган тажрибаларини ўзи нақд киндиги билан боғлиқ бўлган кечмиш малакаларига татбиқ этай деса, не ёзиқки, бу ҳам сира имконсиз. Шундан эзилади у – не қилари, қайга бош урарини билмайди. Узоқ вақт ватандан олис яшаганимда бу ҳол ўзимнинг-да танамдан ўтган. Бошқа дунё, бошқа маданиятга тўқнаш келганда унга қўл-оёғингиз билан боғлиқ эканингиз ғайришуурий, аммо ожиз бир ғазаб уйғотади дилингизда: бу гўё жавобсиз севгидек, гўё чоғингиз келмайдиган юмушга бел боғлагандек, гўё бу дунёда қиладиган ишларингиз, юрадиган йўлларингиз энди чекли-абас эканини эслатиб қўяётгандек. Гўёки ҳаётингиз мавжуд шарт-шароит эмас (буни осонгина ҳал қилса бўлади!), айнан ўзингиз ўзингизга қўйган ботиний тақиқлар сабабли чекланган ва қисмат этилганининг пешонасига ўхшайди бу...

Мен ўрта асрларда яшаб ўтган япон уста-санъаткорларига мудом таҳсин айтаман: улар хожасининг саройида хизмат қилароқ ном қозонган, ўз мактабини яратган, бир сўз билан айтганда, шуҳрат чўққисига чиққан бир чоғи барига қўл силтаб, ўзи билмаган-кўрмаган ерларга бош олиб кетган ва исм-шарифини ўзгартириб, буткул



бошқа санъат йўналишида ижод бошлаган. Ҳатто улар орасида умри мобайнида бир-биридан фарқли беш хил ҳаёт тарзини яшаб ўтишга-да муваффақ бўлганлари ҳам борлигига нима дейсиз! Айнан шу мисол доим хаёлимни банд этиб туради, эҳтимол, ўзим ҳаётий тутумларим, инсоний ва санъатга хос ҳавас-майлларимни ўзгартиришга асло қодир эмаслигим сабаблидир – гўё булар тақдири азал этиб пешонамга битилгану мен бир қадам бўлсин четга ҳатлай олмайман...

"Қўмсов" ("Ностальгия") фильми қаҳрамони – Горчаков деган шоир. У Италияга Березовский отлиғ крепостной бастакор тўғрисида маълумот тўплаш ниятида боради – унинг ҳаётидан либретто ёзмоқчи. Березовский ҳаётда бўлган тарихий шахс. Унинг мусиқий иқтидорини кўрган хўжайини ўқисин, тажриба орттирсин дея Италияга йўллаган. Мусиқачи у ерда кўп йиллар яшаб, томошалар қўяди – машҳур бўлиб кетади, лекин барибир ўша – биз урғу бериб таъкидлаётган, рус кишисининг жон-жонига сингиб кетган қўмсов ҳисси сабаб кўп йиллардан сўнг Россияга қайтмоққа қарор қилади, ватанга келгач эса ўзини осиб қўяди... Тўғри, мусиқачи воқеаси фильмга бежиз киритилмаган. У Гор-

чаков қисмати ва айниқса, шоир ўзининг ёт ҳаётни четдан, узоқдан кузатаётган шунчаки бир "бегона" эканини алам билан англаган бир паллани, туғилиб ўсган уйи ифори, қон-жондошларининг юз-чеҳраси, сас-садоси эс-ёдида бот-бот бош кўтарарак кечмиш хотираларига ғарқ бўлган бир аҳволини ифодалашда муайян киритма ҳикоя бўлиб хизмат қилади...

Фильм тўлиқ тасвирга олиб бўлингач, лавҳаларини илк марта кўрганимда ҳайратда қолганман: тушкун, маҳзун бир томоша бўлибди. Бунчалик бўлишини кутмаган эдим. Асар руҳи менинг ўша вақтдаги аҳвол-руҳиятим билан айнан бир хил эди. Рости, мен бундай фильм оламан деб ўйламаганман. Ҳайратланарлиси шундаки, мақсад-муддао аниқ бўлгани ҳолда камера аввало менинг фильмни суратга олаётган чоқдаги руҳий ҳолатимга бўйсунибди. Оиламдан айро, одатий ҳаёт тарзим ўзгарган, кинони тасвирга олишда мен учун янги бўлган қонун-қоидалар ва ниҳоят бегона тил сабаб ўта толиққан эдим... Ҳам танг қолдим, ҳам хурсанд бўлдим. Негаки, кинотасмага муҳрланган ва қоронғи томоша залида кўз ўнгимда илк марта намоён бўлган меҳнатим самараси менинг кино санъати вазифаси ва имкониятлари борасидаги фикрларим қуруқ хомхаёл эмас, балки кўз ўнгимда кечган шак-шубҳасиз ҳаққоний воқелик эканидан далолат эди. Яъни кино санъати мен учун инсон қалбининг таржимони бўлиш, бетакрор инсоний тажрибани ифодалаш имконини берарди...

Кино яратишда мени одатдаги хатти-ҳаракатлар, қаҳрамонлар ҳаётидаги

*Андрей Тарковский номи қулоғимизга кўп чалинган, аммо тан олиб айтиш керак, фильмларини кўрганлар куп эмас. Ўзим ҳам (унча-мунча "киноман"ман дея мақтана олганим ҳолда) уч-тўрт йил аввалмикан, азбаройи шахсиятига бўлган қизиқишим сабаб "Солярис" фильмини томоша қилган эдим. Зерикканда кўриладиган оммабоп-овунчоқ кино эмас, хос томошабинга мўлжалланган, фикрлаш-ўйлашга, туғилган саволу иштибоҳлар мағзини чақишга ундайдиган интеллектуал фильм деган бўлар эдим. Муаллифнинг ўзи томошабинлар унинг асарларини шунчаки мароқ ила томоша қилиб қўяқолмай, бош қотириб, савол устига савол қалаштириб, рамзу мажоз қидириб кўришидан ёзғирган. "Солярис"дан сўнг амин бўлдимки, томошабин ноҳақ эмас – саволлар бежиз туғилмас экан.*

*Тарковский кино соҳасида ўзига хос мактаб яратган режиссёр, дунё миқёсида феномен, даҳо санъаткор дея эътироф этилган, тан олингани ҳолда ватанида рўшнолик кўрмаган. У яратган "Иваннинг болалиги", "Андрей Рублёв", "Кўзгу", "Сталкер", "Солярис", "Қўмсов", "Қурбонлиқ" каби фильмларнинг аксари собиқ Иттифоқда танқиду тақиққа учраган, аммо жаҳон киноҳамжамияти, кинозстетлар томонидан шоҳ асар, дурдона дея юксак баҳоланган.*

*Тарковскийнинг кундалиги – "Мартиролог", кино соҳасини ўрганаётган толиби илмлар учун қўлланма – "Режиссура сабоқлари" (маърузалар тўплами), сал-*

жарою воқеалар тизими қизиқтирмайди – фильмларимда борган сари бунга камроқ эҳтиёж сезмоқдаман. Мудом инсоннинг ички дунёси қизиқ – унинг руҳият олами, у улги олажак фалсафа, унинг руҳонияти таянадиган адабий ва маданий анъаналар "қаърига саёҳат" мароқли эди менга. Кинотасма "бир нуқтада қотиб қолмай", тез-тез жой алмаштириши, фильмга янгидан-янги таъсирчан тасвирлар, ажабтовур манзаралар ва "сертаассурот" интерьерлар киритиш лозимлиги тижорий нуқтаи назардан уни фойда эканига фаҳмим етади. Аммо бундайин "ташқи таъсирлар" бор кучим билан рўёбга чиқаришга уринаётган мақсадимдан чалғитади, узоқлаштиради. Мени бутун бир оламни ўзида мужассам этган инсон қизиқтиради, бу ҳолни ифодаламоқ учун эса инсон ҳаёти мазмун-моҳиятан маълум бир воқеалар тизимига мослаштирилиши шарт эмас.

Ўрни келди, шуни ҳам айтиб ўтишим ортиқчалик қилмас: аввал-бошданоқ кино санъати деганда Американинг саргузашт фильмлари кўз олдимга келмас эди. Мен ҳайратомуз лавҳаларни кетма-кет тизиш усулига қаршиман. "Иваннинг болалиги"-дан тортиб "Сталкер"гача воқеа-ҳодисаларни қарийб анъанавий: замон, макон, ҳаракат учлиги асосига қурганман, серҳаракатликдан қочиш пайида бўлганман. Шу нуқтаи назардан "Андрей Рублёв" фильми композицияси ҳам бугун менга ўта узуқ-юлуқ, тарқоқ туюлади...

Пировардида, "Қўмсов" сценарийсида кўзлаган мақсадимни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган ортиқча ёки тасодифий бирон нима бўлмаслигига астойдил

*моқли "Ўчмас лаҳзалар" китоблари нашр этилган. Сўнггиси режиссёрнинг кино санъати, ўз ижоди, касб-кори ва ҳаётига оид фикрлари жамланмасидир. Ана шу китобдан бир улуш – "Қўмсов" фильми баҳонасида айтилган мулоҳазаларни журналхонга илиндик.*

*"Қўмсов" Италияда суратга олинган. Шу баҳона ҳақиқий ижод эркинлигини туйган А. Тарковский фильм якунлангандан сўнг ватанга қайтмайди, бу қарорини Миланда бўлган матбуот анжуманида эълон қилади. Табиийки, шундан кейин собиқ Иттифоқда режиссёр фильмларига баттар тақиқ қўйилади, номи "унутилади".*

*Тарковский хорижда эмин-эркин ижод қилса-да, турли соврину мукофотларга, имтиёзларга ноил этилса-да, сўнгги нафасигача ватанни қўмсаб яшайди. Эҳтимол, унинг она юрт соғинчи, қўмсов хусусидаги қарашлари ҳозирги китобхон учун бирмунча жўн, эскиргандек туюлар (бундан қарийб эллик-олтмиш йил бурунги битиклар-да), зотан бугун инсон қавми дайди космополитга айланган, дунёнинг ҳар кунжига бориб истиқомат қилаётир. Лекин барибир юрагимизнинг туб-тубида инжа бир илинж бор – ватансеварлик ҳисси яшаётир, ўлмагай...*

**Таржимон**

жарою воқеалар тизими қизиқтирмайди – фильмларимда борган сари бунга камроқ эҳтиёж сезмоқдаман. Мудом инсоннинг ички дунёси қизиқ – унинг руҳият олами, у улги олажак фалсафа, унинг руҳонияти таянадиган адабий ва маданий анъаналар "қаърига саёҳат" мароқли эди менга. Кинотасма "бир нуқтада қотиб қолмай", тез-тез жой алмаштириши, фильмга янгидан-янги таъсирчан тасвирлар, ажабтовур манзаралар ва "сертаассурот" интерьерлар киритиш лозимлиги тижорий нуқтаи назардан уни фойда эканига фаҳмим етади. Аммо бундайин "ташқи таъсирлар" бор кучим билан рўёбга чиқаришга уринаётган мақсадимдан чалғитади, узоқлаштиради. Мени бутун бир оламни ўзида мужассам этган инсон қизиқтиради, бу ҳолни ифодаламоқ учун эса инсон ҳаёти мазмун-моҳиятан маълум бир воқеалар тизимига мослаштирилиши шарт эмас.

Ўрни келди, шуни ҳам айтиб ўтишим ортиқчалик қилмас: аввал-бошданоқ кино санъати деганда Американинг саргузашт фильмлари кўз олдимга келмас эди. Мен ҳайратомуз лавҳаларни кетма-кет тизиш усулига қаршиман. "Иваннинг болалиги"-дан тортиб "Сталкер"гача воқеа-ҳодисаларни қарийб анъанавий: замон, макон, ҳаракат учлиги асосига қурганман, серҳаракатликдан қочиш пайида бўлганман. Шу нуқтаи назардан "Андрей Рублёв" фильми композицияси ҳам бугун менга ўта узуқ-юлуқ, тарқоқ туюлади...

Пировардида, "Қўмсов" сценарийсида кўзлаган мақсадимни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган ортиқча ёки тасодифий бирон нима бўлмаслигига астойдил

*моқли "Учмас лаҳзалар" китоблари нашр этилган. Сўнггиси режиссёрнинг кино санъати, ўз ижоди, касб-кори ва ҳаётига оид фикрлари жамланмасидир. Ана шу китобдан бир улуш – "Қўмсов" фильми баҳонасида айтилган мулоҳазаларни журналхонга илиндик.*

*"Қўмсов" Италияда суратга олинган. Шу баҳона ҳақиқий ижод эркинлигини туйган А. Тарковский фильм якунлангандан сўнг ватанга қайтмайди, бу қарорини Миланда бўлган матбуот анжуманида эълон қилади. Табиийки, шундан кейин собиқ Иттифоқда режиссёр фильмларига баттар тақиқ қўйилади, номи "унутилади".*

*Тарковский хорижда эмин-эркин ижод қилса-да, турли соврину мукофотларга, имтиёзларга ноил этилса-да, сўнгги нафасигача ватанни қўмсаб яшайди. Эҳтимол, унинг она юрт соғинчи, қўмсов хусусидаги қарашлари ҳозирги китобхон учун бирмунча жўн, эскиргандек туюлар (бундан қарийб эллик-олтмиш йил [illegible] ҳар кунжига бориб истиқомат қилаётир. Лекин барибир юрагимизнинг [illegible] тубида инжа бир илинж бор – ватансеварлик ҳисси яшаётир, ўлмагай...*

**Таржимон**

интилдим. Яъни мен нафақат ўз-ўзи, балки бутун олам билан муроса қилолмай мислсиз ички зиддиятга киришган, реаллик билан кўнгил уйғунлиги ўртасида мувозанат топа олмай сарсон, нафақат ватан соғинчи сабаб, балки борлиқнинг бир бутунлигини ўйлаб ғам-ҳасрат чекаётган инсон ҳолатини намойиш этмоқчи эдим. Сценарий маълум бир фалсафий яхлитлик касб этмагунча ундан кўнглим тўлмади.

Маиший шароит сабаб эмас, балки доим ҳам инсон талаб-эҳтиёжларига мос келавермайдиган ҳаётнинг ўзи – ҳақиқий воқелик билан фожиавий бир муросасизликни бошдан кечираётган чоғи Италия Горчаковнинг кўз ўнгида йўқликдан бунёд бўлган улуғвор хароба мисоли ястаниб ётарди. Бу умуминсоний, айни чоқда бегона тамаддун қолдиқлари – бандасига хос манфаатпарастлик аслида беҳуда, башарият адашиб-улоқиб юрган йўллар ҳалокатли эканидан далолат бергувчи қабртош рамзи эди гўё. Горчаков руҳий зўриқишларга дош беролмай, афтидан, ўзи учун ҳам “узуқ-юлуқ туюлган замонлар робитаси”ни кетма-кет “улай” олмай ҳалок бўлади...

Бош қаҳрамоннинг аҳвол-руҳиясига мос келадиган, бир қарашда ажабтовур кўринадиган персонаж – итальян Доменико асарда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Жамият ҳимоя қилмаган, юраги таҳликага тўлиб-тошган бу одам инсон зотини хўрлайдиган воқеликларга қарши чиқиш учун ўзида маънан куч топади. Собиқ риёзиёт муаллими, эндиликда “толеи паст” Доменико ўзининг “ҳеч ким” эмаслигини (бошқалар назарида) енгиб ўтиб, бугун жумлаи олам ҳалокат ёқасида, дея жар солишга жасорат топади. Инсониятни бу ҳалокатнинг олдини олишга чақиради. Ўзини “рисолавий” санайдиган одамлар кўзига у бир тентак бўлиб кўринади. Бироқ Горчаковга шу “тентак”нинг руҳияти беҳад яқин эдики, у ёлғиз боши қайғусини ўйлаб эмас, балки бутун инсониятни замонавий тамаддуннинг бемулоҳазакорлигу шафқатсизлигидан қутқариш ташвишлари ила туну кун ҳалак эди...

Менинг барча фильмларимда қай тарзда бўлмасин инсон фарзанди бу чексиз коинотда ёлғиз эмас, ҳомийсиз қолдирилмаган деган фикр илгари сурилади. Улар минглаган ришталар-ла азалу келажакка шундай боғланганки, лозим кўрилса, ҳар бир инсон қисмати аввали билан дунё ҳамда умуминсон тараққиётига алоқадор эканини намоён этади... Лекин ҳар бир инсон ҳаёти ва кори-амалининг беҳуда кетмаслигига бўлган бу ишонч одамзоднинг Ҳаёт олдидаги масъулиятини янада оширади.

Уруш таҳликаси инсониятни кунпаякун этишга қодир бўлган, ижтимоий офатлар ўз кўлами билан тирик жонни танг аҳволга солиб қўяётган, азоб-уқубатлар чидаб бўлмас даражага етган бу дунёда одам боласи бир-бирига елкадош бўлишга йўл топиши зарур. Бу инсониятнинг, таъбир жоиз кўрилса, ҳар битта одамнинг ўз истиқболи олдидаги муқаддас бурчидир. Горчаков ич-ичидан Доменикони бор-йўғи бир бемаъни тентак деб ҳисоблайдиган қорни тўқ, беғаму худбин сўқирларнинг “умумэътироф”идан ҳимоя қилишга ўзида эҳтиёж сезади ва унга меҳр қўяди. Лекин у “бало-қазодан Ўзинг асра” дея ўзига умр

сўраш ўрнига, тап ортмай ўлимни танлаган Домениконин йўлидан қайтара олмайди...

Горчаков Домениконинг ўсмирларча таваккалчилигидан ҳайратга тушади – сабаби, унинг ўзи ҳамма катта ёшлилар қатори озми-кўпми муросасоз эди, ҳаёт шуни тақозо этарди-да. Бироқ Доменико ўзини ёқиб юборди. У одамлар менинг огоҳлантирув фарёдимга қулоқ тутармикан деган анойи умид-ла сўнгги чора саналмиш шу мудҳиш ишга қўл урди. Бу билан ўзининг ҳаётдан яккаш манфаат излайдиган тамагир эмаслигини намойиш этмоқчи бўлди. Горчаков Домениконинг қилмишидан, унинг маънавий етуклиги, ғарийб авлиёдек поклигидан ҳайратда қолди. У ҳаётнинг ур-сурларини бошдан кечирарак энди-энди уларни таҳлил этишга уринаётган бир паллада Доменико шартта ўзини қурбон этди-қўйди. Доменико шундай қилмоққа ўзида куч топган экан, демак, ҳаёт олдида чинакам жавобгарликни ҳам ҳис этган. Горчаков эса бу вазиятда бор-йўғи тор фикрли, тутуриқсиз шимса эканини англаш билан овора бир банда бўлиб кўринади. Лозим топилса, ўлимигина уни оқлайди – нақадар азоб чекканини кўрсатади...

"Қўмсов" суратга олинган чоқдаги кайфиятим экранга-да кўчганини ёздим. Тириклигингизнинг ҳар они танангиздан ўтказадиган, ватандан, қондошларингиздан олисда мудом юрагингизни симиллатиб турадиган аччиқ ҳис бу – соғинч. Ўтмишингизга қўл-оёғингиз билан чандиб боғланган эканингизни бир дақиқа бўлсин унуттирмайдиган, гўёки пешонадаги ёзуққа айланиб бораётган кўникиб бўлмас бу дарднинг номи – қўмсов... Лекин мен китобхонни огоҳ этиб қўяй: лирик қаҳрамонни бевосита муаллифнинг ўзи деб ўйламанг. Бу ўта жўн қараш. Ҳар қандай санъаткор ижодда ҳаётий тажрибасидан фойдаланади, бу табиий ҳол – таассуфки, бизнинг бошқа йўлимиз йўқ! Бироқ шахсий ҳаётидан ўзлаштирилган воқелик ҳам, кайфият ҳам ижодкорнинг шахсиятига тегишли деб қатъий хулоса ясашга асос бермайди бу. Эҳтимол, бу гапим кимнингдир ҳафсаласини пир қилар, бироқ муаллифнинг ҳиссий тажрибаси камдан-кам ҳоллардагина унинг ҳаётий, маиший амалларига айнан мос келади.

Муаллифнинг ўзи яшаб турган воқеликдан таъсирланиши натижаси ўлароқ юзага келган бадиий асарда мазкур воқелик айнан тасвирланмаслиги, муаллиф ушбу воқеликдан "ташқари чиқиши", у билан муросасиз ихтилофга киришиши мумкин. Ва энг муҳими ҳамда зиддиятли жиҳати шуки, у баъзан нафақат "мавжуд ҳақиқат", балки ўзининг ички ҳақиқати билан ҳам муроса қилолмайди. Масалан, кўпгина тадқиқотчилар фикрича, Достоевскийнинг пок-покдомон қаҳрамонлари худди разилу пасткаш қаҳрамонлари сингари муаллифнинг айнан ўзи эмиш... Лекин биронта қаҳрамонини унинг айнан ўзи деб бўлмайди. Тўғри, ҳар бир қаҳрамони унинг фикр-мулоҳазаларини ўзида жамлаган, аммо ҳеч қайсиси муаллифни ҳаётда қандай бўлса, шундайлигича мукаммал акс эттирмайди.

"Қўмсов"да ҳам ташқи кўринишидан курашчи эмас, "ожиз", лекин менинг назаримда, бу ҳаётда ғолиб бўлган инсон мав-

сўраш ўрнига, тап ортмай ўлимни танлаган Доменикони йўлидан қайтара олмайди...

Горчаков Домениконинг ўсмирларча таваккалчилигидан ҳайратга тушади – сабаби, унинг ўзи ҳамма катта ёшлилар қатори озми-кўпми муросасоз эди, ҳаёт шуни тақозо этарди-да. Бироқ Доменико ўзини ёқиб юборди. У одамлар менинг огоҳлантирув фарёдимга қулоқ тутармикан деган анойи умид-ла сўнгги чора саналмиш шу мудҳиш ишга қўл урди. Бу билан ўзининг ҳаётдан яккаш манфаат излайдиган тамагир эмаслигини намойиш этмоқчи бўлди. Горчаков Домениконинг қилмишидан, унинг маънавий етуклиги, ғарийб авлиёдек поклигидан ҳайратда қолди. У ҳаётнинг ур-сурларини бошдан кечирарак энди-энди уларни таҳлил этишга уринаётган бир паллада Доменико шартта ўзини қурбон этди-қўйди. Доменико шундай қилмоққа ўзида куч топган экан. демак, ҳаёт олдида чинакам жавобгарликни ҳам ҳис этган. Горчаков эса бу вазиятда бор-йўғи тор фикрли, тутуриқсиз кимса эканини англаш билан овора бир банда бўлиб кўринади. Лозим топилса, ўлимигина уни оқлайди – нақадар азоб чекканини кўрсатади...

"Қумсов" суратга олинган чоқдаги кайфиятим экранга-да кўчганини ёздим. Тириклигингизнинг ҳар они танангиздан ўтказадиган, ватандан, қондошларингиздан олисда мудом юрагингизни симиллатиб турадиган аччиқ ҳис бу – соғинч. Ўтмишингизга қўл-оёғингиз билан чандиб боғланган эканингизни бир дақиқа бўлсин унуттирмайдиган, гўёки пешонадаги ёзуққа ўраниб бораётган кўникиб бўлмас бу дарднинг номи – қўмсов... Лекин мен китобхонни огоҳ этиб қўяй: лирик қаҳрамонни бевосита муаллифнинг ўзи деб ўйламанг. Бу ўта жўн қараш. Ҳар қандай санъаткор ижодда ҳаётий тажрибасидан фойдаланади, бу табиий ҳол – таассуфки, бизнинг бошқа йўлимиз йўқ! Бироқ шахсий ҳаётидан ўзлаштирилган воқелик ҳам, кайфият ҳам ижодкорнинг шахсиятига тегишли деб қатъий хулоса ясашга асос бермайди бу. Эҳтимол, бу гапим кимнингдир ҳафсаласини пир қилар, бироқ муаллифнинг ҳиссий тажрибаси камдан-кам ҳоллардагина унинг ҳаётий, маиший амалларига айнан мос келади.

Муаллифнинг ўзи яшаб турган воқеликдан таъсирланиши натижаси ўлароқ юзага келган бадиий асарда мазкур воқелик айнан тасвирланмаслиги, муаллиф ушбу воқеликдан "ташқари чиқиши", у билан муросасиз ихтилофга киришиши мумкин. Ва энг муҳими ҳамда зиддиятли жиҳати шуки, у баъзан нафақат "мавжуд ҳақиқат", балки ўзининг ички ҳақиқати билан ҳам муроса қилолмайди. Масалан, кўпгина тадқиқотчилар фикрича, Достоевскийнинг пок-покдомон қаҳрамонлари худди разилу пасткаш қаҳрамонлари сингари муаллифнинг айнан ўзи эмиш... Лекин биронта қаҳрамонини унинг айнан ўзи деб бўлмайди. Тўғри, ҳар бир қаҳрамони унинг фикр-мулоҳазаларини ўзида жамлаган, аммо ҳеч қайсиси муаллифни ҳаётда қандай бўлса, шундайлигича мукаммал акс эттирмайди.

"Қумсов"да ҳам ташқи кўринишидан курашчи эмас, "ожиз", лекин менинг назаримда, бу ҳаётда ғолиб бўлган инсон мав-

зусини кўтаришим муҳим эди. Ҳув "Сталкер"нинг ўзиёқ бугун ҳаётда қадрият саналмиш ожизликни ёқлаб монолог ирод этади. Менга доим мавжуд воқеликка мослаша олмайдиган одамлар ёққан. Фильмларимда чинакам қаҳрамон йўқ (эҳтимол, Иван истиснодир), лекин доим маънавий эътиқоди кучли ва бошқа бировлар учун масъулиятни бўйнига ола биладиган одамлар (табиийки, Иван ҳам шу сирага киради) бўлган. Бундай кишилар кўпинча катталардек завқ-шавққа эга болаларни эсга солади – яхшилаб ўйлаб кўрилса, уларнинг қилган иши содда ва беғараз. Дейлик, роҳиб Рублёв зулмга зулм билан жавоб қайтармаслик, муҳаббат ва эзгуликка қаршилик қилмасликни тарғиб этаркан, бу оламга болаларча беғуборлик ила жавдираб қарайди. Гарчи у дунёни бошқараётгандек туюлгувчи ўта қўпол, шафқатсиз зўравонликларга шоҳид бўлса-да, кўплаб кўнгилсизликларни бошдан кечирса-да, охир-оқибат, қалбида қайта бош кўтарган инсоний меҳр-оқибат ва соф муҳаббатдек ягона қадриятга қайтади. Аввалига тирикчиликдан бошқасини билмайдиган оддий одам бўлиб кўринган Кельвин ("Солярис" фильми) қалбида шундай инсоний "тақиқ" бор эдики, бу унинг виждон амрига бўйсунмаслигига, шахсан ўзи ва бошқанинг ҳаётига масъулиятли бўлишдек оғир юкни елкасидан итқитиб ташлашига йўл қўймасди.

"Кўзгу" фильми қаҳрамони ожиз, худбин, жондош-қондошларига-да беғараз, бетама бир меҳр инъом эта олмайдиган банда эди. Умри сўнгида ҳаёт олдидаги қарзини тўлай олмаслигини англаб етиб, бошдан кечирган руҳий азоб-уқубатлари уни бир мунча оқлайди. Дарров жазавага тушиб кетадиган, ажабтовур табиатли Сталкер худди бутун вужудга ёйилган саратон мисол манфаатпарастликка булғанган бу дунёга қарата пок виждон билан ўзининг қатъий фикрини айта олди. Доменико ҳам Сталкерга ўхшаб ўз ғоясини ўйлаб топди ва уқубатли йўлни танлади. Шунчаки, аксарият-кўпчиликка ўхшаб сурбетларча шахсий манфаат кетидан қувиб кетмаслик учун ва худди ақлдан озгандек муқаррар инқироз томон жадаллаб бораётган инсониятни бу йўлдан қайтармоқ учун ўзини қурбон этди. Энг асосийси – бу одамларнинг виждони уйғоқ. Айнан шу хислат одамзоднинг эл ҳақидан мўмайини юлиб, жиғилдонга урганча тараллабедод яшашига халақит беради. Одатда, рус зиёлиларининг аксар қисмига хос эди бу фазилатлар. Мен Горчаков табиатидаги виждони уйғоқлик, доимий беҳаловатлик, ночор-нотавонларга мудом қайишиш каби инсоний хислатларга яна бир карра урғу бермоқчиман…

Инсон Буюк амаллар учун хизмат қилишга ҳозирлиги, одатий-маиший турмуш "одоб-ахлоқ"ини ҳазм қила олмаслиги, буни хоҳламаслиги билан мароқлидир менга. Ҳаётдан, яшашдан мақсади, аввало, ўз ичидаги ёвузликка қарши курашиш эканини англаб, умри мобайнида маънавий жиҳатдан ҳечқурса бир поғона баланд кўтарала оладиган инсон қизиқдир менга. Зеро маънавий камолотга эришиш йўлига фақат маънавий таназзул йўли муқобил туради, таассуфки, кундалик турмушимиз ва бу ҳаётга мослашиш жараёни билан биз унинг тегирмонига сув қуямиз, холос!..

зусини кўтаришим муҳим эди. Ҳув "Сталкер"нинг ўзиёқ бугун ҳаётда қадрият саналмиш ожизликни ёқлаб монолог ирод этади. Менга доим мавжуд воқеликка мослаша олмайдиган одамлар ёққан. Фильмларимда чинакам қаҳрамон йўқ (эҳтимол, Иван истиснодир), лекин доим маънавий эътиқоди кучли ва бошқа биров учун масъулиятни бўйнига ола биладиган одамлар (табиийки, Иван ҳам шу сирага киради) бўлган. Бундай кишилар кўпинча катталардек завқ-шавққа эга болаларни эсга солади – яхшилаб ўйлаб кўрилса, уларнинг қилган иши содда ва беғараз. Дейлик, роҳиб Рублёв зулмга зулм билан жавоб қайтармаслик, муҳаббат ва эзгуликка қаршилик қилмасликни тарғиб этаркан, бу оламга болаларча беғуборлик ила жавдираб қарайди. Гарчи у дунёни бошқараётгандек туюлгувчи ўта қўпол, шафқатсиз зўравонликларга шоҳид бўлса-да, кўплаб кўнгилсизликларни бошдан кечирса-да, охир-оқибат, қалбида қайта бош кўтарган инсоний меҳр-оқибат ва соф муҳаббатдек ягона қадриятга қайтади. Аввалига тирикчиликдан бошқасини билмайдиган оддий одам бўлиб кўринган Кельвин ("Солярис" фильми) қалбида шундай инсоний "тақиқ" бор эдики, бу унинг виждон амрига бўйсунмаслигига, шахсан ўзи ва бошқанинг ҳаётига масъулиятли бўлишдек оғир юкни елкасидан итқитиб ташлашига йўл қўймасди.

"Кўзгу" фильми қаҳрамони ожиз, худбин, жондош-қондошларига-да беғараз, бетама бир меҳр инъом эта олмайдиган банда эди. Умри сўнгида ҳаёт олдидаги қарзини тўлай олмаслигини англаб етиб, бошдан кечирган руҳий азоб-уқубатлари уни бир мунча оқлайди. Дарров жазавага тушиб кетадиган, ажабтовур табиатли Сталкер худди бутун вужудга ёйилган саратон мисол манфаатпарастликка булғанган бу дунёга қарата пок виждон билан ўзининг қатъий фикрини айта олди. Доменико ҳам Сталкерга ўхшаб ўз ғоясини ўйлаб топди ва уқубатли йўлни танлади. Шунчаки, аксарият-кўпчиликка ўхшаб сурбетларча шахсий манфаат кетидан қувиб кетмаслик учун ва худди ақлдан озгандек муқаррар инқироз томон жадаллаб бораётган инсониятни бу йўлдан қайтармоқ учун ўзини қурбон этди. Энг асосийси – бу одамларнинг виждони уйғоқ. Айнан шу хислат одамзоднинг эл ҳақидан мўмайини юлиб, жиғилдонга урганча тараллабедод яшашига халақит беради. Одатда, рус зиёлиларининг аксар қисмига хос эди бу фазилатлар. Мен Горчаков табиатидаги виждони уйғоқлик, доимий беҳаловатлик, ночор-нотавонларга мудом қайишиш каби инсоний хислатларга яна бир карра урғу бермоқчиман...

Инсон Буюк амаллар учун хизмат қилишга ҳозирлиги, одатий-маиший турмуш "одоб-ахлоқ"ини ҳазм қила олмаслиги, буни хоҳламаслиги билан мароқлидир менга. Ҳаётдан, яшашдан мақсади, аввало, ўз ичидаги ёвузликка қарши курашиш эканини англаб, умри мобайнида маънавий жиҳатдан ҳеч қурса бир поғона баланд кўтарала оладиган инсон қизиқдир менга. Зеро маънавий камолотга эришиш йўлига фақат маънавий таназзул йўли муқобил туради, таассуфки, кундалик турмушимиз ва бу ҳаётга мослашиш жараёни билан биз унинг тегирмонига сув қуямиз, холос!..

"Қурбонлиқ" деб номланган яна бир киноасарим қаҳрамони ҳам, агарда бу сўзни жўн маънода тушунадиган бўлсак, ожиз бир одам. У одатдаги қаҳрамон эмас, аммо қарангки, юксак ғоялар учун ўзини қурбон этишга қодир олижаноб ва ҳалол инсон бўлиб чиқади. Вазият тақозо этса ҳам, масъулиятни ўзидан соқит қилиб бошқанинг елкасига ортмайди. Дўст-ёрлари назарида, у ўзини янглиш тушунишларидан чўчимай, чидаб бўлмайдиган ҳалокат йўлига қадам қўяди. Қилган ишининг аччиқ фожиаси ҳам шунда аслида. Оддий инсоний ахлоқ чегараларини босиб ўтиб, очиқдан-очиқ жинни деган тамға босилишидан қўрқмай, ўзининг бутун борлиққа, ҳаттоки бутун олам қисматига дахлдор эканини билган ҳолда шу ишни қилади. Шунингдек, у қалб амрининг итоаткор ижрочиси – ўз қисматига хўжайин эмас, балки хизматкордир. Ким билсин, унинг ана шу саъй-ҳаракатлари балки сезиб-сезилмаган, англаб-англанмаган бир тарзда дунё уйғунлиги барқарорлигига озми-кўпми ҳисса қўшгандир...

Бу ерда, Ғарбда одамларни кўпроқ ўз шахсияти ташвишга солади. Уларга яшашдан маъно ўзингизни ким учундир қурбон қила олишингизда, деб айтиб кўринг-чи, нима бўларкан? Ишонмайди! Устингиздан кулади! Одам боласи мутлақо бахтиёр яшамоқ учун дунёга келмаган, шахсий омад ва шахсий манфаатдан-да муҳим нарсалар бор ҳаётда десангиз, сизга баттар таажжуб билан қарайди. Руҳ боқийдир деган гапларга-ку, афтидан, ҳеч ким ишонмай қўйган!

Ожизлик ҳақида гапирганда мен тирик жонга нисбатан ва умуман ҳаётда тажовузкор бўлмаган, ўз мақсади, манфаати йўлида бошқалардан фойдаланмайдиган одамни назарда тутмоқдаман. Бир сўз билан айтганда, моддий қарамликка қаршилик қиладиган инсоннинг ғайрат-шижоати мени ўзига жалб этади ва худди шу ерда миямга янги ва янги ғоялар қуйилиб келади.

Айни нуқтаи назардан менга Шекспирнинг "Ҳамлет"и жуда қизиқ ва бу асарни яқин келажакда фильм қилиш ниятим бор. Ушбу машҳур пьесада маънавий жиҳатдан юксак бўлган, аммо нопок, тубан бир вазият тақозоси билан иш кўришга мажбур қолган одамнинг абадий муаммоси кўрсатилган. Бу худдики келажак одами ўзининг ўтмишида яшашга мажбур қилингандек гап. Назаримда, Ҳамлетнинг фожиаси унинг ўлимида эмас, балки ўлими олдидан ўз маънавий талабларидан воз кечиб, анчайин бир қотилга айланишдан ўзга чораси қолмаганидадир. Айни чоқда ўлим унинг учун энг мақбул йўл, акс ҳолда, барибир ўз жонига қасд қилиши лозим бўларди...

Янги бир фильм олишга киришар эканман, алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, ундаги ҳар бир тасвир янада ишонарли ва самимий чиқишига ҳаракат қиламан. Албатта, табиат инъом этадиган бевосита таассуротлар ва вақт асари қолдирган аломат-белгиларга таянаман. Натурализм бу – табиатнинг кинода акс этиши. Кинода табиат қанчалик табиий кўрсатилса, бир томондан, томошабин унга кўпроқ ишонади; бошқа томондан, тасвир шу қадар кўркам ва салобатли чиқадики, гўё табиат экранда илоҳийлаштирилгандек.

Охирги вақтларда томошабин билан кўп бора юзлашишга тўғри келди. Мен

фильмларимда ҳеч қандай рамзу мажоз йўқ, дея таъкидлаганим сайин улар кўпроқ ишонмайди. Дейлик, асардаги ёмғир лавҳаси нимани англатади, нега бу мажозлар фильмингиздан фильмингизга кўчиб юради, нега шамол, олов, сув тимсоллари ҳар гал қайтарилади, деб зўр қизиқиш билан саволга тутгани тутган. Бундай сўроқлар қаршисида нима дейишни билмай шошиб қоламан...

Айтайлик, ёмғир – мен туғилиб ўсган иқлимга хос табиий ҳодиса. Россияда ойлаб юракни зиқ этадиган рутубатли ҳаво ҳукм суриши, муттасил ёмғир ёғиши одатий ҳол. Дейлик, мен табиат шайдосиман – ҳа, ҳаёт қайнаган азим шаҳарларда яшаш менга малол келади, замонавий тараққиёт янгиликларидан нарида ўзимни беҳад бахтиёр сезаман. Россияда ҳам Москвадан уч юз километрлар узоқ бир қишлоқдаги кулбамда кунларим хотиржам кечар, кўнглим тинч, осойишта яшардим. Ёмғир, олов, сув, қор, шабнам, изғирин – биз умргузаронлик қиладиган моддий муҳитдаги унсурлар, таъбир жоиз кўрилса, ҳаёт ҳақиқати бу. Шу боис одамлар экранда меҳр ила тасвирга олинган табиат манзарасини кўрганда шунчаки завқланиш ўрнига, ундан аллақандай яширин маъно ахтариши менга эриш туюлади. Табиийки, ёмғир лавҳасида фақат нохуш об-ҳавони кўриш мумкин, мен эса ундан фойдаланарак маълум маънода фильм воқеалари кечадиган эстетик муҳит яратаман. Лекин бу – фильмларимда табиат ниманингдир рамзини акс эттириш воситаси дегани эмас, худо асрасин. Тижорат фильмларида об-ҳаво, айтайлик, кўпинча мутлақо кўрсатилмайди, тезкор суратга олиш учун бирмунча қулай ёруғлик ва шарт-шароит мавжудки – томошабин сюжетга эргашиб кетади ва ҳеч ким тахминий яратилган муҳит, вазиятга шубҳа қилмайди. Палапартиш тафсилотларга биров ҳатто эътибор бермайди. Қачонки экран томошабинга ҳақиқий воқеликни яқинлаштирса, уни борича яққол кўриш, яъниким, иссиқ-совуғини танасидан ўтказиш, "ҳиду таъм"ини сезиш имконини берса – томошабин бефарқ! Афтидан, у шунчаки ҳиссиётга берилиш, бевосита гўзалликдан завқланиш қобилиятини аллақачон бой берган. Дарров нега, нима учун, дея савол қалаштириб ўзини ўзи тафтиш қилади.

Баъдаз, мен экранда ўз оламимни мукаммал ва ўзим қандай кўрсам, ҳис этсам – имкон қадар шундай кўрсатишни хоҳлайман. Томошабиндан яширадиган аллақандай сирли ниятларим бўлмайди, унга мақтанмайман, ўйин қилмайман – бу оламнинг менга энг аниқ, энг жонли туюлган, мавжудлигимиз, тириклигимизнинг тутқич бермас мазмун-моҳиятини ифодалайдиган белги-аломатларга таяниб иш кўраман, холос.

Фикримга ойдинлик киритиш учун Бергман*дан мисол келтирай. "Қизчашма" фильмида мени доим бир манзара: жон таслим этаётган қаҳрамон – ҳайвонларча зўрланган қиз ҳайратга солади. Баҳор, новдалар оралаб сизиб ўтган қуёш нурида

* Ингмар Бергман – швециялик машҳур кинорежиссёр

қизнинг юзи ёришиб кўринади – у жон бермоқда ёки аллақачон жон берган, шуниси аниқки, ортиқ азоб чекмаяпти... Бизнинг тахминимиз негадир тасдиғини топмагандек туюлади… Гўё ҳаммаси тушунарлига ўхшайди-ю, нимадир камдек. Нимадир етишмаяпти... Дафъатан қор ёға бошлайди, баҳор фаслида камдан-кам учрайдиган ҳодиса!.. Мана, бизга “озроқ” етишмаётган ўша нимадир, ҳиссиётларимизни аниқ ифода этишга, ҳайратдан тилимиз танглайимизга ёпишиб қолишига туртки берган нарса айнан шу! Қор зарраси қизнинг кипригига илиниб қолади... Бу айни вақтда кадрда ўз изини қолдиради, албатта... Гарчи айнан шу тасвирнинг давомийлиги ва суръати туйғуларимизни ҳадди аълосига олиб чиқса-да, ёғаётган қор нимани англатади дея ижикилаб ўтиришимиз тўғримикан ёки шартмикан?.. Табиийки, йўқ! Бу шунчаки, фожиани айнан етказиб бериш учун моҳир санъаткор ўйлаб топган манзара. Ижодни асло мафкурага чалкаштириб юбормаслик керак. Акс ҳолда биз санъатни қалбан, бевосита тушуниш имконидан маҳрум бўламиз...

Тўғри, “Қўмсов”нинг якуний лавҳаси мажозий маъно касб этади: итальян черкови деворлари ўраб турган рус ҳовлиси... Бу “ясама” манзара бадиий жиҳатдан ўзини оқлайди. Бу қаҳрамон руҳиятининг рамзи, ифодасидир: энди унинг хаёли паришон, у энди илгаридек бўла олмайди, яшай олмайди. Ёки, лозим кўрилса, аксинча – унинг янги хаёлот олами жону қон туйғусини ҳам, Тосканя адирларини ҳам, рус қишлоғини ҳам бир бутунликда ўз ичига олган. Горчаков шу аҳволда, яъни ўзи учун янги – ҳамма нарса табиий ва узвий равишда бирлашиб кетган, кимдир не сабабдандир узил-кесил ўзгартириб юборган ана шундай ғаройиб ва омонат бир оламда яшайтуриб вафот этади. Шунга қарамай, айни тасвирда кино санъатига хос аниқлик бўлмаса-да, ҳеч бир сохта рамзийлик ҳам йўқ деб умид қиламан. Бу, менга қолса, қаҳрамоним ҳаётида кечаётган бирмунча мураккаб, мавҳум воқеа-ҳодисотнинг образли ифодасидир. Яъни ҳеч қандай сирли, бош қотириладиган рамзийлик йўқ бунда.

Тўғри, айни вазиятда мени тутуриқсизликда айблаш мумкиндир, лекин пировардида ижодкор қонун-қоидаларни ўзи ўрнатади ва уни ўзи бузади. Санъаткор эътироф этган эстетик таълимотга юз фоиз мос тушадиган санъат асари кўп эмас. Одатда, бадиий асар муаллиф таянган соф назарий ғоялар билан айнан уйғун келавермайди ва шу билан чекланиб қолмайди. Бадиий мазмун назарий қолипларга сиғмайди, у нисбатан бойдир. Ушбу китобни ёзатуриб менда иштибоҳ туғилди: хўш, ўз чегараларим билан ўзимни чеклаб қўймаяпманми ишқилиб?

**Шоҳсанам РЎЗИМАТ қизи таржимаси**

қизнинг юзи ёришиб кўринади – у жон бермоқда ёки аллақачон жон берган, шуниси аниқки, ортиқ азоб чекмаяпти... Бизнинг тахминимиз негадир тасдиғини топмагандек туюлади… Гўё ҳаммаси тушунарлига ўхшайди-ю, нимадир камдек. Нимадир етишмаяпти... Дафъатан қор ёға бошлайди, баҳор фаслида камдан-кам учрайдиган ҳодиса!.. Мана, бизга "озроқ" етишмаётган ўша нимадир, ҳиссиётларимизни аниқ ифода этишга, ҳайратдан тилимиз танглайимизга ёпишиб қолишига туртки берган нарса айнан шу! Қор зарраси қизнинг кипригига илиниб қолади... Бу айни вақтда кадрда ўз изини қолдиради, албатта... Гарчи айнан шу тасвирнинг давомийлиги ва суръати туйғуларимизни ҳадди аълосига олиб чиқса-да, ёғаётган қор нимани англатади дея ижикилаб ўтиришимиз тўғримикан ёки шартмикан?.. Табиийки, йўқ! Бу шунчаки, фожиани айнан етказиб бериш учун моҳир санъаткор ўйлаб топган манзара. Ижодни асло мафкурага чалкаштириб юбормаслик керак. Акс ҳолда биз санъатни қалбан, бевосита тушуниш имконидан маҳрум бўламиз...

Тўғри, "Қўмсов"нинг якуний лавҳаси мажозий маъно касб этади: итальян черкови деворлари ўраб турган рус ҳовлиси... Бу "ясама" манзара бадиий жиҳатдан ўзини оқлайди. Бу қаҳрамон руҳиятининг рамзи, ифодасидир: энди унинг хаёли паришон, у энди илгаридек бўла олмайди, яшай олмайди. Ёки, лозим кўрилса, аксинча – унинг янги хаёлот олами жону қон туйғусини ҳам, Тосканя адирларини ҳам, рус қишлоғини ҳам бир бутунликда ўз ичига олган. Горчаков шу аҳволда, яъни ўзи учун янги – ҳамма нарса табиий ва узвий равишда бирлашиб кетган, кимдир не сабабдандир узил-кесил ўзгартириб юборган ана шундай ғаройиб ва омонат бир оламда яшайтуриб вафот этади. Шунга қарамай, айни тасвирда кино санъатига хос аниқлик бўлмаса-да, ҳеч бир сохта рамзийлик ҳам йўқ деб умид қиламан. Бу, менга қолса, қаҳрамоним ҳаётида кечаётган бирмунча мураккаб, мавҳум воқеа-ҳодисотнинг образли ифодасидир. Яъни ҳеч қандай сирли, бош қотириладиган рамзийлик йўқ бунда.

Тўғри, айни вазиятда мени тутуриқсизликда айблаш мумкиндир, лекин пировардида ижодкор қонун-қоидаларни ўзи ўрнатади ва уни ўзи бузади. Санъаткор эътироф этган эстетик таълимотга юз фоиз мос тушадиган санъат асари кўп эмас. Одатда, бадиий асар муаллиф таянган соф назарий ғоялар билан айнан уйғун келавермайди ва шу билан чекланиб қолмайди. Бадиий мазмун назарий қолипларга сиғмайди, у нисбатан бойдир. Ушбу китобни ёзатуриб менда иштибоҳ туғилди: хўш, ўз чегараларим билан ўзимни чеклаб қўймаяпманми ишқилиб?

**Шоҳсанам РЎЗИМАТ қизи таржимаси**



Оллоёр ХЎЖАНДИЙ



# NECHUN YO'LNING SO'NGIDA JARLIK?!



## Дебоча

Хонгирей ва Зарема исми кўпчиликка Пушкиннинг “Боғчасарой фонтани” достони орқали таниш. Ғуссали тарих, ҳазин ҳикоя! Асарни оташнафас шоиримиз Усмон Носир ўзбек тилига таржима қилгани ғуссани янада кучайтиради. Қримдаги фаввора жувонмарг бўлган муҳаббатгагинамас, ёшлиги қамоқ ва сургунда хазон этилган Усмон Носир, машъум қатағонда қатл қилинган миллат ойдинлари, жадидларимиз, давлат арбоблари учун ҳам кўзёш тўкаётгандек туюлади.

Хонгирей номи ўзбек адабиётига ҳам бегона эмас. Ёзувчи Тоҳир Маликнинг “Шайтанат” романи персонажи – ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари Масковда фаолият олиб борган жиноий тўда раҳбари ўзига шу лақабни олади.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган Хонгирей эса 1930-йилларда репрессия тузоғига илинган қримтатар князидир. Унинг тақдири ҳам давр ва тузум эврилишига шоҳид бўлган юз минглаб замондошлариники каби ғоятда чигал, чалкаш. “Тақдиру тасодифлар шамоли” (адабиётшунос Баҳодир Карим таъбири) бир-бири билан учрашмоғи душвор бўлган кишиларни юзма-юз қилади, бири бошқасининг тақдирига ё ижобий, ё салбий йўсинда таъсир кўрсатади. Алҳол,

"Тоғ тоғ билан учрашмайди, одам одам билан учрашади" деганлари рост.

Рус ёзувчиси Варлам Шаламовнинг "Хан-Гирей" ҳикоясини мутолаа қилганимдан кейин (*"Рукописи не горят". Из антологии русской прозы XX века. Москва, "Молодая гвардия", 1990*) шу вақтгача юртимиз тарихининг энг қонли даврлари – хонликларнинг тугатилиши, миллий озодлик ҳамда жадидлик ҳаракатлари, қатағон даврига оид ўқиганларимдан қолган хотиралар худди оҳанрабо атрофига йиғилган маъдан парчалари каби бир жойга жам бўлди. Битикларимизда тадқиқот унсурлари оз-моз бўй кўрсатса-да, уни том маънода тарихшунослик деб даъво қилиш фикридан йироқмиз. Сираси, буни илмий асар сифатида эмас, балки бир адабиётчи ёзарманнинг қораламалари деб қабул қилинг, азиз муштарий. Ёзувчи Александр Дюма таъкидлаганидек, "Тарихий фактлар ўтмиш деворидаги михлардир ва мен уларга ўз суратларимни илиб чиқаман".

## Ғаройиб ва ғариб тақдир соҳиби

Шўро давлати 1930-йиллар қатағонигача ҳам "тозалаш" тадбирларини ўтказган, улардан омон чиққанлар ёки кичикроқ жазо билан қутулиб қолганлар "катта тозалаш"да барибир қатл машинаси домига тушган. Улуғ адибимиз Абдулла Қодирийнинг фожеий қисмати бунга мисол. Аслзода хонадон вакили Хонгирей (1882 – 1938) ҳам бир неча бор қатағонга учраган ғаройиб ва ғариб тақдир соҳибидир.



*"Александр Александрович Тамарин-Мирецкий аслида на Тамарин, на Мирецкий эди. У Николай Иккинчининг аъёнларидан ўтмиш татар князи Хонгирейдир. Генерал Корнилов 1917 йилнинг ёзида шоҳга тахтини қайтариб олиб бериш учун Петроградга юриш қилган чоғида Хонгирей ҳукмдорга ўта садоқатли Қофқоздаги ҳарбий қисмлар – Ёввойи дивизиянинг штаб бошлиғи эди. Корнилов Масков остонасида тор-мор қилингач, Хонгирей ғирт бекорчига айланди. Кейинроқ генерал Бурисиловнинг даъватига кўра Қизил армия сафига қўшилди ва қиличини кечагина дўст бўлган сафдошларига қаратди. Айни шу вақтда Хонгирей ғойиб бўлиб, ўрнида отлиқ кавалерия командири Тамарин пайдо бўлди. У фуқаролар урушида иштирок этди. Кейин эса ўзига бириктирилган ҳарбий қисм билан "босмачилар", Анвар пошога қарши жангларда мустақил равишда қатнашди. "Босмачилар" тор-мор этилади, деярли асирга олинган Анвар пошо эса қандайдир мўъжиза билан Бухоро яқинидаги қумли биёбонга қочиб кетади. Орадан бирмунча муддат ўтиб, яна ўз жангчилари билан муҳорабага кирган вақти ҳалок бўлади. Шу тариқа Совет Россиясига ғазовот эълон қилган истеъдодли сиёсатчи, лашкарбоши ҳаётига нуқта қўйилади.*

*Анвар пошо ва унинг шериклари ҳар тарафдан ўраб олинган вақти қочишга муваффақ бўлган эди. Бу ҳолат юзасидан ўтказилган тергов Тамаринни гумондор деб топди. У айбсизлигини исботлаб берган эса-да, барибир Анвар пошо кўзга*

*кўринган арбоб эди. Тамарин истеъфога жўнатилди, бугуни ва истиқболидаги жамики имтиёзлардан маҳрум оддий одамга айланди-қолди.*

*Кўчага қувилган Тамариннинг эски кўнгилочар машғулоти – адабиёт билан шуғулланишга вақти бисёр эди. Энди у Мирецкий тахаллуси остида газеталарда адабий эсселар чоп этиб тирикчилик юргиза бошлади.*

*Ҳаёти изга туша бошлаган паллада Анвар пошонинг қочишига доир тергов иши қайтадан кўрилди. Тамарин яна сўроққа тортилди. Айбини бўйнига олганида жазо енгилроқ бўлармиди... 1928 йили у уч йиллик қамоққа ҳукм қилинди...”* (В. Шаламовнинг “Хонгирей” ҳикоясидан)

Ёзувчи Варлам Шаламовнинг (1907 – 1982) ўзи ҳам икки марта қатағон қилинган, беш йил умри Шимолий Урал, ўн етти йиллик умри Колима лагерларида кечган. Адиб тутқунгоҳда Хонгирей билан учрашиб суҳбатлашади. Кейинроқ унга бағишлаб ҳикоя ёзади.

Қизиқ, қримлик Хонгирей ва истанбуллик Анвар пошо қачон, қаерда, қай тариқа учрашиб қолган?..

## Саркарда, ислоҳотчи, инқилобчи

Анвар пошо (1881 – 1922) – атоқли давлат арбоби, саркарда, “Ёш турклар” ҳаракати, “Иттиҳод ва тараққий” партияси раҳбарларидан бири. 1903 йили Истанбул Бош штаб академиясини тугатган. Усмоний давлатининг Берлиндаги элчихонасида ҳарбий атташе бўлиб ишлаган. 1908 йили Туркияда давлат тўнтаришига раҳбарлик қилган. Анвар пошо гарчи усмонийлар хонадонига куёв бўлса-да, султон Абулҳамид Иккинчи ҳокимиятини чеклаб қўяди. Султон расман давлат бошлиғи бўлса-да, мамлакатни уч-тўрт партиядан сайланган депутатлар мажлиси бошқарар эди. Буни Ислом оламидаги илк буржуа инқилоби деб аташ мумкин. Анвар пошо 1913 йили Талъат пошо, Жамол пошо каби обрўли ҳарбий саркардалар билан иттифоқ тузади. Мустафо Камол Отатурк (1881 – 1938) бошчилигидаги “Ҳуррият ва иттиҳод” партияси ҳукуматдан четлатилади. Триумвират (учлик) раҳбарлигини қўлга олган Анвар пошо Германия билан ҳарбий иттифоқ тузиш ва Биринчи жаҳон урушида қатнашиш ташаббускори бўлади.

Биринчи жаҳон урушида у усмонийлар давлатининг бош қўмондони, султоннинг ноиби сифатида армияга раҳбарлик қилади. Туркия урушда енгилгач, 1917 йили Камол Отатурк раҳбарлигида миллий озодлик инқилоби амалга оширилади. Уй қамоғига ҳукм қилинган султон Абдулҳамид 1918 йили вафодор хотини Мушфиқанинг қўлида вафот этади. Бу вақтда султоннинг оила аъзолари чет элга бадарға қилинган эди.

Анвар пошонинг давлат арбоби, моҳир сиёсатчи, иқтисодий ислоҳотчи ва султон оиласининг куёви сифатида Шарқу Ғарбда обрўси баланд эди. Туркистон мусулмонлари турк султони исмини билмаса ҳам Анвар пошо номини яхши билларди. Турк қўшини Болқон ярimoролидаги жангда ғалаба қозонганидан кейин кўпчилик туркистонликлар чор Русияси истибдодидан халос бўлишда Анвар пошо кўмагига умид қила бошлади. Ўша кезлар Анвар энг кўп қўйиладиган исмлардан бири эди. (Абдулла Қодирий ҳам “Меҳробдан чаён” романи қаҳрамонига Анвар номини беришда ўша анъанага суянган бўлса ажаб эмас.)

Сиёсий вазият ўзгариб, дўппи тор келиб қолгач, Анвар пошо Туркияни тарк этади. Аввал Озарбойжонга, у ердан Германияга йўл олади. Кейин давлат тўнтариши уюштирган инқилобчи, РСФСР Халқ нозирлари кенгаши раҳбари Владимир Ленин (Ульянов) билан учрашгани Россияга келади. Турк сиёсатдони шўро доҳийсини Ўрта Осиёда оддий халқ оқпошшо тарафдорларига қарши исён кўтаришига ишонтиради. Эллик ёшларга бориб қолган Ленин ўттиз олти ёшли Анвар пошони янги турк жумҳуриятидан экани, боз устига, ўзи каби Германиядан мусофирликдан қайтганини инобатга олиб, унга бино ва моддий кўмак ажратади.

1920-йилларнинг бошида "Ёш бухороликлар" ҳаракати раҳбари, йигирма тўрт ёшли Файзулла Хўжаев (1896 – 1938) Масковда яшаётган эди. Тақдири илоҳий Анвар пошо ва Файзулла Хўжа йўлини ҳам туташтирди.

## Дор остидан қайтиш

Файзулла Хўжаевга Масков ўз уйидай бўлиб қолган эди. У бу шаҳарга ўн бир ёшида келиб, кадетлар мактабига ўқишга киради. Отаси Убайдуллахўжа Масков дўконларига қоракўл тери етказиб берувчи бадавлат савдогар бўлиб, рус ва татарлардан таниш-билиши кўп эди. 1912 йили отасидан айрилган ўн олти ёшли Файзуллага жуда катта мерос қолади.

Ф. Хўжаевнинг савдогарзодадан инқилобчига эврилиш йўлини Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор "Бухоронинг жин кўчалари" асарида маромига етказиб тасвирлаган. Бухоро ва хорижий шаҳарлар орасида илм-маърифат, таълим ва шаҳарсозлик борасида фарқ-тафовутни кўрган ёш Файзулла қалбида юртни жаҳолатдан халос этиб, тараққий сари бошлаш орзуси алангаланади. У отамерос савдогарлик касбини шунчаки давом эттиришда маъни-мазмун кўрмайди. Сираси, бойлигини кўпайтиришдан кўра Алишер Навоий каби топганини эл-юрт фаровонлиги йўлида харжлаш, эзгу ишларга бош бўлиш иштиёқи ғолиб келади. Унинг катта орзуларидан бири – Бухородан Макка шаҳригача темир йўл қуриш эди.

Садриддин Айний (1878 – 1954) ва Туркияда ўқиб қайтган Абдурауф Фитрат (1886 – 1938) Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг сардорлари эди. Улар 1910-йилларда амирлик таълим ва судлов тизимини ислоҳ қилиш ташаббуси билан чиқади. Бухоро амирлиги чор Русияси ҳукми остида бўлган кезлар амир маъмурияти маърифатчи Аҳмад Дониш, унинг шогирдлари, кейинроқ пайдо бўлган жадидчилик ҳаракати аъзоларига кучли тазйиқ ўтказишдан чўчирди. 1917 йилги Октябрь инқилобидан кейин тузилган РСФСР ҳукумати Бухоро амирлигини мустақил давлат дея тан олиб, мустамлака мақомини бекор қилгач, Амир Олимхон "Ёш бухороликлар" ҳаракатига қақшатқич зарба беради. Хусусан, Садриддин Айний зиндонбанд этилади ва дарраланади. Бундан дарғазаб бўлган "Ёш бухороликлар" ҳаракати аъзолари амирликни тугатиб, дунёвий республика ўрнатиш ҳаракатига тушади. Шу вақтгача улар амир ҳукумати билан муроса қилса бўлади деган кайфиятда эди.

Ҳаракатнинг йигирма икки ёшли дангалчи ва бадавлат аъзоси Файзулла Хўжаев ташаббусни қўлига олиб, Тошкентдаги Совет Туркистони Халқ комиссарлари кенгаши раиси Фёдор Колесов билан учрашади ва ундан Амир Олимхонни тахтдан ағдаришда ёрдам сўрайди. 1918 йилнинг

мартида Тошкентдан Когон шаҳрига қизил аскарлар бўлинмаси етиб келади. Амирга истеъфо бериш талаб қилинган ультиматум юборилади. Аммо амир қўшини катта хунрезликни амалга оширади. "Ёш бухороликлар"нинг бир ярим минг нафари ҳалок бўлади, минглаб киши Бухорони ташлаб кетади. Амир Олимхон Ф. Хўжаев ва шерикларини тутиб, дорга осиш ҳақида фармон беради. Ф. Хўжаев бир неча сафдоши билан Россияга қочади. Масков йўлида уларни оқпошшо армияси атамани Александр Дутов қўлга тушириб, ўлимга ҳукм қилади. Ф. Хўжаев ва шериклари жонига Россиядаги туркчилик ҳаракати дарғаларидан бири, Бошқирдистон мухторияти идеологи Аҳмад Закий Валидий (1890 – 1970) ора кириб, уларни ўзи билан олиб кетади. Валидий бу вақтда большевиклар билан муросага келиб, ҳамкорлик қилаётган эди. Мажбурий мусофирот "Ёш бухороликлар" ҳаракати вакилларини большевиклар билан янада яқинлаштиради. Ф. Хўжаев икки йил мобайнида ташқи ишлар вазирлигида хизмат қилади, Ленин ва инқилобнинг бошқа йўлбошчилари билан танишади. 1920 йили Тошкентга қайтиб, "Ёш бухоролик инқилобчилар" партиясини бошқаради.

Оқпошшо зобитлари ва аскарлари Бухоро амири паноҳида жон сақлаётган эди. Афғонистондаги Англия элчихонаси билан алоқа йўлга қўйилган эди. Авомнинг Амир Олимхонга ихлоси ҳамон баланд бўлиб, улар "Ёш бухороликлар"га эргашишни истамасди. Шу сабаб Ф. Хўжаев бошчилигидаги ҳаракат фаоллари вақтинча коммунистлар либосини кийишга ҳам рози эди.

1920 йил 27 августда "Ёш бухороликлар" ҳаракати бошлаган инқилобга совет Туркистони ҳарбий бўлинмалари ҳам қўшилди. Бухоро аэропландан бомбаланиши оқибатида 1 сентябрда амир ва унинг аъёнлари Аркни ташлаб, жанубий сарҳадлар томон қочади. У кезлар ҳарбий ҳаво кучлари ҳал қилувчи аҳамият касб этмай, кўпроқ психологик таъсирга эга эди.

Бухоро асосан совет Россияси армияси босқини туфайли қўлга киритилганига қарамай, мустақил Бухоро Совет Халқ республикаси таъсис этилиб, Файзулла Хўжаев Халқ нозирлари кенгаши раиси, Абдурауф Фитрат таълим нозири лавозимини эгаллайди. Ёш республика таъсири унчалар катта эмас эди. Амир Олимхон ҳамон жанубий ҳудудларни ўз назоратида тутар, Сурхонда аскар тўплаб пойтахтга юриш қилишга шайланмоқда эди.

Анвар пошо туркчилик ғояси тарафдори экани аён бўлгач, Ленин асосий эътиборни Туркия раҳбари Мустафо Камол Отатуркка қаратади. Пошо эса имкон борида этакни йиғиштириб, Бухорога йўл олади. Ф. Хўжаев унга ҳарбий нозир лавозимини таклиф қилади. Бироқ жони жасадига сиғмаган саркарданинг нияти бундан-да каттароқ эди: Ироқдан то Хитойгача бўлган ҳудудларни ўз ичига олган туркий давлат тузиш! Анвар пошо Амир Олимхонга мактуб юбориб, Бухоро хазинаси ва ислом қўшинини ана шу улуғ мақсад йўлида сафарбар этиш, Туркистондаги ер ости ва усти бойликларини олмон мутахассисларини жалб қилиб қайта ишлаш, инглиз зобитларини маслаҳатчиликка ёллаб кучли армия тузиш режаларини баён қилади. Таклиф Амир Олимхонга ҳам маъқул келиб, уни "Ислом лашкари бош қўмондони" лавозимига тайинлаш орзусида эканини билдиради.

Ф. Хўжаев Анвар пошонинг сўрови билан Масковга Бухорода ўрнашган РСФСР

аскарларини олиб чиқиб кетиш талаб қилинган мактуб йўллайди. Бу масалада ўзаро ихтилоф бор эди. Заки Валидий бошчилигидаги "Миллий бирлик" тарафдорлари ва Бухоро Марказий ижроия қўмитаси раиси Усмонхўжа Пўлатхўжаев шўролар билан очиқ жанг қилиш йўлини танлайди. Ф. Хўжаев ва Фитрат тарафдорлари эса шўро тузуми доирасида миллий давлатчиликни маъқуллаpди.

Бухородан қизил армиячиларни олиб чиқиб кетиш талаби акс таъсир кўрсатиб, ўлкага қўшимча ҳарбий бўлинмалар ва ўқ-дори юборилади. Эллик ёшлардаги Хонгирей ҳам шу тариқа отлиқ гвардияси билан Бухорога келиб қолади.

## Ажал кўланкаси

Анвар пошо Бухородан Амир Олимхоннинг Сурхондаги лашкарига қўшилиш ниятида йўлга тушади. "Амирул-мўминин" унвонига мушарраф кўрилган Иброҳимбек уни дастлаб Бухоро Халқ республикаси юборган хуфия деган гумон билан ҳибсда сақлайди. Афғонистонда вақтинча бошпана топган Амир Олимхондан келган номада пошога бемалол ишониш мумкинлиги баён қилинган эди.

Анвар пошо Иброҳимбекка ҳарбий маслаҳатчилик қилади, қизиллар билан бўлган бир қатор жангларда ғалаба қозонади. Шўро ҳукумати Анвар пошони қўлга тушириш учун қўшимча куч жўнатишга, муқофот таъсис этишга мажбур бўлади.

Ғаним билан жанглардан бирида катта талафот кўрган ислом лашкари тоғ орасига кириб жон сақлайди. Қамалда қолган Анвар пошо рақиб бўлинма командири Хонгирей билан музокара олиб бориб, муқаррар асирликдан қочишга муваффақ бўлади. Оқибатда, мақола аввалида баён қилганимиздек, Хонгирей ҳарбий унвонлардан маҳрум этилиб, истеъфога чиқарилади.

Йиқилиб курашга тўймаган Анвар пошо яна Сурхон тоғларида беркиниб юрган мусулмон қўшини сафига қайтиб, тарғибот ишларини кучайтиради. Фарғонадаги Шермуҳаммад қўрбоши, Хивадаги Жунаидхон билан яқин алоқа ўрнатиб аскар сонини йигирма мингга етказади. Афғонистон ҳукумати ва Англия элчихонаси Амир Олимхон қўлидаги Бухоро хазинаси эвазига қурол-аслаҳа етказиб туради.

1922 йилги жангларда Қизил армиянинг қўли баланд келади. Анвар пошо шу йил 4 августда Балжувондаги (Тожикистон Республикаси ҳудудидаги қишлоқ) тўқнашувда ҳалок бўлади. Ислом лашкари кичик гуруҳларга бўлинганча тарқаб кетади.

1924 йили янги ташкил этилган Ўзбекистон ССР раҳбарлигига Файзулла Хўжаев тасдиқланади. Турк шоири ва маърифатпарвари Тавфиқ Фикратнинг "Нечун йўлнинг сўнгида жарлик?!." деган сатри бор. Бу мисра мақоламиз қаҳрамони бўлган уч тарихий шахсга ҳам тааллуқлидек. 1937 йилнинг кузагида Иттифоқ бўйлаб қатағон машинаси ишга тушади. Дастлаб олий рутбадаги раҳбарлар, кейин ўрта ҳалқадагилар, кейин қуйидагилар жазоланади. Ф. Хўжаев 1937 йил 9 июль куни аксилшўро фаолиятда айбланиб қамоққа олинади. У 1938 йил 12 март куни бўлиб ўтган суд мажлисида, сўнгги сўзида бундай дейди: "Биз тарихга бирор бир эзгу ишимиз билан кира олишимизга кўзим етмай қолди". Бу сўзларда ҳақиқат устунмиди ёки заҳарханда – унинг ўзигагина маълум. Ф. Хўжаев уч кундан сўнг "халқ душмани" деб топилган собиқ катта ман-

сабдорлар – Николай Бухарин, Алексей Риков, Генрих Ягода, Акмал Икромов қатори отиб ташланади...

“Менга қўйилган айбларни бошдан-оёқ рад этаман. Ҳақиқат йўлида ҳеч қандай жазодан, қийноқдан қўрқмайман. Агар отмоқчи бўлсалар, кўкрагимни кериб тураман...” – булар Абдулла Қодирийнинг ўлим арафаси, терговда айтган сўнгги сўзлари...

## Қафас аҳли ҳур яшай олурми?

Қатағон даврида отувга ҳукм қилинганларнинг аксари ўрта ёки кекса ёшдагилар бўлган. Ёш, кучга тўлган маҳбуслар умрбод ёки узоқ муддат қамоққа ҳукм қилинган. Албатта, бу борада истиснолар ҳам бор. Қаҳрамонимиз Тамарин кексайиб қолгани ва боғбонлик салоҳияти ҳисобга олиниб, қамоқхонага ажратилган ерларда деҳқончилик ишига раҳбар қилиб қўйилади. Қрим – атиргуллар ватани. Хонгирей ҳам ёшлигидан атиргул ўстиришнинг ҳадисини олган эди. Николай Иккинчи армиясида хизмат тугаб, пенсия ёшига етаётган аслзода князь кексалик даврида атиргулларнинг янги навларини етиштириш, Рим шоири Вергилий ижодини тадқиқ қилишни режалаштириб турганида кўз кўриб қулоқ эшитмаган ҳодисалар рўй берди: жаҳон муҳорабаси, оқпошшонинг тахтдан воз кечиши, Ленин бошчилигида йўқсилларнинг давлат тўнтариши, фуқаролар уруши, Ўрта Осиёда маҳаллий аҳолининг қўзғолонлари... Хонгирей озодликда тополмаган осудаликни қамоқхонада топади. Аммо у антик адабиёт тадқиқини четга суриб, агрономликка доир китобларни ўқишга берилади. Тутқунгоҳ иссиқхонасида сабзавотлар қаторида атиргуллар етиштиришни йўлга қўяди – қамоқхона бошлиғи бўлмиш ўттиз ёшлардаги Эдуард Берзиннинг столига ҳар куни янги очилган атиргул етказиб турарди.

Чор офицери бўлган Э. Берзин йигирма тўрт ёшида ҳаётини бутунлай бошқа изга буриб юборган ишга қўл уради. 1918 йили пойтахт Петроградда Буюк Британия, Франция ва АҚШ элчилари рус аксилинқилобчилари билан келишиб фитна ҳозирлайди. Аксилинқилобчилар сафида бўлган Э. Берзин бу ҳақда шўро ҳукуматига – Бутунроссия Фавқулодда ишлар қўмитасига чақув-маълумотнома етказади. Элчилар Россиядан чиқариб юборилади, фитна иштирокчилари қамоққа олинади. Берзин эса чекистлик ишига олиниб, лавозим зиналаридан кўтарила боради.

1930-йиллар бошида хориж матбуотида Анвар пошонинг мемуарлари чоп қилинади. Хотираларда Хонгирей зикр қилинмаган бўлса-да, китобга сўзбоши ёзган турк ҳарбийси Анвар пошонинг қизиллар қўлидан қутулишида унинг ҳиссаси борлиги, икковлон Николай давридаёқ мактуб ёзишиб турганини қистириб ўтган экан. Тамариннинг уч йиллик қамоқ муддати ўн йилга кўпайтирилиб, олис Колимага – олтин конлари очилган совуқ ўлкадаги қамоқхонага жўнатилади. Шу вақтда Э. Берзин ҳам ўша қамоқхоналар бошлиғи этиб тайинланади. Эски танишлар.

*“Колимада олтин борлиги эскидан маълум эди. Аммо бирор ҳукмдор олтмиш даражага етадиган совуқ иқлимда маҳбусларнинг оғир меҳнати эвазига олтин қазиб олишни хаёлига ҳам келтирмаган эди. Бунга фақат Сталин қўл урди...”* (“Хонгирей” ҳикоясидан)

Охота денгизи қирғоғидаги Магадан шаҳрига кемалар ҳар ҳафта юзлаб маҳбусларни етказиб келарди. Олтин конлари

материкнинг тўрт-беш юз километр ичкарисида, Шимолий муз океанига қараб оқадиган Колима дарёси бўйидаги Таскан водийсида эди. АҚШнинг Аляскасида бундан эллик йиллар бурун авж олган "олтин жазаваси" энди Колима соҳилига етиб келган эди...

Таскан водийсида ишга яроқсиз бўлиб қолган маҳкумлар иссиқхона қуришга сафарбар қилинади. Уч ойгина давом этадиган қорсиз мавсумда сабзавот ва атиргул етиштириш қамоқхона бошлиғи Берзин ва кекса агрономнинг эҳтиросли машғулотига айланиб қолган эди. Тамарин ўжар шимол иқлимига мослашган карам, ошқовоқ ва картошка навларини яратди. Маҳкум ҳолида Узоқ Шарқ Фанлар академиясининг Колимадаги бўлимини бошқарар, Владивосток, ҳатто Масковга бориб маъруза ўқиб келарди.

*"Бир йилдан кейин лагерлар Колимаси биринчи тонна олтинни қазиб олди. 1935 йили Берзин Ленин ордени билан тақдирланди. Селекционер Тамариннинг фидокорона меҳнатлари муносиб баҳоланиб, унга қўйилган айблар бекор қилинди ва озодликка йўл очилди. Аммо Тамариннинг иссиқхоналар хўжалигини бошқаришдан воз кечгиси йўқ эди. Бу ерларга ўрганиб қолган, ёши етмишга қараб кетаётган эди"* ("Хонгирей"дан).

Мирзо Абдулқодир Бедил ёзганидек, *"Бу жаҳонда йўқ бўлиш ҳар кимсани хомуш қилур / Ким, қафас аҳлин яшашга беқафас имкони йўқ".*

Ёш маҳбуслар меҳнатидан фойдаланиш уларни отиб ташлашдан кўра фойдалироқ экани амалда исботланди. Колима нафақат олтин, бошқа рангли металларга ҳам бой ўлка эди. Тайгада дарахт кесиш, конларга элтувчи темир йўллар ётқизишга ҳам текин ишчи кучи керак бўларди. Шўро давлати навбатдаги катта қатағонга ҳозирлик кўраётган эди.

*"1937 йилнинг ноябрида Колима қамоқхоналари бошлиғи Берзинга меҳнат таътили берилди. Берзин йўлда ҳамроҳлик қилиши учун кекса Тамаринни ўзи билан олиб кетди. Тунда Масковга яқинлашган поезд Александровкада тўхтади. Берзин нимадир харид қилгани перронга тушиб кетганча вагонга қайтмади. Қирқ икки ёшли Берзин перроннинг ўзида ҳибсга олинганди. Бундан ўн тўққиз йиллар бурун, 1918 йилда махфий тарзда тайёрланган ва Берзин туфайли фош этилган чет эл элчилари фитнаси бўлмиш "Локкарт иши" ҳақида хорижда нашр этилган мемуаристик очеркларда Берзин энг фаол иштирокчи сифатида эсланган экан"* ("Хонгирей"дан).

Буни ўзига хос қасос усули дейиш мумкин. Хориж матбуотидаги мақолаларга шўроларнинг кўзга кўринган арбоблари номи тиркаб қўйилса бас – чекистлар пашшадан фил ясаганча ўша шахсни қамоққа тиқарди. Бундай "хўрак" текин ишчи кучига эҳтиёжманд шўро ҳукуматига ҳам керакдай эди.

Ўз даврида юзлаб "халқ душманлари"-ни қамоққа тиққан, отилиб кетишига сабабчи бўлган Берзиннинг ўзи улардан бирига айланди.

Ҳомийсидан айрилган кекса агрономни янги Масковда деярли ҳеч ким танимас эди. Колимада дуруст эди: мунтазам маош, ҳурмат-эҳтиром... Олтмиш беш ёшда қариб-чуриб қолган Тамарин ўзини Колимага жўнатишларини сўраб кўплаб идораларга арздод қилиб борди. Телбавор чолнинг сўзига ким ҳам қулоқ осарди?! Бу вақтда фашистлар Германияси Иккинчи жаҳон урушини бошлашга зимдан ҳозирлик кўраётган эди...

материкнинг тўрт-беш юз километр ичкарисида, Шимолий муз океанига қараб оқадиган Колима дарёси бўйидаги Таскан водийсида эди. АҚШнинг Аляскасида бундан эллик йиллар бурун авж олган "олтин жазаваси" энди Колима соҳилига етиб келган эди...

Таскан водийсида ишга яроқсиз бўлиб қолган маҳкумлар иссиқхона қуришга сафарбар қилинади. Уч ойгина давом этадиган қорсиз мавсумда сабзавот ва атиргул етиштириш қамоқхона бошлиғи Берзин ва кекса агрономнинг эҳтиросли машғулотига айланиб қолган эди. Тамарин ўжар шимол иқлимига мослашган карам, ошқовоқ ва картошка навларини яратди. Маҳкум ҳолида Узоқ Шарқ Фанлар академиясининг Колимадаги бўлимини бошқарар, Владивосток, ҳатто Масковга бориб маъруза ўқиб келарди.

*"Бир йилдан кейин лагерлар Колимаси биринчи тонна олтинни қазиб олди. 1935 йили Берзин Ленин ордени билан тақдирланди. Селекционер Тамариннинг фидокорона меҳнатлари муносиб баҳоланиб, унга қўйилган айблар бекор қилинди ва озодликка йўл очилди. Аммо Тамариннинг иссиқхоналар хўжалигини бошқаришдан воз кечгиси йўқ эди. Бу ерларга ўрганиб қолган, ёши етмишга қараб кетаётган эди"* ("Хонгирей"дан).

Мирзо Абдулқодир Бедил ёзганидек, *"Бу жаҳонда йўқ бўлиш ҳар кимсани хомуш қилур / Ким, қафас аҳлин яшашга беқафас имкони йўқ"*.

Ёш маҳбуслар меҳнатидан фойдаланиш уларни отиб ташлашдан кўра фойдалироқ экани амалда исботланди. Колима нафақат олтин, бошқа рангли металларга ҳам бой ўлка эди. Тайгада дарахт кесиш, конларга элтувчи темир йўллар ёткизишга ҳам текин ишчи кучи керак бўларди. Шўро давлати навбатдаги катта қатағонга ҳозирлик кўраётган эди.

*"1937 йилнинг ноябрида Колима қамоқхоналари бошлиғи Берзинга меҳнат таътили берилди. Берзин йўлда ҳамроҳлик қилиши учун кекса Тамаринни ўзи билан олиб кетди. Тунда Масковга яқинлашган поезд Александровкада тўхтади. Берзин нимадир харид қилгани перронга тушиб кетганча вагонга қайтмади. Қирқ икки ёшли Берзин перроннинг ўзида ҳибсга олинганди. Бундан ўн тўққиз йиллар бурун, 1918 йилда махфий тарзда тайёрланган ва Берзин туфайли фош этилган чет эл элчилари фитнаси бўлмиш "Локкарт иши" ҳақида хорижда нашр этилган мемуаристик очеркларда Берзин энг фаол иштирокчи сифатида эсланган экан"* ("Хонгирей"дан).

Буни ўзига хос қасос усули дейиш мумкин. Хориж матбуотидаги мақолаларга шўроларнинг кўзга кўринган арбоблари номи тиркаб қўйилса бас – чекистлар пашшадан фил ясаганча ўша шахсни қамоққа тиқарди. Бундай "хўрак" текин ишчи кучига эҳтиёжманд шўро ҳукуматига ҳам керакдай эди.

Ўз даврида юзлаб "халқ душманлари"ни қамоққа тиққан, отилиб кетишига сабабчи бўлган Берзиннинг ўзи улардан бирига айланди.

Ҳомийсидан айрилган кекса агрономни янги Масковда деярли ҳеч ким танимас эди. Колимада дуруст эди: мунтазам маош, ҳурмат-эҳтиром... Олтмиш беш ёшда қариб-чуриб қолган Тамарин ўзини Колимага жўнатишларини сўраб кўплаб идораларга арздод қилиб борди. Телбавор чолнинг сўзига ким ҳам қулоқ осарди?! Бу вақтда фашистлар Германияси Иккинчи жаҳон урушини бошлашга зимдан ҳозирлик кўраётган эди...



Жаъфар ХОЛМЎМИНОВ
Шерали ТУРСУНОВ

# SAYYIDI SIRDON

## Мавлоно Румийнинг термизлик устози

Тасаввуф таълимоти нафақат илоҳиётшунослик ва ислом ҳуқуқшунослиги, фалсафа ва ахлоқ, тилшунослик ва адабиётшунослик, психология ва тарих каби илмларни бойитишга хизмат қилган, балки таълим-тарбия соҳасида “Муршид ва мурид одоби” мактабини, бугунги таъбир билан айтганда, “Устоз ва шогирд этикаси” анъанасини ҳам шакллантирган. Барча ирфоний мактабларнинг таълим усули, яъни тариқат асосчилари ҳамда пешволаридан мерос сифатида етиб келган илоҳий билимлар ва тариқат одобини кейинги авлодга етказиш, шу орқали силсила давомийлигини таъминлаш тартиби мазкур анъана асосида шаклланган. Тасаввуф тарихидаги ана шундай занжирли устоз-шогирд анъанасининг ёрқин намуналарини Баҳоуддин Валад (Мавлоно Жалолиддин Румийнинг падари бузруквори) – Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизий (Баҳоуддин Валаднинг шогирди, Румийнинг устози) – Мавлоно Жалолиддин Румий – Султон Валад (Румийнинг фарзанди, шогирди ва тариқатининг давомчиси); Шамс Табризий – Мавлоно Жалолиддин Румий; Хожа Баҳоуддин Нақшбанд – Хожа Муҳаммад Порсо Бухорий; Мавлоно Абдураҳмон Жомий – Амир Алишер Навоий муносабатларида кўрамиз.

Шамс Табризий ва Жалолиддин Румий тўғрисида нафақат уларнинг замондошлари ва кейинги давр тазкирачи, та-

рихчиларининг битикларида, ҳозирги давр тадқиқотчилари асарларида ҳам ҳайрат ва муҳаббат билан ёзилади. Бу сирада эронлик олимлар Абдулҳусайн Зарринкўб, Муҳаммад Истеъломий, Тақий Пурномдориён, Амир Қизилжи, Атоуллоҳ Тадайюн, турк олими Абдулбоқи Гулпинарлининг тадқиқот, мақола ва китобларини зикр этиш мумкин.

Ўзбекистонда бу борадаги илк мақолани таниқли шоир ва таржимон Асқар Маҳкам ёзган эди. Унинг "Шамс ва Мавлоно" *("Сино", 2003, 12-сон)* номли мўъжазгина мақоласи илмий услубдан узоқ бўлса-да, аммо таъсирли ва мароқли эди.

Орадан йиллар ўтиб, олим ва адиб Маъруфжон Йўлдошев "Шамс ила Мавлоно" бадиасини чоп этди *("Тафаккур", 2023, 2-сон)*. Бадиий услубда ёзилган асарда икки улуғ зот ҳақидаги ривоятлар, тарихий маълумотлар ҳам ўрин олган. Бу икки мақола ўзбек китобхонлари ва айниқса, Румий тафаккур оламининг мухлисларида устоз – шогирдлик, маслакдошлик муносабатларига оид тасаввурларни бойитди.

Мавлоно Жалолиддин Румийнинг дунёқараши ўта кенг эди. Балоғатли илм йиллар давомида устозлардан олинган сабоқлару Қуръони карим ва Ҳадиси шариф, шунингдек, фиқҳ, тафсир, калом, фалсафа, мантиқ, ахлоқ, тарих ва адабиётга оид юзлаб китоблар мутолааси, тафаккуру тадаббур натижасида ҳосил бўлган. Мутафаккирнинг дунёқарашини чуқурроқ тадқиқ этиш учун унинг устозлари илмий салоҳиятидан хабардор бўлмоқ лозим. Жумладан, Жалолиддин Муҳаммадга болалигидан таълим-тарбия берган, тасаввуф илмининг сир-асрорларини назарий жиҳатдан ўргатган устози Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизийнинг ҳаёти ва илмий меросини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга.

Муҳаққиқ Термизий номи ва мероси узоқ даврлар мобайнида Марказий Осиё илмий тадқиқот марказлари эътиборидан четда қолган эди. Шўро тузуми ислом маърифати билан боғлиқ буюк сиймолар меросини ўрганишга тақиқ қўйгани маълум. Ўзбекистонда Муҳаққиқ Термизийга оид илк маълумотлар 2000 йилдан илмий нашрлар ва матбуот саҳифаларида кўрина бошлади. Аммо алломa ҳаёти ва илмий мероси ҳақида шу вақтгача эълон қилинган маълумотлар мухтасар ахборот характерига эга бўлиб, асл манбаларга бевосита мурожаат қилинмаган. Жумладан, исломшунос олим Жўрабек Чўтматов Термизий алломалар ҳақидаги қимматли монографиясида бундай ёзади: "Кўня сафаридан сўнг Бурҳониддин Термизий Қайсарияга ўтди ва кичик бир ҳужрада истиқомат қилди. Салжуқийлар волийси Шамсиддин Исфаҳоний у зотга мурид бўлди. У зотнинг доимий жазба, важд ва истиғроқ ҳолатида яшаганлари айтилади. Вафоти борасида икки хил сана келтирилади: бири 638 / 1240, бошқаси 674 / 1275. Қабр тошларининг устига 561 – 638 / 1165 – 1240 саналари битилган" *(Чўтматов Ж. Термизнинг безавол қалъалари ёхуд Термиз тарихи. Тошкент, "Yangi nashr", 2017. 313-бет)*.

"Термиз тазкираси"да ҳам Муҳаққиқ Термизийга доир маълумотлар ва манбалар ўрин олган *(Кенжабек М. Термиз тазкираси. Тошкент, "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти, 2001. 56 – 64-бетлар)*. Ушбу сиймо ҳақида олим Б. Муртазоев келтирган маълумотлар ҳам аҳамиятга молик *(Муртазоев Б. Саййид Бурҳониддин Термизий. "Til va adabiyot ta'limi", 2002, 5-сон. 88 – 91-бетлар)*.

рихчиларининг битикларида, ҳозирги давр тадқиқотчилари асарларида ҳам ҳайрат ва муҳаббат билан ёзилади. Бу сирада эронлик олимлар Абдулҳусайн Зарринкўб, Муҳаммад Истеъломий, Тақий Пурномдориён, Амир Қизилжи, Атоуллоҳ Тадайюн, турк олими Абдулбоқи Гулпинарлининг тадқиқот, мақола ва китобларини зикр этиш мумкин.

Ўзбекистонда бу борадаги илк мақолани таниқли шоир ва таржимон Асқар Маҳкам ёзган эди. Унинг "Шамс ва Мавлоно" *("Сино", 2003, 12-сон)* номли мўъжазгина мақоласи илмий услубдан узоқ бўлса-да, аммо таъсирли ва мароқли эди.

Орадан йиллар ўтиб, олим ва адиб Маъруфжон Йўлдошев "Шамс ила Мавлоно" бадиасини чоп этди *("Тафаккур", 2023, 2-сон)*. Бадиий услубда ёзилган асарда икки улуғ зот ҳақидаги ривоятлар, тарихий маълумотлар ҳам ўрин олган. Бу икки мақола ўзбек китобхонлари ва айниқса, Румий тафаккур оламининг мухлисларида устоз – шогирдлик, маслакдошлик муносабатларига оид тасаввурларни бойитди.

Мавлоно Жалолиддин Румийнинг дунёқараши ўта кенг эди. Балоғатли илм йиллар давомида устозлардан олинган сабоқлару Қуръони карим ва Ҳадиси шариф, шунингдек, фиқҳ, тафсир, калом, фалсафа, мантиқ, ахлоқ, тарих ва адабиётга оид юзлаб китоблар мутолааси, тафаккуру тадаббур натижасида ҳосил бўлган. Мутафаккирнинг дунёқарашини чуқурроқ тадқиқ этиш учун унинг устозлари илмий салоҳиятидан хабардор бўлмоқ лозим. Жумладан, Жалолиддин Муҳаммадга болалигидан таълим-тарбия берган, тасаввуф илмининг сир-асрорларини назарий жиҳатдан ўргатган устози Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизийнинг ҳаёти ва илмий меросини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга.

Муҳаққиқ Термизий номи ва мероси узоқ даврлар мобайнида Марказий Осиё илмий тадқиқот марказлари эътиборидан четда қолган эди. Шўро тузуми ислом маърифати билан боғлиқ буюк сиймолар меросини ўрганишга тақиқ қўйгани маълум. Ўзбекистонда Муҳаққиқ Термизийга оид илк маълумотлар 2000 йилдан илмий нашрлар ва матбуот саҳифаларида кўрина бошлади. Аммо алломa ҳаёти ва илмий мероси ҳақида шу вақтгача эълон қилинган маълумотлар мухтасар ахборот характерига эга бўлиб, асл манбаларга бевосита мурожаат қилинмаган. Жумладан, исломшунос олим Жўрабек Чўтматов Термизий алломалар ҳақидаги қимматли монографиясида бундай ёзади: "Қўня сафаридан сўнг Бурҳониддин Термизий Қайсарияга ўтди ва кичик бир ҳужрада истиқомат қилди. Салжуқийлар волийси Шамсиддин Исфаҳоний у зотга мурид бўлди. У зотнинг доимий жазба, важд ва истиғроқ ҳолатида яшаганлари айтилади. Вафоти борасида икки хил сана келтирилади: бири 638 / 1240, бошқаси 674 / 1275. Қабр тошларининг устига 561 – 638 / 1165 – 1240 саналари битилган" *(Чўтматов Ж. Термизнинг безавол қалъалари ёхуд Термиз тарихи. Тошкент, "Yangi nashr", 2017. 313-бет)*.

"Термиз тазкираси"да ҳам Муҳаққиқ Термизийга доир маълумотлар ва манбалар ўрин олган *(Кенжабек М. Термиз тазкираси. Тошкент, "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти, 2001. 56 – 64-бетлар)*. Ушбу сиймо ҳақида олим Б. Муртазоев келтирган маълумотлар ҳам аҳамиятга молик *(Муртазоев Б. Саййид Бурҳониддин Термизий. "Til va adabiyot ta'limi", 2002, 5-сон. 88 – 91-бетлар)*.

XIII асрнинг улуғ амалиётчи сўфийларидан бири бўлган Муҳаққиқ Термизий “Саййиди сирдон” (сирларни билгувчи Саййид) лақаби билан машҳур бўлган. Унинг ҳаёт йўли султон ул-уламо, улуғ фақиҳ ва мутасаввиф олим, Имом Аҳмад Ғаззолий силсиласининг давомчиси Баҳоуддин Валад ва унинг фарзанди – буюк мутасаввиф ва мутафаккир шоир Мавлоно Жалолиддин Румийнинг ҳаёт йўли билан чамбарчас боғланиб кетган. Саййид Бурҳониддин Баҳоуддин Валаднинг энг пешқадам шогирди ҳамда Румийнинг тасаввуф илми бўйича илк устози эди. Шу боис унинг илмий мероси ва фалсафий-ирфоний қарашларини Баҳоуддин Валад ва Мавлоно Румий ҳаёти, ижодини ўрганмасдан туриб тадқиқ этиш амримаҳол. Алишер Навоий бундай ёзади: “Ҳусайний саййиддур ва Тирмиздин эрди ва Шайх Баҳоуддин Валаднинг (қ.с.) асҳоби ва муридларидиндур. У хавотирға ишрофи (яъни ички ўй-хаёлларнинг баъзисини фаросат билан сезиши) жиҳатидин Саййиди сирдон номи билан машҳурдур. Ул кунки (Жалолиддин Румийнинг отаси) Шайх Баҳоуддин Валад оламдин ўтти, Саййид Тирмизда ўлтуруб эрди. Дедики, шайхим ва устодим ҳазратлари дунёдин риҳлат қилдилар. Ва неча кундин сўнгра Мавлоно Жалолуддин тарбияти учун Кўняға мутаважжиҳ бўлди. Ва Мавлоно Жалолуддин ҳазратлари тўққиз йилғача алар хидматларида бўлуб, иршодлар кўруб тарбият топтилар. Дебдурларки, чун Шайх Шиҳобуддин Суҳравардий Румға келди. Саййид ҳазратларини кўргали борди. Саййид кул устига ўлтуруб эрди, ўрнидин тебранмади. Шайх йироқдин таъзим қилди ва ўлтурди, ҳеч воқеъ бўлмади. Муридлар сукут мужибин (сабабин) сўрдилар. Шайх дедики, ҳол аҳли била сўзлашурға ҳол тили керак, йўққи (кифоя қилмаски) қол тили! Муридлар сўрдиларки, Саййидни нечук топтингиз? Шайх деди: дарёе топтуқ, маввожи маоний дурларидин ва Муҳаммад ҳақоиқидин бағоят ошкор ва асру яшурун. Шайх Салоҳуддин (ушбу) Саййиднинг муридларидиндур. Саййид дерлар эрмишки, ҳолимни Шайх Салоҳуддинға бағишладим ва қолимни Мавлоноға. Ва Саййиднинг мутаббарик мазори Қайсариядадур. (Унга ва барча солиҳ бандаларга Оллоҳнинг саломи ва раҳмати бўлсин!)” *(Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Тошкент, “Фан”, 2001. 318 – 328-бетлар).*

Баҳоуддин Валад ҳижрий 628 йили (1232) Кўняда вафот этди. Жалолиддин Муҳаммад ўшанда йигирма тўрт яшар йигит эди. Султон ул-уламонинг ўрнини боса оладиган пешво устида сўз юритилар экан, “барчанинг кўзи Мавлонога қадалди. Баҳоваладнинг ўзи ҳам “Мендан кейин бу мақом Худовандгор Жалолиддин Муҳаммадга лойиқдир”, дерди. Бу гап муридларга ҳам мақбул эди. Боз устига салжуқийлар ҳукмдори Алоуддин Кайқубод ҳам шуни хоҳларди. Шу тариқа Мавлоно йигирма тўрт ёшида муфтий ва фақиҳ бўлди, мударрислик курсисига ўтирди. У отасининг мактабида илоҳий ва мажозий муҳаббат дарсини олган бўлса-да, бир мударрис эди, маъно аҳлининг асрорини ошиқ орифлар тилида баён қилишни хоҳламасди. Аммо бу фақиҳона сиймо замирида туғёну тўфонлардан ҳам кучлироқ бир шахс яширинган, ул “гўзал паричеҳра” зарурат юзасидан парда ортини ихтиёр этган эди. Бу ҳол Бурҳониддин Муҳаққиқ уни янги олам билан ошно этгунча давом этди *(Муҳаммад Истеъломий. Жалолиддин Румий ҳақида. “Маснавий”га муқаддима. Форс тилидан Жаъфар Муҳаммад таржимаси. Теҳрон,*

*"Islamic Thought Foundation", 2000. 15-бет).* Ота ўғлининг ўз ўрнини эгаллаши, мажлисларда ваъз ўқиб, фатво бериш усулларини ўрганишини истар, бу борада унга васият қилган эди. Шундай ҳам бўлди...

Бурҳониддин Термизийдан тасаввуф сир-асрорига оид "Маориф" номли форсча асар қолган бўлиб, у Эронда 1960 йилда тасаввуфшунос олим Бадеъуззамон Фурўзонфар томонидан тадқиқий нашр этилган. 1972 йилда Абдулбоқи Гулпинарли, 1995 йилда Али Ризо Карабулут томонидан турк тилига таржима этилган. Али Ризо Карабулут кириш қисмда асар мазмуни, қўлёзмалари ва нашри ҳақида маълумот берган, Бурҳониддин Термизий сўзлари, шеърларини истифода этган олим ва шоирларнинг номларини ҳам тўлиқ келтирган. Улар орасида термизийлардан Абу Бакр Варроқ, Муҳаммад ибн Ҳомид ва Муҳаммад Ҳаким Термизий бор *(қаранг: Seyyid Burhaneddin Tirmizî. Maârif. Ali Riza Karabulut tercümesi. 1995).*

"Маориф" асари Муҳаққиқ Термизийга мансублиги баъзи олимларда шубҳа уйғотган. Жумладан, "Маснавийи маънавий" асарининг энг яхши илмий нашрларидан бирини тайёрлаган олим Муҳаммад Истеъломий румийшунос олим Бадеъуззамон Фурўзонфарнинг бу борадаги шубҳасига таяниб бундай ёзади: "Мавлоно унинг ҳужрасидан пароканда ёзувларни топиб ўзи билан Кўнияга олиб келди. Эҳтимол, бу кейинчалик бошқа бир Бурҳоннинг сўзлари билан қўшилиб, "Маорифи Бурҳон Муҳаққиқ" номи билан маъруф бўлган асардир".

Бизнингча, бу шубҳа ўринли эмас. Биринчидан, "Маориф" номли тасаввуфий асар ёзиш Баҳоуддин Валад мактабида урф бўлган ва бу анъанани унинг ўзи бошлаб берган. Иккинчидан, Муҳаққиқ Термизий Баҳоуддин Валаднинг пешқадам шогирдларидан ва табиийки, унинг қарашларида устозининг қарашлари ҳам ўз аксини топган. Бу ҳолатни Муҳаққиқ Термизий "Маориф"ида кузатиш мумкин. Учинчидан, Баҳоуддин Валад теграсидаги шахслар орасида яна бир "Бурҳон" ё "Бурҳониддин" исмли мутасаввиф бўлгани ҳақида манбаларда маълумот учрайди.

Термизий мероси ва фалсафий-ирфоний дунёқараши ҳақида маълумот берадиган тарихий, адабий манбалар саноқли. Буларга Мавлоно ҳақидаги илк маноқиб – Фаридун ибн Аҳмад Сипаҳсолорнинг "Рисолаи Сипаҳсолор ба маноқиби Худовандгор" асари, Шамсиддин Аҳмад Афлокий Орифийнинг "Маноқиб ул-орифин"и ҳамда кейинги даврда ёзилган "Тазкират уш-шуаро" (Давлатшоҳ Самарқандий) тазкирасини киритиш мумкин. Румийнинг "Маснавийи маънавий", "Девони кабир" ва "Фиҳи мо фиҳи", Румийнинг ўғли Султон Валаднинг "Валаднома" ("Ибтидонома") каби асарларида ҳам Термизийга оид ишоралар мавжуд.

"Маноқиб ул-орифин" – Румийнинг ирфоний мақом ва мартабаси ҳақида тарихий-бадиий услубда форс-тожик тилида битилган насрий биографик асардир. Афлокий уни Мавлоно вафотидан саксон йил ўтгандан сўнг, яъни ҳ.қ. 761 / м. 1360 йилда ёзган. Биринчи жилднинг иккинчи фасли "Ҳазрати Саййиди сирдон Бурҳон ул-Ҳаққ ва-д-дин ал-Ҳусайн ат-Термизий (Оллоҳ унинг руҳини азиз айласин) маноқибида" деб номланади. Муаллиф мазкур фаслни қуйидаги қимматли маълумотлар билан бошлайди: "Ҳазрати Саййид Хуросон мулкида ва Тирмизу Бухорою бошқа жойларда машҳур эди... У доимо ботин олами, сифлий ва улвий ғайбиётдан сўзларди".

Афлокийнинг ёзишича, Муҳаққиқ Термизий пири комили Баҳоуддин Валадга юксак ихлос ва муҳаббат қўйган, умрининг охиригача устози ва унинг хонадонига содиқ қолган. Шу боис бўлса керак, устозидан ўрганган ирфоний билимларни омонатдек сақлаб, кун келиб унинг фарзанди аржуманди Жалолиддинга етказишни фарзи айн деб билган. Шунинг учун у Кўняга, ёш Жалолиддин Муҳаммад дийдорига ошиқади. "Бурҳониддин келган пайтда Мавлоно Ларанда шаҳрида, қисқа муддатли хилватда ўтириб, оғир фикрий меҳнатдан бир оз фориғ бўлган ҳолда ўзига ёруғ йўл изларди. Ҳарҳолда, Бурҳониддиннинг мактублари Мавлонони Кўняга қайтарди. Бурҳон зукко ва ёқимтой гўдак ўрнида камолга етган донишмандни кўриб, мафтун бўлди" *(Муҳаммад Истеъломий. Жалолиддин Румий ҳақида. 16-бет).*

Афлокий ёзади: "Термиз улуғлари Ҳазрати Саййид фироқида оҳ-нолалар чекдилар. (Саййид Бурҳониддин) бир неча яқин дўсти билан йўлга чиқиб кўзлаган манзили сари ошиқарди. Кўния дорулмулкига етганида Шайхнинг оламдан ўтганига бир йил бўлган... эди. Ҳазрати Саййид бир неча ой давомида Санжорий масжидида эътикоф тутди. Сўнг Мавлонога турли ҳикматли маъно-мазмунларга тўла бир мактуб битиб, унда албатта унинг қайтиб келишини ва волидининг мозори ёнида бу куйган ғарибни топишини, Ларанда яшаш ва қолиб кетиш жойи эмаслигини, у (ердаги) тоғдан Кўня устига (вулқонли) олов отилишини тайинлаб, бир дарвеш ходим орқали Ларандага жўнатди. Мавлоно мактубни ўқигач, аввалига қаттиқ изтиробга тушди, сўнг хурсанд бўлиб, мактубни кўзларига суртди ва ўпди. Сўнг деди (шеър мазмуни): *Ҳунар боғида сендек бир гулнинг давлат шохида униб-ўсиши учун минг йил керак бўлади. Ҳеч бир замон ва ҳеч бир асрда ҳеч ким оғир кунда етиб келишда сенга тенг бўлолмайди.*

(Румий) зудлик билан йўлга тушиб, шаҳарга етиши билан Саййид ҳузурига шошилди. Саййид масжид эшигидан ташқарига отилиб Худовандгорга (Румий) пешвоз чиқди. Қучоқ очиб кўришишди ва ҳушдан кетишди. Дўст-биродарлар дод-фарёд чекди. Сўнг Ҳазрати Саййид қайси илмдан сўраса жавоб берди. Саййид ўрнидан туриб Худовандгорнинг оёқларини ўпа бошлади ва офаринлар айтиб деди: "Барча диний ва яқиний (аниқ ҳужжат ва аниқ далил-исботларга асосланган илм) билимларда отангдан юз ҳисса ўтибсан. Аммо отанг ҳам илми қолни (исботлаш йўли билан моҳиятини тушуниш ва тушунтириш мумкин бўлган илм), ҳам илми ҳолни (тасаввуф илми, ботиний илм, фақат эътиқод йўли билан моҳиятини тушуниш ва билиш мумкин бўлган илм) мукаммал эгаллаган эди. Эртадан бошлаб илми ҳолга қадам қўйишингни истардим. Бу илм анбиё ва авлиёнинг илми бўлиб, илми ладуний (ғайб илми) деб аталади. Ва бу илм менга Ҳазрати шайхимдан етган, сен эса уни ҳам мендан олиб, ҳам зоҳиран ва ҳам ботинан отангнинг вориси бўлмоғинг ва айнан унга ўхшамоғинг лозим".

Румий Муҳаққиқ Термизий ҳузурида тасаввуфга доир билимларини қайта такрорлаб олгач, бу илмнинг янги босқичига ўтди. Бу орада "Бурҳон Мавлонога Шомга бориб бир неча йил маълумотини мукаммаллаштириб келишни тавсия қилди. Шундай қилиб, уни Ҳалабга жўнатди, ўзи ҳам Қайсариягача унга ҳамроҳ бўлди. Бундан сўнг тўққиз йил давомида гоҳида узоқдан, гоҳида эса яқиндан унга раҳнамолик қилиб турди" *("Жалолиддин Румий ҳақида", 16-бет).*

*Мавлоно Ҳалабда зоҳирий билимлар*ни ўрганишга киришди, сўнг Дамашқда таҳсил билан шуғулланди. Мавлоно етти йил шу икки шаҳарда яшагач, Кўняга қайтди. “Фақиҳлар ва шариат уламолари уни пешвоз олдилар, Мавлонони ўзига яқин тутган ботин аҳли эса унинг қайтишини муҳим воқеадай қабул қилдилар. Аммо Бурҳониддин Муҳаққиқнинг иши ҳануз поёнига етмаган эди. Бурҳониддин Мавлонодан илми қол захираси ҳали илми ҳол ғалвиридан ўтиб соф бўлмагани, акс ҳолда Мавлоно мадраса кибру ғуруридан қутулмаслигини... биларди. Бурҳон донишманд муридини чилла ўтириш, сукут ва узоқ хилватга ҳидоят этиб, уч чилладан сўнг бир оз хотиржам бўлди. Мавлонода ғурур ва худбинликдан асар қолмаган эди” *(ўша манба, 17-18-бет)*.

Шом сафаридан сўнг “Бурҳониддин ҳидояти билан ўтирган чилладан кейин ҳам Мавлоно муридлари ва дўстларининг илтимосига кўра фақиҳлик, мударрислик ва раҳнамолик курсисида ўтирар, ҳануз отаси узоқ йиллар давомида босиб ўтган йўлдан борар эди. Аммо Бурҳон Муҳаққиқнинг ишора ва иршодларига таяниб, идроки унга “Сенинг сўзингдан ёруғроқ, шиддатлироқ шундай бир шуъла чиқиши, бу шуълани ёқиб юборадиган бирон кишининг келиш фурсати яқинлашмоқда”, дерди. Унинг дарсу баҳслари ҳижрий 642 (1244) йилгача давом этди. Мавлоно суҳбатларининг мундарижаси фиқҳнинг турли масалаларига оид эди” *(ўша манба)*. У тўққиз йил Термизий ҳузурида бўлиб, 1230 йилда Румга қайтди. Бурҳониддин Термизий ўзи билган сирни Мавлонога топширгач, елкасидаги оғир юкдан қутулгандай енгил тортиб, Қайсарияга қайтди. Бир йилдан сўнг (ҳ. 638; м. 1240) унинг бу дунёдаги ҳаёт юлдузи шу ерда сўнди.

*Румийшунос Абдулбоқи Гулпинарли тўғри* таъкидлаганидек, эҳтимол, Саййид Бурҳониддин Румийга бир куни келиб Шамс Табризийдек бир киши келишини (исмини зикр этмай) хабар бергани учун “Саййиди сирдон” деган лақабни олгандир. Мавлавийларнинг энг қадимги маноқиби – “Рисолаи Сипаҳсолор”да эса у “Фахр ул-мажзубин” (мажзублар ифтихори) номи билан тилга олинади. Бунинг ўзиёқ орифнинг башарий даражадан юксакроққа кўтарилганини кўрсатади.

Устози вафот этгач, Мавлоно деярли беш йил аждодларидан қолган анъанага кўра мадрасада фиқҳ ва дин илмларидан сабоқ беради. Ҳар куни тўрт юзга яқин шариат илми толиби унинг дарсида ҳозир бўларди. Шунингдек, ўша замон фақиҳлари ва дин пешволари одати бўйича зикр уюштирилар, халқ тақво ва илм-маърифатга тарғиб этилар эди.

Румий отасининг муқарраб шогирди, унга болалик чоғидан меҳрибонлик кўрсатган устози Муҳаққиқ Термизийни бир умр катта ихлос ва улкан эҳтиром билан эслайди. “Маснавийи маънавий”да бир неча ўринда устозига ишора этиб ўтар экан, уни нурга менгзайди: “Нур бўл Бурҳон Муҳаққиқ сингари”. “Фиҳи мо фиҳи” асарида отаси Баҳовалад, муршиди Шамс Табризий ва халифаси Салоҳиддин Заркўб билан бирга Саййид Бурҳониддинни ҳам эслаб, ундан баъзи ҳикоялар келтиради. “Девони кабир”да ҳам устозини улуғлайди.

Шак-шубҳасиз, Саййид Бурҳониддин ёш Жалолиддин Муҳаммаднинг тасаввуф таълимоти ва ирфон фалсафасининг буюк бир вакили бўлиб етишишига улкан ҳисса қўшган. Румийни ирфон деб аталмиш маънавий оламнинг остонасига етаклаб борган, Шамс Табризий билан мулоқотларга ҳозирлаб, буюк мураббий вазифасини ўтаган.

Мавлоно Ҳалабда зоҳирий билимларни ўрганишга киришди, сўнг Дамашқда таҳсил билан шуғулланди. Мавлоно етти *йил шу икки шаҳарда яшагач, Қўняга қайтди.* "Фақиҳлар ва шариат уламолари уни пешвоз олдилар, Мавлонони ўзига яқин тутган ботин аҳли эса унинг қайтишини муҳим воқеадай қабул қилдилар. Аммо Бурҳониддин Муҳаққиқнинг иши ҳануз поёнига етмаган эди. Бурҳониддин Мавлонодан илми қол захираси ҳали илми ҳол ғалвиридан ўтиб соф бўлмагани, акс ҳолда Мавлоно мадраса кибру ғururидан қутулмаслигини... билларди. Бурҳон донишманд муридини чилла ўтириш, сукут ва узоқ хилватга ҳидоят этиб, уч чилладан сўнг бир оз хотиржам бўлди. Мавлонода ғурур ва худбинликдан асар қолмаган эди" *(ўша манба, 17-18-бет).*

Шом сафаридан сўнг "Бурҳониддин ҳидояти билан ўтирган чилладан кейин ҳам Мавлоно муридлари ва дўстларининг илтимосига кўра фақиҳлик, мударрислик ва раҳнамолик курсисида ўтирар, ҳануз отаси узоқ йиллар давомида босиб ўтган йўлдан борар эди. Аммо Бурҳон Муҳаққиқнинг ишора ва иршодларига таяниб, идроки унга "Сенинг сўзингдан ёруғроқ, шиддатлироқ шундай бир шуъла чиқиши, бу шуълани босиб юборадиган бирон кишининг келиш фурсати яқинлашмоқда", дерди. Унинг дарсу баҳслари ҳижрий 642 (1244) йилгача давом этди. Мавлоно суҳбатларининг мундарижаси фиқҳнинг турли масалаларига оид эди" *(ўша манба).* У тўққиз йил Термизий ҳузурида бўлиб, 1230 йилда Румга қайтди. Бурҳониддин Термизий ўзи билган сирни Мавлонога топширгач, елкасидаги оғир юкдан қутулгандай енгил тортиб, Қайсарияга қайтди. Бир йилдан сўнг (ҳ. 638; м. 1240) унинг бу дунёдаги ҳаёт юлдузи шу ерда сўнди.

Румийшунос Абдулбоқи Гулпинарли тўғри таъкидлаганидек, эҳтимол, Саййид Бурҳониддин Румийга бир куни келиб Шамс Табризийдек *бир киши келишини (исмини зикр* этмай) хабар бергани учун "Саййиди сирдон" деган лақабни олгандир. Мавлавийларнинг энг қадимги маноқиби – "Рисолаи Сипаҳсолор"да эса у "Фахр ул-мажзубин" (мажзублар ифтихори) номи билан тилга олинади. Бунинг ўзиёқ орифнинг башарий даражадан юксакроққа кўтарилганини кўрсатади.

Устози вафот этгач, Мавлоно деярли беш йил аждодларидан қолган анъанага кўра мадрасада фиқҳ ва дин илмларидан сабоқ беради. Ҳар куни тўрт юзга яқин шариат илми толиби унинг дарсида ҳозир бўларди. Шунингдек, ўша замон фақиҳлари ва дин пешволари одати бўйича зикр уюштирилар, халқ тақво ва илм-маърифатга тарғиб этилар эди.

Румий отасининг муқарраб шогирди, унга болалик чоғидан меҳрибонлик кўрсатган устози Муҳаққиқ Термизийни бир умр катта ихлос ва улкан эҳтиром билан эслайди. "Маснавийи маънавий"да бир неча ўринда устозига ишора этиб ўтар экан, уни нурга менгзайди: "Нур бўл Бурҳон Муҳаққиқ сингари". "Фиҳи мо фиҳи" асарида отаси Баҳовалад, муршиди Шамс Табризий ва халифаси Салоҳиддин Заркўб билан бирга Саййид Бурҳониддинни ҳам эслаб, ундан баъзи ҳикоялар келтиради. "Девони кабир"да ҳам устозини улуғлайди.

Шак-шубҳасиз, Саййид Бурҳониддин ёш Жалолиддин Муҳаммаднинг тасаввуф таълимоти ва ирфон фалсафасининг буюк бир вакили бўлиб етишишига улкан ҳисса қўшган. Румийни ирфон деб аталмиш маънавий оламнинг остонасига етаклаб борган, Шамс Табризий билан мулоқотларга ҳозирлаб, буюк мураббий вазифасини ўтаган.



# KO'NGILGA YAQIN KITOBLAR

## Adabiyotshunos olim Nusratullo JUMAXO'JA mutolaa qiladi

### ТАБАССУМ ЗАРГАРИГА ЭҲТИРОМ

XX аср ўзбек адабиётида саноқлигина ҳажв ёзувчилари ўтган. XXI асрдагиларни хаёлан қидириб кўрсак, гўёки ён-атрофда ҳеч ким йўқдек. Айниқса, ёшлар орасида ҳажв устаси ярқ этиб кўзга ташланмаётир.




Неъмат Аминов (1937 – 2005) ҳаётга мудом ҳажв назари билан боққан, бутун ижодини ҳажвиётга бағишлаган, туриш-турмушини шусиз тасаввур этолмаган, ҳажвий асарлари ва қарашлари ортидан келган таъқибу зарбаларга мардонавор бардош берган, ижтимоий воқеликдаги жамики иллатларни фош этган, ҳажв тиғи ила жарроҳлик қилган, кишилик жамиятини соғлом, пок, мукаммал кўрмоқни орзу этган феноменал адиб эди. Адабиётимизда аминовона назар, аминовона кузатиш, аминовона топқирлик, аминовона бадиият, аминовона табассум, ниҳоят, аминовона сатирик қаҳқаҳаю қаҳр алоҳида ажралиб туради.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Ашурали Жў



бида *(Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2021)* муаллиф адиб ҳаёти ва ижодини илмий ёритишни мақсад қилмаган. Ундаги маълумотлар яллисига хотираларга асосланган. А. Жўраев мозий мулкига айланган табассум заргарининг ҳаёти ва ижодини тарихий-адабий жараён силсиласида тасвирлаган. Неъмат аканинг ким экани, адиб сифатида қандай мерос ва услубга эгалиги, шахсий фазилатларию ижодий салоҳияти тўғрисида замондошлари озми-кўпми тасаввурга эга эди. Лекин XXI асрда туғилиб, вояга етган авлод вакиллари уни деярли билмайди. А. Жўраевнинг китоби ана шу кемтикликни тўлдирди.

Замондош шоир-ёзувчиларнинг Неъмат Аминовга берган баҳоси, у ҳақдаги хотиралар улуғ ёзувчи шахсияти ҳамда ижодий портретини ёрқин акс эттиради. Адибнинг фитратида табассум жо эди. Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов адиб ҳажвиётида табассум (юмор) билан ижтимоий дард (сатира) уйғунлигини бундай ифодалаган: "Машҳур ёзувчимиз Неъмат Аминовнинг бир кўзида кулги, бир кўзида эса қайғу бор эди". Инсоннинг табиатию ижодий салоҳияти мутаносиблигини бундан-да топқирлик ва маҳорат ила ифодалаш мумкинмикан?..

Яна бир Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад ижодкор табиатига қуйидагича чизги берган: "Кулги кирган уйда чироқ ёнгандек бўлади. Кулган одамнинг юзи жуда чиройли бўлиб кетади. Кулги ғамни қувиб, қувонч олиб келади. Кўп хонадонларга шунақа файз киритаётган ҳажвчилардан бири бухоролик талантли ёзувчи Неъмат Аминовдир. Неъматнинг ҳикояларини ўқиган китобхоннинг юзига чиройли табассум югуради. Неъмат ҳаётдаги кулгили ҳолатларни тез илғаб олади. Қулоғи кулгили гапларни тез эшитади. Кўзи қизиқ манзараларни дарров кўради..."

Ашурали Жўраев китобининг дастлабки қисми маърифий қисса шаклини олган бўлса, иккинчи қисми Неъмат Аминовнинг бирқайнови ичида жажжи ҳажвий асарларидан таркиб топган. Ҳузур қилиб ўқиладиган бундай китоблар кўп эмас. "Виждон қўнғироғи" наинки мутолаа, балки ҳажв заргари ҳақида илмий тадқиқот яратиш учун тайёр манба ҳамдир.

## ЯНГИ УСЛУБ КАШФИЁТЧИСИ

Айрим катта ёзувчиларимиз, аксар ёшларимизнинг асарлари ўқишли чиқишига тўсқинлик қилаётган жиҳат – тасвирдаги китобийликдир. Улар ёзишни, тасвирлаш усулларини китоблардан ўзлаштирадилар. Шу тариқа анъанавийликка беҳад ружу қўядилар. Уларнинг асарларида ғоя, мавзу, сюжет ва композиция, бадиий тасвир воситалари рисоладагидек бўлади. Аммо китобхон қалбини сеҳрлайдиган бадиият анқога шафе. Чунки муаллифлар тасвирда ҳаётдан узилиб қолади, оригиналликка интилмайди. Ҳали шаклланиб улгурмаган ўзлик юзлаб китоблардан ўзлаштирилган бадиий тажрибаларга қоришиб кетади.

Миллий насримизда балқиб чиққан Тоғай Мурод феноменининг муваффақияти шундаки, у ўз услубини кашф эта билган. Унинг услубидаги асосий фазилатлардан бири ҳаётийликдир. У одамлар, воқеалар ҳаётда қандай бўлса, шундайлигича тасвирлайди, уларни бадиий қолипларга солишга уринмайди. Тоғай Мурод услубида яркираб турадиган яна бир фазилат – халқчил-




лик. У бадиияттаги кўп жиҳатларни улуғ даҳо – халқдан олган. Тасвир халқ достонларига ҳамоҳанг. Халқ қўшиқлари асарларга маҳорат билан сингдирилган. Муаллиф халқнинг жонли тил бойликларидан кўп ва хўб фойдаланади. Масалан, у "тўхтади" демайди, "оёқ илди" дейди.

"Ойдинда юрган одамлар" қиссасининг тарҳи тозалиги яна шундаки, муаллиф шунчаки тавсиф йўлидан бормайди. Асосий мақсад икки инсоннинг ўзаро меҳру муҳаббати ва садоқатини кўрсатиш, лекин бирор ўринда "муҳаббат" сўзи қўлланмайди, анъанавий севги изҳори картинаси чизилмайди. Тоғай Мурод қаҳрамони Оймомага нисбатан "хотин" ёки "хотиним" сўзини эмас, балки меҳрга тўлиқ "аёл", "аёлим" сўзини ишлатади. Аёл ҳам Қоплонга бирор марта тик қарамайди, сенсирамайди, ҳатто сизламайди, "гапирсин" қабилида муомала қилади.

Асарнинг бошланишида бундай жумла бор: "Совчилар қадами қизлик эшикка шараф". Шеърдай, шиордай жаранглайдиган бу жумладан кўп маънони уқамиз... "Чўғ Оймоманинг юзларидан, Оймоманинг юзлари чўғдан қолишмайди..." Ихчам ва пурмаъно.

Қоплон ўз дардини ичига ютиб яшайди, лекин қишлоқ советининг котиби диёнатсизлигига чидай олмайди. Ўксиниб йиғлайди. "Инсон, ўғри бўл, ғар бўл, эви билан бўл-да!.. Шундан кўра ўлиб кетганинг яхши эмасми? Имон қани, одам деган номинг қани?.. Инсон, сенга пул керакми? Пул қоғоз-ку! Ана далалар, ишла. Бу тупроқ сенга пул деган қоғозни хоҳлаганингча беради. Пул далаларда оқиб ётибди. Инсон, шу ҳолатгача етдингми-а?!"

Асарни ўқисангиз, дастлаб унда салмоқли бир масала қўйилмагандай туюлади. Аслида эса, асар марказида инсон тақдири турибди. Тоғай Мурод-нинг асарларида матн замирида ётган фикр-ғоялар (тагматн) бор. Бинобарин, машъум тарихий 16-пленумда айблов тарзида айтилган "унинг асарларида муҳим бир ғоя йўқ" деган иддао ўринсиз эди.

"От кишнаган оқшом" биринчи марта "Ёшлик"да чиққан, журналга обуна эдим. Ишдан қайтсам, янги сони келган экан, ўша заҳоти асарни тўлиқ ўқиб чиққанман. Бир нафасда қўшиқдай ўқиладиган асар. Қиссадаги кўп хатбошилар "биродарлар" нидоси билан бошланади. Бу сўз турли маъноларда – контекстга мутаносиб равишда қўлланади. Баъзи хатбошиларда китобхонни ҳамдардликка чақирса, баъзиларида улар билан ҳамдардлигини баҳам кўради. Қаҳрамоннинг фуқаролик туйғулари ифодаланган оташин нутқи ҳам шу ҳайқириқ билан бошланади: "Биродарлар, биз ҳамиша адолат, адолат, деймиз. Тилдан қўймаймиз. Адолатсизликни кўриб, хунибийрон бўламиз. Ҳаётдан, тақдирдан нолиймиз. Адолат йўқ, адолат осмонда, деймиз. Биродарлар, адолат ерда! Оёқларимиз остида! У тупроққа қоришиб ётибди. Уни ким бундайин хор қиляпти? Биз – ўзимиз! ...адолат жафо чекаётганда қочамиз. Ундан юз ўгирамиз. Кўриб кўрмасликка оламиз. Бир имонсиз адолатни бўғаётганда, йўлимизни чап соламиз. Ёмондан қоч-да, қутул ё тон-да, қутул, деймиз ўзимизга. Ёмон билан тенг бўлмайин, деймиз. Уйга келиб, фалончини ноҳақдан айблади, ўзи ҳақиқат йўқ экан, деймиз. Шуни ўртага чиқиб, ёмонларнинг юзига айтиб солмаймиз. Ўзимизни билмаганга олиб ўтираберамиз. Тилимизни тишлаймиз. Обрўйимиз кетиб қолишидан ё амалимиздан айрилиб қолишимиздан қўрқамиз. Ё



ўзимизга ғаним орттиргимиз келмайди...”. Бу ҳайқириқ жуда кучли ижтимоий, маънавий-ахлоқий моҳиятга эга. Бир маҳаллар мактабда Ғофир, Жамила, Навоий монологларини ёдлаганмиз. Ҳозирги мактаб таълимида кенг ўқувчилар оммасига ёдлатилаётган шунақа монологлар бормикан?..

Тоғай Мурод отни ҳам теран тушуниш кераклигини уқтиради: “Биродарлар, ҳар отнинг ўз феъл-атвори, кайфияти бор. От кайфияти йўқ кунлари инсонга бўйин эгмайди. Кўп ғашига тегаберсак, елкамиздан ғарчиллатиб тишлаб олишдан ҳам, қовуғимизга тарсиллатиб тепишдан ҳам қайтмайди. Бундай вақтларда айрим чавандозлар қамчи дастаси билан отнинг бошига уради. Шунда от жон аччиғида чавандозини йиқитиб қочади. От инсондан безади, қайтади! Ўзининг девлар аждодига тортади! Аждодларини қўмсаб, адирларга қочади. Галага бориб қўшилади. Айғир, биялари билан кўришиб, искашади, суйкашади. Аждодларининг ҳавосини олади! Искашиб, инсондан нолийди. Дев бошим билан инсонга бош эгдим, таъзим қилдим, қул бўлдим, лекин эл бўлмадим, дейди!” Замондошларимиз эса инсонни тушуниши қийин. Бир отнинг шунча дарди бўлар экан, унга қанчалик меҳр керак экан. Одамлар бир-бирини қанчалик эзадилар-а! Одамга қанчалик меҳр-оқибат керак экан унда?..

Ҳар икки қиссада бир хил тип бор. Жўра бобо ва Қоплон. Бу икки образ бир типнинг такомили. Жўра бобонинг тақдири Қоплоннинг тақдирига ўхшайди. У ҳам фарзанд доғида куйганлардан. Жўра бобонинг тушунчасича, фарзандларсиз жамиятга муносиб хизмат қилиш мумкин эмас. Фарзандсиз кишининг эл қатори яшашга ҳақи йўқдай. Аммо Жўра бобонинг дарди улкан дард эмас. У енгилгина овунади. Унинг орзуси ҳам юксак эмас. Орзуси – ном чиқариш, шуҳрат. Шу учун машина олади. Мақсад – кўчани чангитиб юрсин, одамлар бу Жўра бобонинг машинаси десин. Жўра бобонинг машинаси осмонранг десин. Йўлда ГАИлар ушлаб ҳужжат кўрсин, унинг номини ўқисин... Аммо машина унинг истагини қондира олмайди. Машинани сотиб, пулига тўриқ от олади: “Жўра бобонинг қайғуси ягона бўлди: тўриғи улоқчи айирса, баковул улоқни Жўра бобонинг оти айирди, дея жар солса. Жўра бобонинг оти, кел, ҳақингни ол, деса. Номини тумонат одам эшитса...” Жўра бобонинг идроки, тушунчаси маҳдуд.

Ёзувчи тафаккури халқ донишмандлиги билан уйғунлашиб кетган. Шу даражада уйғунлашиб кетганки, айрим фикрлар, жумлавий андозалар бевосита ёзувчининг ўзиникими ё халқ оғзидан олинганми – ажратиш қийин: “Чақалар кун сайин болалаб, каттарди”, “Бешинчи синф каллам билан қолдим”, “Орқа кезанаги боланинг билагидай бўлиб турадиган от яхши келади”, “От олсанг, Обоқлидан ол, Аёл олсанг, Ирғалидан ол”, “От олсанг, ҳўкиз қориндан ол, Ҳўкиз олсанг, от қориндан ол”. Мана, яна фикр ёмбилари:

“Биродарлар, оғзинг қора қон бўлсаям, ғанимнинг олдида тупурма”.

“Яхши отдан йиқилса, ёмон таънали бўлади”.

“Биродарлар, ўзбек эли ўр келади, ўзи ўжар, зўр келади”.

“Эшак йиқитса, туёғини тўшайди, от – елини!..”

## НАВОИЙШУНОСЛИК – ЖАҲОН САҲНИДА




30 жилддан иборат “Истиқлол даври ўзбек навоийшунослиги” *(Тошкент, “Тамаддун”, 2022)* тўплами Алишер Навоий номидаги халқаро фонд томонидан тайёрланиб, нашр этилди. Унга Ўзбекистон миллий мустақиллиги даврида яратилган энг яхши тадқиқотлар саралаб киритилган. Мазкур фонд Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан ҳар йили 9 февраль куни “Алишер

Навоий ва Шарқ ренессанси" номли халқаро симпозиум ўтказади. Симпозиум натижалари катта ҳажмда 1000 нусхада чоп этиб тарқатилади. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети томонидан ўтказилаётган анъанавий "Алишер Навоий ва XXI аср" мавзусидаги илмий конференция жаҳон илмий марказларига кўчмоқда. Ушбу конференция 2023 йили Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида ўтказилган бўлса, 2024 йилда Туркиянинг Бурса шаҳрида ташкил этилди. Дунё навоийшуносларининг ушбу конференцияда эълон қилинган янги тадқиқотлари салмоқли илмий тўплам сифатида чоп этилмоқда.

* * *




Навоийшуносликдаги ривожланиб келаётган йўналишлардан бири луғатлар яратиш ва чоп этишдир. Маълумки, Навоий асарлари учун луғат тайёрлаш шоирнинг ҳаётлик давридаёқ бошланган. Дастлаб форс тилида Толе Ҳиравийнинг "Бадое ул-луғат"и шахсан Ҳусайн Бойқаронинг буйруғи билан тахминан 1500-йилларда тартиб берилган. Ражаб ибн Али Шомлунинг "Хазойин ул-маоний" куллиёти асосида "Луғати Навоий"си (1599), Туркияда Мустафо бинни Содиқнинг "Абушқа"си, XVIII асрда Мирза Маҳдихоннинг "Санглох"и (1760), Фазлуллохон Барлоснинг "Луғати туркий"си (1779), Фатҳ Алихоннинг "Китоби луғати атрокия"си (1862), Шайх Сулаймон Бухорийнинг "Луғати чиғатойи ва турки усмоний"си (1881) яратилган. XVIII асрларда Ғарбий Европа мамлакатларида Навоий ижодига қизиқиш уйғонган. XIX асрда француз шарқшуноси Паве де Куртейл "Dictionnaire turc-oriental" ("Шарқ туркий луғати") номли луғатни нашр этади. Унда Навоий сўзларига французча изоҳ берилиб, асарларидан мисоллар келтирилган. Ҳозиргача шоир асарлари тилига оид йигирмадан зиёд луғат тузилган.

1939 йилда Навоий таваллудининг 500 йиллигига тайёргарлик жараёнида 4 жилдли изоҳли луғат тузиш режалаштирилган ва бу иш ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтига топширилган, етук олимлардан нуфузли жамоа шакллантирилган. Иккинчи жаҳон уруши туфайли иш тўхтаб қолган. Урушдан сўнг масала яна кун тартибига кўтарилган. Луғатни бир неча босқич ва тасниф асосида тузиш режалаштирилган. Дастлаб 1953 йилда "Ўзбек мумтоз адабиёти асарлари учун қисқача луғат" нашр этилган. 1972 йилда эса Алишер Навоийнинг 525 йиллигига бағишлаб бир жилдлик "Навоий асарлари луғати" тайёрланган. Тил ва адабиёт институти Тарихий лексикология ва лексикография бўлимидаги катта жамоанинг кўпйиллик фаолияти натижасида 1983 – 85 йилларда академик Эргаш Фозилов раҳбарлигида 4 томлик "Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати" (АНАТИЛ) тузилган ва "Фан" нашриётида нашр этилган.

1972 йилда чоп этилган луғат фойдаланиш учун қулай бўлиб, у халқимизга 50 йилдан ортиқ беминнат хизмат қилди ва ҳамон хизматда. Унинг қайта нашрига катта эҳтиёж ва зарурият бор эди. 2023 йили адабиётшунос олим Сайфиддин Рафиддинов луғатнинг тўлдирилган ва тузатилган иккинчи нашрини яратди, китоб "Академнашр"да (1000 нусха) чоп этилди. Нашрда С. Рафиддинов томонидан бир қатор луғатчилик ислоҳотлари амалга оширилган. Сираси, бундай луғатни қайта нашрга тайёрлаш ва ислоҳ этиш ҳар қандай мутахассиснинг қўлидан келавермайди. Бунинг учун комил алломалар Порсо Шамсиев ва Собиржон Иброҳимовларнинг панжаларига панжа ура оладиган

Навоий ва Шарқ ренессанси" номли халқаро симпозиум ўтказади. Симпозиум натижалари катта ҳажмда 1000 нусхада чоп этиб тарқатилади. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети томонидан ўтказилаётган анъанавий "Алишер Навоий ва XXI аср" мавзусидаги илмий конференция жаҳон илмий марказларига кўчмоқда. Ушбу конференция 2023 йили Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида ўтказилган бўлса, 2024 йилда Туркиянинг Бурса шаҳрида ташкил этилди. Дунё навоийшуносларининг ушбу конференцияда эълон қилинган янги тадқиқотлари салмоқли илмий тўплам сифатида чоп этилмоқда.

* * *




Навоийшуносликдаги ривожланиб келаётган йўналишлардан бири луғатлар яратиш ва чоп этишдир. Маълумки, Навоий асарлари учун луғат тайёрлаш шоирнинг ҳаётлик давридаёқ бошланган. Дастлаб форс тилида Толе Ҳиравийнинг "Бадое ул-луғат"и шахсан Ҳусайн Бойқаронинг буйруғи билан тахминан 1500-йилларда тартиб берилган. Ражаб ибн Али Шомлунинг "Хазойин ул-маоний" куллиёти асосида "Луғати Навоий"си (1599), Туркияда Мустафо бинни Содиқнинг "Абушқа"си, XVIII асрда Мирза Маҳдихоннинг "Санглох"и (1760), Фазлуллохон Барлоснинг "Луғати туркий"си (1779), Фатҳ Алихоннинг "Китоби луғати атрокия"си (1862), Шайх Сулаймон Бухорийнинг "Луғати чиғатойи ва турки усмоний"си (1881) яратилган. XVIII асрларда Ғарбий Европа мамлакатларида Навоий ижодига қизиқиш уйғонган. XIX асрда француз шарқшуноси Паве де Куртейл "Dictionnaire turc-oriental" ("Шарқ туркий луғати") номли луғатни нашр этади. Унда Навоий сўзларига французча изоҳ берилиб, асарларидан мисоллар келтирилган. Ҳозиргача шоир асарлари тилига оид йигирмадан зиёд луғат тузилган.

1939 йилда Навоий таваллудининг 500 йиллигига тайёргарлик жараёнида 4 жилдли изоҳли луғат тузиш режалаштирилган ва бу иш ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтига топширилган, етук олимлардан нуфузли жамоа шакллантирилган. Иккинчи жаҳон уруши туфайли иш тўхтаб қолган. Урушдан сўнг масала яна кун тартибига кўтарилган. Луғатни бир неча босқич ва тасниф асосида тузиш режалаштирилган. Дастлаб 1953 йилда "Ўзбек мумтоз адабиёти асарлари учун қисқача луғат" нашр этилган. 1972 йилда эса Алишер Навоийнинг 525 йиллигига бағишлаб бир жилдлик "Навоий асарлари луғати" тайёрланган. Тил ва адабиёт институти Тарихий лексикология ва лексикография бўлимидаги катта жамоанинг кўпйиллик фаолияти натижасида 1983 – 85 йилларда академик Эргаш Фозилов раҳбарлигида 4 томлик "Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати" (АНАТИЛ) тузилган ва "Фан" нашриётида нашр этилган.

1972 йилда чоп этилган луғат фойдаланиш учун қулай бўлиб, у халқимизга 50 йилдан ортиқ беминнат хизмат қилди ва ҳамон хизматда. Унинг қайта нашрига катта эҳтиёж ва зарурият бор эди. 2023 йили адабиётшунос олим Сайфиддин Рафиддинов луғатнинг тўлдирилган ва тузатилган иккинчи нашрини яратди, китоб "Академнашр"да (1000 нусха) чоп этилди. Нашрда С. Рафиддинов томонидан бир қатор луғатчилик ислоҳотлари амалга оширилган. Сираси, бундай луғатни қайта нашрга тайёрлаш ва ислоҳ этиш ҳар қандай мутахассиснинг қўлидан келавермайди. Бунинг учун комил алломалар Порсо Шамсиев ва Собиржон Иброҳимовларнинг панжаларига панжа ура оладиган

илмий қудратга эга, Навоий меросини мукаммал ўзлаштирган, матншуносликнинг минг бир мураккаб муаммосига тиши ўтадиган, туркий тил билан бирга форс, араб тилларини ҳам яхши биладиган, диний манбаларни пухта ўрганган, хаттотлик санъати сиру синоатларини, эски ўзбек ёзуви сир-асрорларини биладиган етук мутахассис бўлиш талаб этилади. С. Рафиддиновда ана шу фазилатлар мужассам. "Навоий асарлари луғати"ни такомиллаштириб қайта нашр этиш – замонавий бир китобни қайта нашрга тайёрлашдек осон иш эмас. Йилларни ямлаб ютадиган муттасил қора меҳнат маҳсули бу!

Луғатнинг янги нашрида йигирмадан зиёд ижобий ўзгаришларни кузатиш мумкин. Уларнинг ҳаммаси луғатни такомиллаштириш ва фойдаланишда қулайликка қаратилган. Биринчи нашр амалга оширилган даврда, барча соҳалар сингари, навоийшунослик илми ҳам шўро мафкураси исканжасида эди. Диний қарашлар қатъиян тақиқланган эди. Мутафаккир меросининг луғавий бойлиги эса исломий сўз-тушунчалардан ҳам таркиб топган. Даҳриёна жамиятда яшаб, диний сўз-ибораларни аслидагидай талқин қилиш имконсиз бир шароитда луғатчилар жорий сиёсатга мувофиқ иш тутишга мажбур бўлганлар. Қуръонда келган пайғамбарлар ёки диний атамалар "афсонавий", "мифга кўра" дея талқин этилган. Янги нашрда чоҳи Бобил, Ҳорут ва Морут фаришталари сўзларидан шу хил сифатлашлар олиб ташланган. Бундай сифатлашлар Исо алайҳиссалом, Намруд, Сомирий, Нуҳ алайҳиссалом номларида ҳам таҳрир этилган. Ҳадиси шарифлар билан боғлиқ тушунчалар асл манбаларга мувофиқлаштирилган. Хато таржима қилинган диний жумлалар аслиятига мослаштириб таҳрир этилган. Навоий асарларидан келтирилган ва нотўғри ўқилган баъзи жумлалар саҳиҳ ҳолатга келтирилган. Айрим изоҳлардаги запас, нормал, порошок, штраф, пиянистa, христиан, момент, ремонт, план, проект каби русча сўзлар ўзбекчалаштирилган. Биринчи нашрда айрим диний-тасаввуфий сўз-тушунчаларга замонавий мафкура тазйиқи сабаб жуда қисқа изоҳ берилган. Янги нашрда бундай ўринлар (масалан "силсила" сўзига берилган изоҳ) қўшимча шарҳлар билан тўлдирилган. Эски нашрдаги баъзи изоҳларда авлиёларга хос каромат тушунчаси пайғамбарларга хос мўъжиза билан аралаштириб юборилган. Янги нашр муаллифи эса каромат авлиёларга, мўъжиза эса фақат пайғамбарларга хос фазилат эканидан келиб чиқиб тузатишлар қилган. Луғатда мисол тариқасида келтирилган айрим байтлар матний нуқсонли бўлгани учун янги нашрда улар Навоий мукаммал асарлар ва тўла асарлар тўпламларига мувофиқ саҳиҳ ҳолга келтирилган. Иккинчи мисраси тушиб қолган айрим байтлар тўлдирилган. Янги нашрга зарур деб топилган сўзлар илова қилинган.

Таҳрирларда мулоҳаза уйғотувчи айрим жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Масалан, "Нашрга тайёрловчидан" сарлавҳали кириш мақолада бундай жумла учрайди: "Имло хатоси кўриниб турган мутаммакин, мустаҳик, муззаҳаб, мулламаъ, муллахас, мутасаввуф, аллачи каби сўзлар: мутамаккин, мустаҳиқ, музаҳҳаб, муламмаъ, мулаххас, муттавалли, яллачи каби сўзларни тўғрилаб ёздик". Аввало, биринчи қатордаги мутасаввуф сўзи ўрнида иккинчи қаторда мутавалли сўзи тургани ажабланарли. Майли, буни техник хато дейлик. Иккинчидан, сўзларнинг нуқсонли шакллари орасида мутасаввуф сўзининг тўғри кўриниши, сўзларнинг саҳиҳ шакллари қаторида эса мутаваллининг нуқсонли шакли туриши ғалатдир. Бу ҳам майлига, тасодифдир. Учинчидан, мутасаввуфдай фаол сўз эски луғатда ҳам, янги нашрда ҳам йўқ. Бу энда жиддий камчилик. Чунки бу сўзнинг ёзилишида илм ва олимлар ўртасида баҳс бор. Кўпчилик мутасаввуф деб ёзса, айримлар қатъиян мутасаввиф деб қўллайди. Бу бўйича луғатда аниқ нуқтаи назар акс этиши лозим эди.

Янги нашрда толеъ, мисраъ, таъйин, видоъ каби сўзлар ҳозирги имломизга мослаб айириш белгисисиз ёзилган. Бироқ бир бўғинли навъ, нафъ, жамъ, манъ каби сўзлар олдинги нашрда айириш белгиси билан берилгани учун ўз ҳолича қолдирилган. Бундай икки хил ёзиш матнчилигимиздаги умумий иллатдир. Мазкур сўзларнинг бари ҳозирги ўзбек тили имло луғатларининг асоси – 1976 йили ЎзР ФА нашриёти томонидан чоп этилган “Ўзбек тилининг имло луғати”да айириш белгисисиз тўғри ёзилган. Биз кейинги нашрларга эмас, шу луғатга қатъий амал қилишимиз лозим.

Луғатчининг мана бу қарашида ҳам иккиланиш бор, қатъият йўқ: “Арабча деб берилган хотин ва хоқонларнинг кўплик шакли хавотин, хавоқин каби сўзлар асли туркий сўзлар. Улар арабийлашгандан кейин арабча ёки арабийлашган сўз деб бериладими? Ёки шу ҳолича ёзиладими, буни ўйлаб кўриш керак”. Назаримизда, иккиланмай, ушбу сўзларни арабийлашган ёки туркча-арабча деб берган маъқул эди. Лекин улар янги нашрда ҳам аввалгидек арабча деб берилибди.

Умуман, “Навоий асарлари луғати”нинг янги нашри навойишуносликнинг муҳим ютуқларидан бири бўлди.

* * *

“Илмда луғатчилик энг машаққатли соҳа. Луғат тузувчининг қисмати оғир. Баъзан луғатчи бир луғатни тузиш учун бутун умрини сарфлайди. Шунинг учун кўп луғатлар нашр этилганда, луғат яратувчининг исми шарифи рамка ичида ёзилади. Чунки луғат нашри амалга ошгунича унинг муаллифи оламдан ўтган бўлади”. 1970 йили эндигина Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) Ўзбек филологияси факультетига ўқишга кирганимизда, тилшунос устоз Миразиз Миртожиев шу фикрларни айтган эди. Ўтган эллик йиллик фаолиятимизда устоз ушбу фикрларида нақадар ҳақ эканлигига имон келтирдик. Кўп луғатчилар билан бирга ишладик, талай луғатлардан баҳраманд бўлдик. Бутун умрини, ижодий фаолиятини шу соҳага бағишлаган ва кўнгли тўлиб, тузган луғатлари ўзи барҳаётлигида нашр этилиб, халқ тасарруфига муваффақ бўлаётган олимлар ҳам бор. Улар бахтиёр инсонлар, албатта. ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори илмий тадқиқот институтининг етакчи илмий ходими Бердак Юсуф ана шундай бахтли инсонлар сирасидандир. Унинг муаллифлигида нашр этилаётган 5 жилдли “Навоий тили луғати” *(1-жилд. Тошкент, “Шарқ”, 2018; 2-жилд, Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2022)* олимнинг бутун умрлик ижодий маҳсулидир. Ҳозиргача ушбу муҳташам луғатнинг икки жилди нашр этилиб, халққа тортиқ этилди. “Навоий тили луғати” – юқорида биз тилга олган луғатларнинг вориси, давоми десак, янглишмаган бўлармиз.




“Навоий тили луғати” олдингиларидан мукаммал бўлиши кутилмоқда. Уни тузишда дунё адабиётидаги Пушкин, Абай, Салтиков-Шчедрин, Лермонтов, Абдулла Тўқай каби йирик адабий сиймолар тилига бағишлаб махсус тузилган луғатлар тажрибасига таянилган. Луғат номи ғайриоддий туюлиши мумкин. Аслида 1939 йилда режалаштирилган луғатнинг номи ҳам шундай бўлиши керак эди. Англашиладики, муаллиф ўтган аср Навоий асарлари луғатчилиги ибтидосидаги номни тиклаган. Чунки ўша даврдаёқ мазкур луғат учун “Пушкин тили луғати”, “Шчедрин тили луғати”, “Абай тили луғати” андоза бўлган.

Ўтган аср бошида профессор Александр Боровков бошчилигидаги жамоа Навоийнинг "Чил ҳадис", "Назм ул-жавоҳир" ва "Девони Фоний"дан бошқа ҳамма асарларини текшириб, танлаб олиш йўли билан 200 мингга яқин сўз ва мисолларни карточкаларга кўчириб, "Навоий луғати" сўз жамғармасини яратган ва шу асосда "Навоий тили луғати"нинг бир жилдини 70 босма табоқ ҳажмида тузиб, босмага тайёрлаган. Аммо бу луғат Иккинчи жаҳон уруши бошлангани сабабли босилмай қолиб кетган. Демак, Навоий сўз бойлиги миқдори ноаниқлигича қолган. Чунки у даврда Навоий мероси илм тасарруфида тўлиқ мавжуд эмас эди. 1980-йилларда навоийшунос олим Баҳром Бафоев докторлик диссертациясини яратиш чоғида шоир ишлатган сўзларни санаб чиқди ва қатор мақолалари ҳамда "Навоий асарлари лексикаси" номли монографиясида натижани эълон қилди: 26 минг 35 та сўз. Олим ҳар йилги навоийшунослар конференциясида ўз қатъиятини кўрсатиш учун сўзни шу рақамни уқтириш билан бошлашдан эринмасди.

Лекин йиллар ўтиб илмий жараёнда бу натижага ҳам ишончсизлик пайдо бўлди. Навоий бундан кўпроқ сўз ишлатгани ҳақидаги фикр илгари сурилди. Филология фанлари доктори, профессор Эргаш Умаров илмий мақолаларидан бирида шоир мероси 30-35 минг сўзга эга бўлганини таъкидлади. Навоийнинг бирин-кетин нашр этилган 20 томлик "Мукаммал асарлар тўплами" ва 10 томлик "Тўла асарлар тўплами" ҳам шундай фикрга асос беради. "Навоий тили луғати" ана шу тўпламлар асосида яратилмоқда. Олимларнинг қайд этишларича, жаҳон адабий луғатчилигида энг кўп, яъни 21 минг 197 та сўз "Пушкин тили луғати"да акс этган. "Навоий тили луғати"нинг 1-жилдида 4730, 2-жилдида 3724 та бош сўз борлиги қайд этилди. 5-жилд босилиб чиқмагунча, Навоий қанча сўз ишлатганини аниқ айтиб бўлмайди. Чунки кейинги жилдлар ҳали ишланиш жараёнида. Луғат муаллифи Б. Юсуфнинг айтишича, Навоий ишлатган сўзларнинг ҳаммаси луғатда тўлиқ акс этади. Унинг тахминича, бизнинг шоиримиз ишлатган сўзлар Пушкинникидан кўп бўлиб чиқади. Бироқ бу ҳали шоирнинг фақат ўзбек (туркий) тилида ёзган асарларидаги сўз бойлиги, форсий асарларида ишлатган сўзлар бундан мустасно. Навоий зуллисонайн шоир сифатида форс тилида ҳам кўп асарлар ёзган ва ўша асарларда қўллаган сўзлари ҳам шоирнинг сўз бойлигига киради. Назаримизда, луғатшунослар бу ҳақда ҳали ўйлаб кўрганлари, илмий тадқиқот бошлаганлари йўқ.

Хўш, "Навоий тили луғати" юқорида эслатилган 4 томлик "Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати"дан (АНАТИЛ, 1983 – 1985) қандай фарқ ва афзалликларга эга? Бу ҳақда луғат тузувчисининг ўзи кириш сўзида 14 бандда батафсил маълумот берган. Биз улардан бирингина мухлислар эътиборига ҳавола этамиз: "АНАТИЛда атоқли отларга берилган изоҳларнинг баъзилари нотўғри. Масалан, "Ширин – Арманистон мамлакатининг ҳукмдори Меҳинбонунинг жияни, Фарҳоднинг севгилиси. (Хазойин ул-маоний, 1б – 22)". Ширин сўзига берилган бу изоҳ нотўғри. Ҳақиқатга зид. Чунки ҳеч қачон Меҳинбону деган инсон Арманистоннинг ҳукмдори бўлмаган. Изоҳ шундай бўлиши керак эди: Ширин – "Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достони бош қаҳрамонларидан бири".

Луғат яқин йилларда тўлиқ чоп этилади, деган умиддамиз. Лекин жами 2000 нусха луғат олимлар ва зиёлилар жамоасигагина етиши мумкин, холос. Демак, луғатларнинг қайта-қайта нашрларини, ададларини кўпайтириш лозим. Шу билан бирга, Навоий каби мумтозларимиз асарларининг оммавий нашрларига луғатлар илова қилинса, нур устига нур бўларди.

NUSRATULLO JUMAXO'JA
MUTOLAA QILADI



# Ayolning o‘zgarayotgan maqomi

Ўзбекистонда мустақилликнинг илк davриданоқ долзарб муаммолар сирасида аёлларнинг мақомини яхшилаш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишига эътибор қаратилди. Бу борадаги сиёсатни амалга ошириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилди. Жумладан, 2021 йили Ўзбекистонда 2030 йилгача мўлжалланган Гендер тенгликка эришиш стратегияси тасдиқланди. Унда БМТнинг 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадларига мувофиқ ҳолда барча соҳаларда гендер тенглиги тамойилини татбиқ этишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар назарда тутилган. Сирасини айтганда, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, давлат қурилишидаги иштирокини кучайтириш, лидерлик, ташкилотчилик, тадбиркорлик қобилиятини қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Мусулмон Шарқида аёл доимо эркак кишига дўст, ёр, оқила, меҳрибон она, хонадон маликаси сифатида улуғланган. Абу Райҳон Беруний оила тинчлиги фаросатли, тарбияли аёллар қўлида эканини алоҳида таъкидлаган. “Қизлар билим олишга ҳаммадан кўпроқ интилишлари лозим, зеро, бу билимлар билан улар келажак авлодни тарбиялайдилар”, дейди маърифатпарвар адиб Абдулла Авлоний.

Бутун дунёда хотин-қизларнинг фан, техника ва инновацион ютуқлардан тенг фойдаланишига имкониятлар яратиш, мазкур соҳада гендер тенглигини таъминлаш БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2015 йил 22 декабрда қабул қилинган “Тараққиёт мақсадларидаги фан, техника ва инновациялар тўғрисида”ги резолюцияда ўз аксини топган. Унга кўра, 2016 йилдан эътиборан 11 февраль “Илм-фан соҳасидаги аёллар ва қизлар халқаро куни” сифатида нишонланади. Бундан кўзланган асосий мақсад аёлларнинг илм-фандаги иштирокига эътибор қаратиш ва бу фаолиятни қўллаб-қувватлашдан иборат.

2023 йил 10 февраль куни БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш ҳам баёнот бериб, илм-фан соҳасида хотин-қизлар қанчалик кўп бўлса, бундан илм-фан шунчалик кўп ютишини таъкидлади. Унингча, “Аёллар ва қизлар илмий тадқиқот фаолиятига хилма-хиллик олиб киради, илм-фан асосий касби бўлган фидойилар сафини кенгайтиради ва илмий-техникавий соҳани янгича қарашлар ҳисобига бойитади”.

“Мени кишиларимизнинг онгида пайдо бўлган стереотип кўп ўйлантиради. Одатда биз аёлни аваламбор она, оила қўрғонининг қўриқчиси сифатида ҳурмат қиламиз. Бу, шубҳасиз, тўғри. Аммо бугун ҳар бир аёл оддий кузатувчи эмас, балки мамлакатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчиси ҳам бўлиши керак”, дейди Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев.

Бугун жамиятимизнинг илмий-техникавий соҳасида хотин-қизлар фаол иштирок этмоқда. Олима аёлларнинг илм-фан соҳасидаги изланишлари ишлаб чиқариш, саноат, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий-маданий соҳаларнинг ривожига салмоқли ҳисса қўшмоқда. 2018 йилдан бери ўтказилаётган “Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси” танловида талаба ва ўқувчи қизлар, дастурчи ва тадбиркор аёллар иштирок этиб келади. “Олима аёллар грантлари” танлови хотин-қизларни илм-фан соҳасида қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга хизмат қилади.

Мамлакатимиз илм-фани ва маънавияти ривожига улкан ҳисса қўшган, миллий тарихда ўзининг ноёб иқтидори билан ном қолдирган, юксак интеллектуал салоҳият ва кенг дунёқарашга эга юзлаб аёллар номини келтириш мумкин.

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига қаратилган 20 га яқин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат, жумладан, 2 та қонун, 1 та



# Ayolning o'zgarayotgan maqomi

Ўзбекистонда мустақилликнинг илк давриданоқ долзарб муаммолар сирасида аёлларнинг мақомини яхшилаш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишига эътибор қаратилди. Бу борадаги сиёсатни амалга ошириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилди. Жумладан, 2021 йили Ўзбекистонда 2030 йилгача мўлжалланган Гендер тенгликка эришиш стратегияси тасдиқланди. Унда БМТнинг 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадларига мувофиқ ҳолда барча соҳаларда гендер тенглиги тамойилини татбиқ этишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар назарда тутилган. Сирасини айтганда, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, давлат қурилишидаги иштирокини кучайтириш, лидерлик, ташкилотчилик, тадбиркорлик қобилиятини қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Мусулмон Шарқида аёл доимо эркак кишига дўст, ёр, оқила, меҳрибон она, хонадон маликаси сифатида улуғланган. Абу Райҳон Беруний оила тинчлиги фаросатли, тарбияли аёллар қўлида эканини алоҳида таъкидлаган. "Қизлар билим олишга ҳаммадан кўпроқ интилишлари лозим, зеро, бу билимлар билан улар келажак авлодни тарбиялайдилар", дейди маърифатпарвар адиб Абдулла Авлоний.

Бутун дунёда хотин-қизларнинг фан, техника ва инновацион ютуқлардан тенг фойдаланишига имкониятлар яратиш, мазкур соҳада гендер тенглигини таъминлаш БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2015 йил 22 декабрда қабул қилинган "Тараққиёт мақсадларидаги фан, техника ва инновациялар тўғрисида"ги резолюцияда ўз аксини топган. Унга кўра, 2016 йилдан эътиборан 11 февраль "Илм-фан соҳасидаги аёллар ва қизлар халқаро куни" сифатида нишонланади. Бундан кўзланган асосий мақсад аёлларнинг илм-фандаги иштирокига эътибор қаратиш ва бу фаолиятни қўллаб-қувватлашдан иборат.

2023 йил 10 февраль куни БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш ҳам баёнот бериб, илм-фан соҳасида хотин-қизлар қанчалик кўп бўлса, бундан илм-фан шунчалик кўп ютишини таъкидлади. Унингча, "Аёллар ва қизлар илмий тадқиқот фаолиятига хилма-хиллик олиб киради, илм-фан асосий касби бўлган фидойилар сафини кенгайтиради ва илмий-техникавий соҳани янгича қарашлар ҳисобига бойитади".

"Мени кишиларимизнинг онгида пайдо бўлган стереотип кўп ўйлантиради. Одатда биз аёлни аваламбор она, оила қўрғонининг қўриқчиси сифатида ҳурмат қиламиз. Бу, шубҳасиз, тўғри. Аммо бугун ҳар бир аёл оддий кузатувчи эмас, балки мамлакатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчиси ҳам бўлиши керак", дейди Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев.

Бугун жамиятимизнинг илмий-техникавий соҳасида хотин-қизлар фаол иштирок этмоқда. Олима аёлларнинг илм-фан соҳасидаги изланишлари ишлаб чиқариш, саноат, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий-маданий соҳаларнинг ривожига салмоқли ҳисса қўшмоқда. 2018 йилдан бери ўтказилаётган "Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси" танловида талаба ва ўқувчи қизлар, дастурчи ва тадбиркор аёллар иштирок этиб келади. "Олима аёллар грантлари" танлови хотин-қизларни илм-фан соҳасида қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга хизмат қилади.

Мамлакатимиз илм-фани ва маънавияти ривожига улкан ҳисса қўшган, миллий тарихда ўзининг ноёб иқтидори билан ном қолдирган, юксак интеллектуал салоҳият ва кенг дунёқарашга эга юзлаб аёллар номини келтириш мумкин.

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига қаратилган 20 га яқин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат, жумладан, 2 та қонун, 1 та

Президент қарори, 4 та фармон, 13 та Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилинди. Бу ҳужжатлар асосида хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва роли мустаҳкамланмоқда. Гендер тенглиги, хотин-қизларнинг таълим олиши ва иш билан бандлиги, жамият бошқарув соҳаларида ўз ўрни ва нуфузини топиш кўрсаткичлари кундан-кунга ўсиб бормоқда. Бу борада қўлга киритаётган ютуқларимиз халқаро ташкилотлар томонидан юқори баҳоланмоқда.

**Ёқутжон ҚОДИРОВА,**
*Низомий номидаги Тошкент давлат Педагогика университети доценти*

# Zamonaviy shahar: tarix va tadqiq

Бундан буён шаҳарлар тарихини фанлараро ёндашув доирасида ўрганишга тўғри келади. Аслини олганда, "шаҳар" тушунчаси билан "шаҳар майдони" ўртасидаги боғлиқлик, микротарих (машҳур кишилар, у ёки бу ижтимоий қатламнинг одатий бўлмаган вакиллари ҳаётини ўрганиш орқали тарихий тадқиқотлар олиб бориш), семиотика (белгилар тизими ҳақида фан), имагология (қиёфа ҳақида фан) категориялари орқали шаҳар маконини ўрганиш йўллари мавжуд. Шаҳар семиотик маконининг хусусиятлари, жумладан, "марказ" ёки "чекка" каби тушунчалар, уларнинг бир-бирига нисбатан нафақат ҳудудий ва ландшафт, балки тарихий контекст, яъни замонлар нуқтаи назаридаги ҳаракати ўзгариб туради.

Мураккаб тизим сифатида шаҳар иқтисодиёт, сиёсат, жамият, маданият, табиат ва бошқаларни ўз ичига олади. Бу "шаҳар" ва "шаҳар макони" тушунчаларининг бир-бирига боғлиқлиги ва ўхшашлигини кўрсатади. Илгари шаҳар майдони тушунчасининг умумий хусусиятлари унинг шакли ва катталигидан келиб чиқар эди. Бу шаҳар атамасидан фарқли ўлароқ, дастлаб аҳоли, жамият билан боғлиқ эди. Ҳудудни режалаштириш, тақсимлаш ва унинг фаолият кўрсатиши муайян вақт ўтиши билан "шаҳар майдони" тушунчасини кенгайтирди.

**Биринчидан, фанда** шаҳар деганда муайян аҳоли сонига эга бўлган ва саноат, савдо, турли тармоқларда хизмат кўрсатиш, бошқарув, фан ва маданият маркази тушунилади. Улар цивилизация ва тараққиётнинг маркази ва маҳсули ҳисобланади.

Ҳозирги замонда муайян аҳоли пунктини шаҳар тоифасига киритиш маълум тартибда амалга оширилади ва бу мезон жаҳон давлатларида турлича. Масалан, бундай мақом берилиши учун Грузия ва Туркманистонда – 5 минг, Ўзбекистонда – 7 минг, Россияда – 12 минг, Японияда – 25 минг киши бўлиши керак. 50 минггача аҳоли истиқомат қилса – кичик, 50 – 100 минг аҳолиси бўлса – ўрта ва 100 мингдан ортиқ аҳолиси бўлса – катта шаҳар ҳисобланади. БМТ қабул қилган қоидаларга мувофиқ, 8 миллион ва ундан зиёд аҳолиси бўлган шаҳарлар "мегашаҳар" деб аталади. Жаҳонда йилдан-йилга мегашаҳарлар сони ортиб бормоқда. Масалан, 1950 йили жаҳонда 2 та мегашаҳар мавжуд бўлса, 1995 йили бу 22 тага етди, 2022 йили 25 тадан ошди. Бажарадиган вазифаларидан келиб чиқиб, шаҳарлар пойтахт, саноат, транспорт, туризм, илм-фан марказлари сифатида тавсифланади *(қаранг: Пономарева М. История одного города: от глобальных изменений до повседневных практик. // "Новое прошлое", 2017, №3)*. Жаҳон аҳолисининг 47,5 фоиздан ортиғи шаҳарларда яшайди.

Ўзбекистонда пойтахт Тошкентдан ташқари яна 25 та шаҳар мавжуд, улар турли омиллар асосида юзага келган. Мамлакатимизда ер ости фойдали қазилма конларининг очилиши ва у ерда янги корхоналарининг қурилиши (Ангрен, Олмалиқ, Янгиобод, Зарафшон, Муборак, Навоий), янги ерларнинг ўзлаштирилиши (Янгиер, Гулистон, Косон, Шеробод), йирик сув иншоотлари ва электр станцияларининг қурилиши (Ширин, Тахиатош) муносабати билан янги шаҳарлар ташкил топди *(https://qomus.info/encyclopedia/cat-sh/shahar-uz/)*.

БМТ Аҳолишунослик бўлими маълумотларига кўра, дунёда урбанизация, яъни шаҳар аҳолисининг сезиларли даражада ўсиши кузатиляпти. Сингапур – тўлиғича шаҳар-давлат. Кайман оролларида – 98,5, Бельгияда – 96, Японияда – 94,3, Уругвайда – 95, Россияда – 73,2 фоиз аҳоли шаҳарларда яшайди. Дунёда 20 миллиондан ортиқ аҳолига эга 4 та шаҳар бор. Булар – Чунцин, Шанхай, Карачи, Пекин. Биргина Хитойнинг Чунсин шаҳрида Ер аҳолисининг 0,5 фоизи истиқомат қилади.

Дунё аҳолисининг қарийб ярми шаҳарларда яшайди. Замонавий шаҳар турли йилларда инсоният талаб ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда "оптимал шаҳар", "биотехник шаҳар", "табиатдаги шаҳар", "экологик шаҳар (экополис)", "илмий ва са-

ноат шаҳри (технополис)", "биотик шаҳар", "яшил шаҳар", "пиёдалар шаҳри" ва "ақлли шаҳар"га ажратиб келинган. Қандай ном билан аталмасин, шаҳарлар, бир томондан, инсоният ютуғи марказларига, иккинчи томондан, ижтимоий тенгсизлик ва унга боғлиқ қатор ижтимоий муаммолар кескин бўлган жойга айланмоқда. Бинобарин, бундай муаммоларга замонавий шаҳарларни экологик тоза маскан ҳамда ақлли маконга айлантириш билан ечим топиш мумкин.

**Жасурбек ЭШТЕМИРОВ**,
*тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент*

# Kamolotning to'rt sharti

Тасаввуф – том маънода инсон ҳақидаги илм, у кўнгилни, қалбни тарбиялашга, кўнгил кишисини вояга етказишга ёрдам беради.

Манбаларда қайд этилишича, "тасаввуф" сўзи "сўфий" сўзидан, "сўфий" эса арабча "суф" сўзидан ясалган. Суф деб араблар жундан тўқилган матони айтадилар. Дастлабки даврларда сўфийлик йўлини тутган кишилар бошқалардан ажралиб туриш учун жундан тикилган чакмон (у хирқа деб ҳам айтилган) ёки пўстин кийиб юришни одат қилган. Шунинг учун улар чакмон кийиб юрувчилар, яъни сўфийлар деб аталган. Мазкур калима IX асрда яшаган Абу Ҳошим Сўфийдан бошлаб жорий этилган.

"Жаҳон фалсафаси қомуси"да келтирилишича, "Тасаввуф исломда инсоннинг руҳий дунёси тўғрисидаги, уни руҳий, ахлоқий жиҳатдан комиллик сари етакловчи таълимот; тасаввуф таълимоти инсоннинг Худо билан ақл ва ҳиссиётдан юқори бўлган сирли алоқаси бўлиб, унинг натижасида инсон онгида Худони билиш ҳосил бўлади. Қадимги Шарқ ва юнон динларида ҳам инсонни ғайритабиий кучлар билан боғлайдиган урф-одатлар (мистериялар), мистицизм элементлари бор эди. Яккахудолик динларининг барчасида мистицизмга хос унсурлар мавжуд. "Мистицизм", "мистика" сўзлари қадимги юнон тилидаги mustikos – "яширин", "сирли" сўзидан олинган бўлиб илоҳиёт билан бевосита мулоқот қилиш мумкинлиги ҳақидаги таълимотдир" *(Назаров Қ. Жаҳон фалсафаси қомуси. Тошкент, "Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти" нашриёти, 2022. 284-бет)*. Кўриниб турибдики, тасаввуфнинг моҳияти инсон ва унинг Худога муносабатида мужассам. Тасаввуфда Худо васлига етишнинг тўрт босқичи мавжуд: шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат. Сўфийлар ҳар бир босқич қоидаларини сидқидилдан бажариб, ҳақиқатга – Оллоҳ дийдорига етишишга саъй қилганлар.

Тасаввуф – мусулмон Шарқи халқлари кўп асрлик маънавий ҳаётининг ғоявий асосини белгилаб берган таълимот, у илоҳий поклик ва инсоний гўзалликни идрок этиш йўли, ҳақ ва ҳақиқатни ҳимоя этиш воситаси бўлиб хизмат қилди. Бу йўлни тутиш учун инсон, аввало, комил мусулмон бўлишга аҳд қилмоғи лозим. Комил инсон, ўз манфаатларини кўпчилик манфаатларидан устун қўймаслиги, барчани бирдай севиши, айниқса, ғариблар, бечоралар, муҳтожлар хизматида бўлмоғи лозим. Тасаввуфдаги ана шу бош ғоясиз тарихда ўтган улуғ зотлар, мутафаккирлар, авлиёлар фаолиятининг моҳияти ва бугунги кундаги аҳамиятини тушуниб ета олмаймиз. Бу борада Азизиддин Насафийнинг "Инсони комил" асарини алоҳида қайд этиш жоиз. Мутафаккир комил инсонга "шариат ва тариқат ва ҳақиқатга етук бўлган одамга айтадилар, агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайин, билгилки, комил инсон шундай инсондирким, унда қуйидаги тўрт нарса камолга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ, маориф", деб таъриф беради.

Инглиз тасаввуфшунос олими Жон Тримингэм Марказий Осиёда тасаввуф илмининг ривожида икки буюк сўфийнинг номини алоҳида ҳурмат билан тилга олади: Абул Ҳасан Али Хороқоний ва Абу Али Фармадий. Фармадийнинг икки шогирди тасаввуф илмида шуҳрат топган: Аҳмад Ғаззолий ва Юсуф Ҳамадоний. Марказий Осиёда сўфийлик тариқатининг кўп силсиласи ана шу икки шогирддан бошланади. Машҳур мутасаввиф шайх Юсуф Ҳамадонийнинг Хўжа Абдулла Барқий, Хўжа Ҳасан Андоқий, Хўжа Аҳмад Яссавий ва Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний каби шогирдлари ўз замонида шуҳрат қозонган шайхлар бўлиб етишади.

Ҳамадонийнинг тариқат йўли "зикри қалбий" эди. Зикри қалбий якка-ёлғиз, ички ирода ва интизом, эътиқод ва тоат-ибодат, машқ орқали руҳан камолга етмоқ йўлидир. Аҳмад Яссавий зикри қалбийни эмас, ўз йўлини танлади. Бунинг боиси шундаки, турклар – табиатан жангари, ғайратли, тиниб-тинчимас, қони қайноқ халқ. Уларнинг қалби саҳродай кенг, ўзлари тоғдай эркин. Турк элининг жисмоний қуввати ҳам товуш бериб зикр тушмоққа мойил. Шу боис Яссавий ўз тариқат йўлига Абдулқодир Жилоний ҳазратларидан мерос қолган баралла айтилувчи жўравоз зикрни асос қилиб олди. Бу тариқат сулукини танлашдан яна бир муҳим мақсад тарқоқ туркий қавмларни бир халқага бирлаштирмоқ эди. Яссавий бобомиз бу ниятига етди, туркий қавмларни руҳан жипслаштирди.

**Қундузхон НИШОНБОЕВА**,
*УзДСМИ доценти, тарих фанлари номзоди*

# Bahor kunlarida kuzning havosi

Ислом илоҳиётчиси ва йирик файласуф Имом Ғаззолийнинг ёзишича, инсон жисми бир мамлакат бўлса, кўнгил – унинг подшоҳи, ақл эса вазирдир. Барча тана аъзолари – раиятнинг кўнгил майлига эҳтиёжи бор. Кўнгил ақл билан кенгашиб, шаҳват ва ғазабни унинг назоратига топширса, бадан мулкида тартиб-интизом бўлади. Агар ақлнинг бошқаруви шаҳват ва ғазаб қўлига ўтса, вужуд салтанати вайронага айланиб, кўнгил ҳам хорликка юз тутади. Шу сабабли Шарқ адабиётида азалдан кўнгил улуғворлиги, шахсият етуклиги мадҳ этиб келинган. Жумладан, шеърият завқ ва руҳ маҳсули, қалб ва ҳуррият маҳсулидир. Асл шеърият чинакам гўзаллик мушоҳадаси ва ҳақиқат шукуҳидан дунёга келади. Унинг тимсоллар табиати, ифода равонлиги, фикр теранлиги эса мукошафага йўл очиб, мубоҳасага ундайверади.

*Баҳор кунларида кузнинг ҳавоси,*
*Танимни жунжитар оқшомги шамол.*
*Нега мунча ғамгин найнинг навоси,*
*Нега қалбим тўла ўкинч ва малол?*

Ирфоний адабиётда баҳор хушхабар таъсирида кўнгилда умид ва ишонч уйғониши, ишқ аҳлининг маънавий мақомини тамсил қилади. Баҳор поклик ва муҳаббатга шайдолик нафаси, тириклик ва янгиланишнинг ибтидосидир. Шеъриятда кўпинча баҳор инсон умрининг болалик ва ёшлик даврига, ёр висолига, гўзаллик ва жўшқинликка ўхшатилади. Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг шеърида ҳам иродаси ишққа таслим бўлган, ҳаёт синовларида тобланган, шахсияти турфа тийраликлардан холи, қалби булоқ сувларидай топ-тоза самимият соҳибининг ҳис-туйғулари қаламга олинган.

Шеърдаги илк тасвирда ҳаётий зиддиятнинг бир қадар содда, оддий, аммо чуқур мулоҳазага имкон берувчи ифодаси ўзига хослик касб этади: "Баҳор кунларида кузнинг ҳавоси". Ўзбек тилида ҳаво сўзи "об-ҳаво"дан ташқари кибр, ўзига бино қўйиш, манманлик маъноларини англатади. Мазкур мисрада ҳам "ҳаво" мана шундай мазмунларда қўлланган. Муайян пейзаж тасвирида яширинган рамзийлик борлик ва йўқлик, инсон ва жамият, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги қарама-қаршиликлар борасида фикр юритишга, уларнинг моҳиятини теранроқ англашга ундайди.

Шеърда "куз ҳавоси" – "най"нинг "ғамгин навосига бениҳоя уйғун: давр қиёфаси, замон нафаси, лирик қаҳрамон руҳий эврилишларини образли тасвир имкониятларидан келиб чиқиб, ниҳоят даражада ишончли жонлантиради. Таассурот шеърхонни тасаввурга, тасаввур тахайюлга, тахайюл эрк ва ҳурриятга бошлаб боради. Агар инсонда руҳ бедорлиги ва ҳайрат ҳоли бўлмаса, қалб ва қиёфанинг бирлигига, эътиқод ва ироданинг бус-бутунлигига эришиш ҳам, тирикликнинг асл сабабини тушуниш ҳам мушкул. Лирик қаҳрамоннинг бедорлиги – яшаш завқида, ҳайрати – бу дунёнинг моҳиятини тафтиш қила олиш қобилиятида яққол кўзга ташланади. "Тан" – вужуд, яъни мавжудлик. У – ҳаёт матлабида ўзлик қиёфасини тўлиқ намоён қилган матонат соҳиби. Бу сўзнинг иккинчи бир мазмуни ҳам мисра замирига сингдирилган: лирик қаҳрамон "оқшом шамоли"нинг кучқудратига, шиддату шижоатига тўла-тўкис тан беради: "Танимни жунжитар оқшом шамоли". Бироқ унинг бу таслимиятини мағлубиятига йўйиш хато. Энг олий қадриятлар инсон кўнглини маскан тутади. Шарқ алломалари томонидан булар учга ажратилган: қалб софлиги, гўзал ахлоқ ва руҳоний ҳузур-ҳаловат. Абдулла Ориповнинг лирик қаҳрамони қалб кишиси, умид одами – борлиғида ғолиблик руҳи барқарор.

*Барглар орасига тинмасдан сира*
*Ошно юлдузлардан тўкилади нур.*
*Билмайман, қийнайди қайси хотира,*
*Титроқ юлдуз каби музлаган шуур.*

"Барглар орасига сира тинмасдан Ошно юлдузлардан тўкилаётган нур" – эртанги ёруғ куннинг шукуҳли қадамларидан умидворлик ва қатъий ишонч рамзи. Биргина "ошно" эпитети бу кечинмаларнинг самимийлиги, теранлиги ва ҳаётбахшлигини далиллайди. Аммо шеърда мисра билан мисрани, банд билан бандни боғлаб, фикр тадрижида алоҳида мавқе тутган ҳайратнинг бош сабаби мавжуд: "Билмайман, қийнайди қайси хотира".

Хотир, хотира – қалб, кўнгил, фикр, ғоя демакдир. Луғатларда ҳам бу сўз "1. Кўнгил 2. Ўй, фикр, хаёл 3. Эс, ёд, хотира 4. Эсдалик" деб изоҳланган. Хотирни хуш тутмоқ, ҳар турфа тийраликлардан асрамоқ лозим. Ана шунда қалб ҳақиқий роҳатни туяди, жон фароғат топади. Ирфоний адабиётда "хотир" дейилганда, кўп ҳолларда инсоннинг ички оламида пайдо бўладиган сас ва овозлар тушунилган. Булар тўртга ажратилган: 1. Оллоҳдан келадиган саслар, яъни хотири Ҳақ. 2. Малакдан етадиган илҳом. 3. Шайтондан келадиган садо – васваса. 4. Нафсдан туғилажак саслар – ҳавожиз. Инсон ботинида васваса билан ҳавожиз барҳам топмас экан, у ҳеч қачон хотир тинчлиги ва осудалигига етиша билмайди. Аммо шеърдаги хотир ниманинг ёди: болалик кечмишларими, олис ёшликда қолган илк муҳаббат соғинчими, вафосиз ёрнинг ўй-хаёлими ёки ҳасадгўй кимсаларнинг турфа қилмишларими?.. Агар шундай бўлмаса, "қийнайди" дейилмасди. Бироқ жавобини ошкора айтиш барибир имкондан хориж бир ишдир. Чунки "титроқ юлдуз каби музлаган шуур".

*Мағлуб баҳодирнинг найзаси мисол*
*Маъюс эгилади терак учлари,*
*Барглар соясида ўйнайди беҳол*
*Уйқудаги қизнинг бедор тушлари.*

"Яхши метафоралар кашф этиш учун нарсалардаги ўхшашликни пайқаш зарур", деган эди Арасту. "Мағлуб баҳодирнинг найзаси мисол" эгилган "терак учлари" ташбеҳи фақат А. Орипов бадиий тафаккурига хосдир. Инсон туғилибдики, кўтаринкилик ва тушкунлик, шодлик ва қайғу, хотиржамлик ва тоқатсизлик, мағлубият ва музаффарият у билан ҳамиша ёнма-ён юради. Аммо тирикликнинг умидбахш таянчи бор, бу – "уйқудаги қизнинг бедор тушлари".

*Атрофимда ётар ғариб бир виқор,*
*Билмам, нега ўчди қалбим сафоси.*
*Нима ҳам қилардим. на иложим бор.*
*Баҳор кунларида кузнинг ҳавоси.*

Фақат "атроф"даги "ғариб бир виқор" туфайли ўчган "қалб сафоси" шеърхонда бир қадар маъюслик ва ҳазинлик уйғотади. Хулоса шуки, изтироби саёз, дарди сийқа, қарашлари якранг одам ўз ҳолини англашга қодир эмас. Сохта манманлик, ясама бир қайсарлик унинг чўнг иродасига ҳукмронлик қилаверади. Аниқроғи, "Нима ҳам қилардим, на иложим бор" демоққа қудрати етмайди унинг. А. Ориповнинг лирик қаҳрамони эса табиий, самимий ва ҳаққоний қиёфасини бадиий сўз шукуҳи билан кўз-кўз қилишдан сира чўчимайди. Унинг умидсизлиги замирида умид, хокисорлигида енгилмас бир ирода ҳамиша бўй кўрсатиб туради. Шоир шеърларининг тадқиқи эса бадиий маҳорат сирларини билишга, қолаверса, давр, замон ва ижтимоий муҳит ҳақидаги фалсафий қарашларини англашга ҳам имкон беради.

**Мақсуд АСАДОВ,**
*филология фанлари доктори, профессор*

# Vijdon xaritasi

Тилга энг эҳтиёткор, унинг ҳамма имкониятларидан фойдаланадиган одамлар – шоирлардир. Улар сўзлардан йўл-йўлакай, шунчаки фойдаланмайдилар, балки сўзни ҳис қиладилар, "тутиб" кўрадилар...

Иосиф Бродский шеърият – онг, тафаккур ва дунёқарашнинг улкан воситаси эканини айтади. Шоир айтаётган сўз, айниқса, сўз ҳақида бўлса, эътиборни янада тортади. Жаҳон адабиётида бу мавзуда ёзилган шеърлар талайгина. Назм санъатида кўп ҳолларда сўз, шеър, шеърият, овоз, услуб, изтироб тушунчалари параллел келади. Эркин Воҳидов "Сўз дурларин термоқдир ишим" деганда шеър ёзишни назарда тутган.

Рауф Парфида сўз ўз вазифасини тамоман ўзгартиради. Шоир буни атайлаб қилмайди, сўзнинг ўзи шоирни бошқаради. Натижада шоир шеърларида сўз – виждон, имон, ўзлик, миллатпарварлик, ёрга, ватанга, миллатга садоқат, эътиқод, муҳаббат, диёнат каби тушунчаларнинг эквивалентига айланади. Бу мулоҳазани шоир учликлари асосида далиллашга ҳаракат қиламиз.

Сўз шоир виждонининг харитаси ўлароқ қад ростлайди: "Дилимда бир сўз бор эди, / Бу сўз меники эди. / Айтдим-у, / Мен сўзники бўлдим ортиқ *(Р. Парфи. Сайланма. Тошкент, "Академнашр", 2013. 69-бет. Бундан кейинги мисоллар шу нашрдан олинади).* Қайси сўз у? Шоир буни очиқламайди. Бир қарашда бу сатрларда олифталик бордек. Лекин унда кучли ижтимоий мазмун яширин. "Айтсам ўлдирурлар, айтмасам ўлам" деган халқ қўшиғининг ифори келади бу шеърдан. Инсоннинг ҳаётини, туйғуларини, ҳисларини, кечинмаларини кескин буриб юборадиган бир сўз аслида ҳаммамизнинг ичимизда бор. Бу ерда гап у қайси сўз экани, унинг маъноюю мазасида эмас, балки унинг дилда борлигида, айтилиши билан муаллифини асирга айлантиришида.

Р. Парфи кўп ҳолларда мазмунни атайин мавҳум, парда ортида сақлайди: "Оғзим тўла сўзлар, жигарларим-эй, / Ортиқ сизни асрай олмайман, / Билганингизни қилингиз" *(72-бет).* Сўз бу матнда изтироб, дарду ҳасрат маъносини ифодалайди. Охирги сатр эса, бизнингча, маънавий-руҳоний ҳуррият тушунчасига бориб тақалади.

Шоир ижодида сўз аксар ҳолларда қандайдир хатардан, изтироб ва кўргиликлардан дарак беради: "Сўз мени таъқиб қилар, / Чирқиратар ўйиб кўксимни, / Сен кимнинг божисан, эй шафқатсиз Сўз?" *(73-бет).* Сўз ижодкор наздида тирик жонга айланади. Бу учликда сўз илоҳий илҳом маъносини англатади. Шу боис ҳам у ижод учун яратилган шахсни таъқиб қилади. Айниқса, "чирқиратиб" деган сўз илҳом талвасасини, изтироб оғриғини яққол гавдалантирган. Маълумки, баъзи буюмларга кимёвий ишлов берилганда, бир нарсадан тамоман бошқа бир маҳсулот яралади. Бу шеър ана шундай ички кимёвий ишловнинг натижаси ўлароқ дунёга келгандек таассурот қолдиради. "Жигар-бағримга тўлди ушбу сўзлар, / Ушбу сўзларга тўлди-ку менинг дунём: / "Сен мени алдамайсанми? Алдамайсанми?!"

Муаллиф сўз ҳақида гап кетганда "жигар" калимасини қўллайди. Юқоридаги учликда ҳам биз бунинг шоҳиди бўлган эдик. У учун ҳар бир сўз жигаридан узилиб тушган тирик нолалардир. У сўз-

нинг вазнини, босимини, рангини, рўйини, ҳаракат ва ҳолатини яхши ҳис қилади. Ушбу учлик юқорида шоирнинг кўксини ўйиб чирқираётган сўзлар билан мантиқий боғлангандек таассурот уйғотади.

Кейинги йилларда миллий тилдаги ўзгаришлар замонавий шеъриятда теран акс этмоқда, шеър янги ҳодисаларни луғатларга қараганда тезроқ қамраб олаётгандек. Шоирлар гўё сўзнинг ҳаётийлигини синовдан ўтказадилар. Шеърият тилда кечаётган жонли жараёнлар ҳақидаги бадиий маълумотлар манбаидир.

Рауф Парфининг сўз ҳақидаги учликлари ҳажман кичик эканига қарамай, тилнинг бой имкониятларини кўрсатиб беради. Бу учликларда сўзнинг маъноси ниҳоятда кенгайиб кетади, у шоир бадиий дунёсининг синонимига айланади. Зотан, сўз – тугамайдиган, доимо янгиланиб борадиган, инсоннинг руҳий ва зеҳний иқтидорини бошқариб турадиган мўъжизадир.

**Равшанбек ЭГАМБЕРДИЕВ,**
*Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги*
*22-ўрта мактаб ўқитувчиси*

# Milliyat tarannumi

Ўзбек халқ оғзаки ижоди мавзу доираси, ғоявий-бадиий ва жанрий хусусиятлари жиҳатидан ранго-рангдир. Миллий кино санъатимизга фольклорнинг кириб келиши табиий равишда рўй берди. Томошабин дилига яқин мавзуни ўзига таниш қаҳрамон тилидан тинглашни истайди. Бинобарин, илк овозли бадиий фильмлар Ўрта Осиё ва Шарқ фольклори қаҳрамони Хўжа Насриддин саргузаштлари асосида суратга олинди. Кейинчалик “Тоҳир ва Зуҳра”, “Семурғ”, “Дилором”, “Еттинчи жин”, “Хоразм афсонаси”, “Али бобо ва қирқ қароқчи”, “Алпомиш”, “Чимилдиқ”, “Пари момо”, “Дилхирож”, “Йўл бўлсин”, “Паризод”, “Чашма”, “Утов” каби фольклорга муштарак фильмлар экранлаштирилди.

Бадиий кино фольклор билан умумлашар экан, бунда албатта урф-одат, мерос, қадрият, маросим ва удумлар етакчилик қилади. Шу маънода экран ва фольклор чорраҳасида суратга олинган фильмлар халққа яқин, кўримли ва севимли бўлади. Хусусан, ўзбек кинематографиясини жаҳон фестивалларига олиб чиққан Юсуф Розиқов ижодий репертуарида фольклор асосида яратилган асарлар талайгина. Режиссёрнинг “Дилхирож”, “Воиз”, “Аёллар салтанати”, “Ўртоқ Бойкенжаев”, “Дард”, “Хотира рашки” каби экран асарлари бевосита ёки билвосита фольклорга муҳаббат сабабли суратга олинган.

“Дилхирож” – Бойсуннинг шўх, мард ва танти халқини суйиб, эркалаб экранлаштирилган асар. Фильмда ўзбек удумлари, қадриятлар, маросим ва анъаналар миллий колоритда, ўзбекона лутф, қочиримлар билан баён этилган. Сценарий муаллифи Эркин Аъзам одатий шакл, мазмундан қочишга уринган, режиссёр Юсуф Розиқов ҳам томошабинни жалб қилишнинг янги йўлларини излаб, ижтимоий-маърифий масалалар, миллий қадрият, удумларга мурожаат қилган.

Фильм кекса момо ҳамда набира қизнинг суҳбати билан бошланади. Ўзидан беш-олти ёш кичик йигит билан боши боғланган, болаликдан бешиккертти қилинган Санам ва Тоштемирларнинг мунособати, “Қаллиқ ўйин” анъанаси бетакрор тасвирларда кўрсатилади.

Халқ оғзаки ижоди намуналари – достон, ҳикоя, ривоят ва эртаклардан маълумки, бир-бирига яқин оилаларнинг бирида ўғил, иккинчисида қиз туғилса, улар вояга етганларида турмуш қуриши белгилаб қўйилар экан. Ота-оналар келишиб, қизнинг бошини боғлаб қўйиш учун бешик дастасига пичоқ билан кертиб, белги қилиб қўйганлар. Бешиккертти уруғ қабилачилик даврининг анъанасидир. Қўшни, уруғ, қабилалар ўзаро дўстликни мустаҳкамлашда бу удумдан фойдаланган. Бешиккертти қилинган фарзандлар вояга етганида турмуш қуриши шарт бўлган. Деярли унутилиб бораётган миллий удумимизни “Дилхирож” яна бир бор ёдга солади.

Дилхирож – дил ва хирож сўзларидан олинган бўлиб, хирож – солиқ, тўлов маъноларини англатади. Яъни у дил, кўнгил билан тўланадиган бож, солиқ, тўлов демакдир. Икки ёшнинг тақдири лирик комедия жанрида таъсирли тасвирланган фильм орадан йигирма уч йил ўтса-да ҳамон кўримли ва севимлидир. Германия ва Франция телеканалларида намойиш этилган “Дилхирож” бугун Япониянинг Фукуока киномузейида сақланади.

Шомирза Турдимов – кино санъати орқали ўзбекнинг кимлигини кўрсатишга, унинг анъаналарини бор бўй-басти билан намойиш этишга уринаётган фольклоршунос олим. Унинг сўзлари оддий, оҳанги содда халқ қўшиқлари, пурмаъно мақоллар, тобора унутилиб кетаётган маросим ҳамда удумлардан мужассам топган “Йўл бўлсин” фильми фикримизнинг исботидир. Картинада табиат ва инсоннинг бир бутун қиёфаси, уйғунлиги бадиий образлар, рамзлар, деталлар, ишоралар, куй-қўшиқлар орқали кўрсатилади. Инсоният табиатдан айро тарзда ҳаёт кечиролмаслиги бадиий яхлит тимсолларда ифодаланади.

Фильмдаги ҳар бир қўшиққа аниқ мақсад, вазифа юкланган. Режиссёр куй-қўшиқларни фильмни шунчаки бойитиш, тўлдириш учун эмас, балки қаҳрамонлар ҳолатини таъсирчан йўсинда ифодалаш мақсадида киритган. Масалан, “Сунбула” қўшиғи куй-

ланганда Муҳаббат ишонган инсони Азиз томонидан рад этилиб, бадном бўлгани акс эттирилади.

*Ўчоқ бошида қумғон,*
*Атрофи баланд қўрғон.*
*Ёргинамга етолмай*
*Юрак-бағрим бўлди қон.*
*Қадамингда гуллар очилсин.*

Томошабин бу сатрлар воситасида қаҳрамоннинг ҳолатини теранроқ англайди. Қўшиқ матнида келтирилган қумғон Муҳаббатнинг тақдири каби қора экани, унинг ўчоқда, оловда куяётгани, атрофда баланд ва чиқиб бўлмас қўрғон борлиги – бари рамзий маъно ташийди. Халқ оғзаки ижодининг шоҳ асарларидан “Сунбула”, “Ёр-ёр”, “Тановар” каби аёлларнинг дарду аламлари, изтироблари, руҳий эврилишлари, қалб кечинмалари моҳирона куйланган қўшиқлар фильм воқеаларини ҳаракатга келтиради. Лапар, айтишув ва маросим қўшиқлари ҳам Муҳаббатнинг яхши-ёмон кунлари, бошига тушган кулфатларга ишора этади.

Фильмнинг қиммати ва поэтикаси қўшиқлар замирига яширинган рамзлар, деталларда янада ёрқин кўринади. Масалан, фильмда дарахтга боғланган ип, тасмалар – умид, ният, орзуни, рўмол – оилани, қизил олма – муҳаббат изҳорини, шафтоли гули – ўткинчи муҳаббатни, бешик – фарзандни, карнай-сурнай – тўйни, қовун – ҳомиладорликни ифодалайди.

“Йўл бўлсин” – соф муҳаббат, тоза туйғулар, соддадил қизларнинг бокира ҳислари, самимий инсонлар ҳақидаги фильм. Яралмишимиздан кўнгил майли, покиза муҳаббатга эҳтиёжимиз бор. Зеро, севмоқ ва севилмоқ истаги инсониятга Одам Ато ва Момо Ҳаводан мерос. Фильм мана шу туйғуларнинг тараннумига бағишланади. Унда киноижодкорлар абадий мавзуга миллий оҳанглар, ўзбекона маросимлар “шираси”, халқ оғзаки ижодининг энг инжа сирлари, тилсимлар орқали мурожаат қилган.

Режиссёр Қамара Камолова “Йўл бўлсин” картинаси орқали бугун ён-атрофда содир бўлаётган ҳодисалар кеча ё айни дамнинг воқеаси эмас, балки азалий ва давомийдир демоқчи. Шунинг учун ҳам у асрлар оша бизгача етиб келган дардли оҳанглар, халқ оғзаки ижодидан фойдаланди.

Бугунги глобаллашув замонида, оммавий маданият ва ғоявий кураш кучайиб бораётган даврда экран ва фольклор санъати муштараклигида суратга олинган фильмларга эҳтиёж катта. Шунинг учун ҳам кинематография фольклорга қайта-қайта мурожаат этмоғи даркор.

**Омина АЗИЗОВА,**
*санъатшунослик фанлари бўйича*
*фалсафа доктори*

# Bitiklarga berkingan tarix

Инсониятнинг тарих давомида яратган энг буюк ихтироси шубҳасиз ёзувдир. Зеро, ёзувга қадар бўлган даврни илмий фаразлар орқали ўргансак, кейинги даврларни аниқ далиллар орқали тадқиқ этамиз. Ёзув ҳам худди инсоният каби ўз тараққиётининг узоқ ва машаққатли йўлини босиб ўтган. Ёзув нарса-буюмларнинг суратидан товушларнинг ёзувдаги ифодасини акс эттирувчи белгиларга айлангунига қадар минглаб йиллар кечган. Ҳеродот қолдирган маълумотга кўра, аҳмонийлар шоҳи Доро II скифлар (қадимги турклар) юртига ҳужум қилганида улардан “қуш”, “сичқон”, “қурбақа” ва “беш ўқ”дан (ёй ўқи) иборат хабар олади. Доронинг маслаҳатчиси бу хабарни шундай изоҳлайди: “Агар сен осмонда қуш каби, ерда сичқон сингари, сувда қурбақага ўхшаб беркина олмасанг, ўқларимиздан омон қолмайсан” *(И. Фридрих. История письма. Москва, “Наука”, 1979. Стр. 34).*

Кейинчалик инсонларни, ҳайвонларни, табиат ҳодисаларини, нарса-буюмларни тасвирловчи суратли ёзувлар пайдо бўлди. Улар тараққий этиб миххат ёзуви вужудга келди. Энг қадимги миххат ёзувлари Месопотамиядан (Ироқ) топилган бўлиб, милоддан аввалги IV минг йилликда шумерлар томонидан яратилган *(ўша манба, 14-бет).*

Милоддан аввалги III минг йилликка келиб Мисрда миххат ёзувидан фарқли ўлароқ қатъий геометрик шаклга эга, мавҳум, ҳайратга соладиган, шеърий ва жонли кўринадиган, ажойиб услубларда чизилган, инсон бошлари, қушлар, турли ҳайвонлар, ўсимликлар ва гуллардан иборат ёзув пайдо бўлди. Фанда у иероглиф деб аталади. Миср белгили ёзуви деб аталадиган иероглиф сўзи аслида “муқаддас ёзув” (юнонча “иерос” – муқаддас ва “глиф” – ўймакорлик) деган маънони англатади *(Ж. Жан. История письменности и книгопечатания. Москва, “АСТ”. 2005. Стр. 26).*

Тахминан милоддан аввалги VIII асрда ҳозирги Суриянинг Ором деган жойида финикияликлар алифбосига ўхшаш алифбо яратилади. У фанда “оромий” ёзуви номини олади. Бу ёзув ҳам бошқа кўплаб халқларнинг алифбосига асос бўлган. Айниқса, Буюк Аҳд шу алифбода ёзилгани сабабли яҳудийлар учун катта аҳамиятга эга.

Милоддан аввалги VIII асрда юнонлар оромий алифбосидаги айрим ундош товушларни англатувчи белгиларни ўз алифболаридаги унли товушларни ифодалаш учун қабул қилади ва “А” – альфа, “Е” – эпсилон, “Y” – ипсилон, “О” – омикрон каби ҳарфлар пайдо бўлади.

Милоддан аввалги III асрда римликлар юнон алифбоси асосида 19 ҳарфдан иборат лотин алифбосини яратади.

Милоддан аввалги IV асрда Ҳиндистоннинг Салатура шаҳрида туғилган Панини исмли ҳинд унли ва ундош товушларни ифодаловчи тулақонли санскрит алифбосини ихтиро қилади ва тарихда биринчи грамматик-лингвист сифатида қолади *(ўша манба, 68-бет)*.

Айнан шу ёзувлар туфайли биз энг қадимги тамаддунларни даврлаштирамиз. Унга кўра дунёнинг энг қадимги халқлари сафида мисрликлар, месопотамияликлар, ҳиндлар, хитойликлар ва юнонлар тан олинади.

Қозоғистонлик олим А. Омонжолов туркларда ҳам милоддан аввалги I минг йилликда алифбо пайдо бўлган деган фикрни илгари суради. Бу фикрга келишига 1970 йили Олмаотадан топилган милоддан аввалги V – IV асрларга оид қабр ва қабр ичидаги кумуш косачадаги ёзув сабаб бўлган. Бу битик рун ёзувини эслатади *(Н. Раҳмон. Турк хоқонлиги. Тошкент, Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993. 31-32-бетлар)*. Н. Раҳмонов ва Б. Матбобоевлар туркиялик олим Ҳусайн Ўрхун фикрларини таҳлил қилиб туркий-рун ёзувлари шаклланишида турк тамғалари муҳим ўрин тутганини таъкидлашади *(Н. Раҳмонов, Б. Матбобоев. Ўзбекистоннинг кўҳна туркий-рун ёзувлари. Тошкент, “Фан”, 2006. 22 – 24-бетлар)*. Маълумки, Ўғузхон ўз давлатини ўғилларига бўлиб берганда ихтилоф келиб чиқмаслиги учун уларнинг ҳар бирига тамға ҳам берган.

“Рун” сўзи қадимги олмон тилидан олинган бўлиб, “сир” деган маънони англатади. Рун ёзувлари Овроосиёнинг кўплаб ҳудудлари ва халқларида (олмонлар, шведлар, финлар, кельтлар, готлар, англо-сакслар, славянлар, можорлар, исландлар, славянлар, булғорлар ва турклар) қўлланган.

Рун ёзувларининг яратилиши ҳақида турли талқинлар мавжуд. Уларнинг айримларига тўхталамиз.

Юнон-лотин алифбоси тарафдорлари. Инглиз тарихчи-файласуфи Исаак Тейлор милоддан аввалги VI асрда, олмон олими Людвиг Виммер II аср бошларида, швед олими Сигурд Агрелл I асрда, Отто фон Фризен II – III асрда яратилган деган фикрни билдиради.

Шимолий этруск талқини. Рунолог Карл Марстрандер этруск алифбоси асосида яратилган деган фикрни илгари сурган.

Олд Осиё талқини. График жиҳатдан Лидия алифбосидаги ҳарфларга ўхшаш бўлгани учун, қолаверса, Лидия алифбосининг юнон алифбоси билан параллел равишда юзага келгани ҳамда III асрда Лидия алифбосининг истеъмолдан чиқиб, руний ёзувларининг пайдо бўлиши билан боғланади. Шунингдек, баъзи руний ёзувлар жанубий араб хати билан ўхшашликка эга.

Ноанъанавий талқин. 1930 – 1940-йилларда Германияда шаклланган “Urrunen” назариясига кўра, нафақат рун ёзувлари, балки дунёнинг бошқа ёзувлари ҳам проруник ёзувдан келиб чиққан деган фараз ўртага ташланган. Бу назария алифбони “олмонлаштириш” мақсадида ишлаб чиқилган.

Туркий-рун ёзувларининг ўқиш сирини очган даниялик тилшунос Вилҳелм Томсен у оромий-суғд ёзувидан келиб чиққан деган фикрни билдиради *(ўша манба, 23-бет)*. II асрга оид суғд ёзувида турк тилида топилган ҳужжатга асосланиб шу қараш вужудга келган *(И. Фридрих. История письма. Москва, “Наука”, 1979. Стр. 168)*. Бизнингча, бу тўхтамга келинишига алифбонинг ўнгдан чапга қараб ёзилиши сабаб бўлган.

Россиялик олим Юрий Дроздов “Оврупо тарихининг турк тилли даври” деган илмий тадқиқотида минтақа халқларининг аталиши, жой номлари ва ёзма манбалардаги маълумотларни таҳлил қилиб, барчасининг ўзаги турк тилига бориб тақалишини асослаган.

Хулоса қилиб айтганда, туркий-рун ёзувларининг пайдо бўлишига оид ҳар бир талқин муайян асосга эга. Аммо турк тамғалари ва рун ёзуви ўртасидаги ўхшашлик ва боғлиқлик ҳамма фараздан кўра асослироқ, назаримизда. Ушбу ёзув мустақил тарзда шаклланган ва Оврупогача етиб борган. Турк олами ислом динини қабул қилиши билан рун ёзуви буткул унутилади.

**Музаффар СУВОНҚУЛОВ,**
*Гулистон давлат университети таянч докторанти*

# Tadqiq etilmagan sahifalar

Журналистикамиз тарихида тадқиқотчисини кутаётган муаммолар кўп. Айниқса, ҳарбий журналистика соҳасида.

Октябрь тўнтаришидан кейинги даврда ўзбек тилида ҳам ҳарбий газета чоп этилган. Зиё Саид бу борада тўхталиб, Туркфронт штабининг ҳарбий бўлими томонидан “Қизил юлдуз” номли газета чиқарилганини ёзади *(Саид З. Танланган асарлар. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. 79 – 80-бетлар)*. Номи ўзбекча бўлгани билан, у миллий манфаатларимиз учун хизмат қилмаган, балки миллий озодлик ҳаракатига қарши мафкура қуролига айланган.

Рус, ўзбек ёки Туркистоннинг бошқа халқлари тилида нашрлар бўлиши табиий. Аммо Туркистонда арман тилида газета чоп этилганини қандай изоҳлаш мумкин?

П. Агапов “Совет Туркистонида ҳарбий матбуот тарихига доир” деган мақоласида 1919 йил 25 июл-

да Каспийорти фронти сиёсий бўлими ҳузуридаги миллий шўъба томонидан Полторацкда (ҳозирги Ашхобод) арман тилида "Шефор" ("Горнист") номли ҳарбий газета чоп этилганини ёзади *(қаранг: "Ўзбекистонда ижтимоий фанлар" журнали, 1967 йил, 2-сон. 40-бет).* Тахминан шу даврда туркман ва озарбойжон тилларида "Садойи фуқаро" номли ҳарбий газета ҳам нашр этилган.

Шўро давлати нега айнан шу даврда Туркистонда ҳарбий нашрлар чоп этишга, маҳаллий тилларда газеталар чиқаришга эътибор қаратди? П. Агаповнинг изоҳига кўра, мақсад Туркистонда Қизил армия ҳарбий қисмларини ташкил этиш ва мустаҳкамлаш, туркистонлик жангчиларнинг сиёсий тарбиясини ошириш, туркистонлик жангчиларни аксилинқилобий қуролли кучларни янчиб ташлашга сафарбар этиш бўлган. Бизнингча, биринчи сабаб ортида масаланинг туб моҳияти акс этиб турибди, яъни истиқлол овозини бўғиш учун сопини ўзидан чиқариш, маҳаллий аҳолини аскарликка сафарбар этиб, мусулмонга мусулмоннинг қонини тўктириш. "Красный фронт" газетаси 1919 йил 26 май сонида Туркистон марказий ижроия қўмитасининг "Қизил Совет Туркистони – хавф остида" номли мурожаати чоп этилади *(Агапов П. Военная печать Туркестана в годы гражданской войны. 1918 – 1920 гг. Автореф. дисс... канд.истор.наук. Ташкент, 1967. Стр. 11).* Шўро мафкураси руҳи билан суғорилган мазкур ҳужжат "Барча – совет ҳокимияти ҳимоясига, ҳокимият ишчилар, камбағал крестьян ва деҳқонларга!" деган даъват билан якунланган. Газетанинг 1919 йил 6 июнь сонида эса "Сўз Қизил Туркистон мусулмон йўқсилларига" сарлавҳали материал босилади. Унда ҳам туркистонлик мусулмон йўқсиллар кўнгилли равишда қўлига қурол олишга, "катта оға"лари билан елкама-елка туриб, "қаттол душман"га ҳал қилувчи зарбани беришга даъват этилади.

"Садойи фуқаро" ҳарбий газетаси, М. Аннақурдовнинг тахминича, 1919 йилнинг 12 августида чоп этилади *(Аннакурдов М. К истории коммунистической печати в Туркменистане. Стр. 111).* Я. Носирийнинг маълум қилишича, "Садойи фуқаро" таҳрир ҳайъатини дастлаб Туркфронт сиёсий бўлимининг мусулмон шўъбаси ташкил этади. 1919 йил 1 декабрдан бошлаб нашр Ашхободдаги вилоят мусулмон бюросининг матбуот органига айланади. Газета 1920 йил январида 800 нусхадан 2 марта, февраль ойида эса 1000 нусхадан 8 маротаба нашр қилинган. М. Аннақурдов газетанинг 1920 йил 15 январдаги 2-сонини ўрганиб, нашр нафақат туркман, балки форсий ҳамда арабий сўзларга бой озарбойжон тилида чиққанини ёзади. Газета 1920 йил апрелгача чоп этилади.

Қизил армия Марвни ишғол этганидан кейин арман миллатига мансуб аҳолини совет ҳокимиятига оғдириш учун Н. Саркисянцга варақалар чиқариш топширилади. Сиёсий бўлим 1919 йилнинг 25 июлидан "Шефор" газетасини чоп этишга қарор қилади.

"Горнист" газетасининг 1919 йил 17 октябрь сонида ёзилишича, қисқа вақт ичида инқилобчи арман ёшлари ва ўқитувчиларидан иборат фаол аудитория юзага келган. Аҳолининг фаол қатлами бўлган ёшларнинг, илғор қатлами бўлган зиёлиларнинг онгига нашр тез суръатда кириб бордими, демак, мақсад йўлида катта қадам ташланган. Яна бир факт эътиборни тортади. Қисқа вақт ичида газета саҳифаларида 23 та бош мақола, 77 та мақола, 14 та беллетристик материал, 12 та фельетон, 7 та шеър чоп этилади. "Шефор"нинг жами 29 та сони чоп этилган. Бош мақолалар сонига таяниб мулоҳаза юритсак, ахборот маконида муҳораба аёвсиз бўлганини англаш мумкин.

Туркман ёки озар тилида ҳарбий газета чоп этилишини тушунса бўлади, аммо нега арман тилидаги нашрга эҳтиёж туғилди? Манбаларга кўра, 1901 йили Ашхободда тахминан 36,5 минг аҳоли бўлиб, уларнинг 11,2 мингини форслар, 10,7 мингини руслар, 14,6 мингини эса арманлар ташкил этган. Шаҳар аҳолисининг асосий қисми арманлардан иборат бўлган. Россия ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги таҳлилий марказ директори Андрей Казанцевнинг фикрича, Туркистон генерал губернаторлиги 1917 йил инқилобига қадар Туркманистонда алоҳида Каспийорти ўлкасини ташкил этиб, ҳозирги Озарбойжон ҳудудидан арманларни оммавий равишда Ашхободга кўчиради.

Туркистондаги миллий озодлик курашини бостиришда Қизил армия сафида арман дашноқларидан ташкил топган бўлинмалар бўлгани маълум. Фитна санъатини пухта эгаллаган шўролар Қизил армиянинг Каспийорти фронти бўлинмаларини туркийларга тарихий адовати бўлган арман миллатига мансуб фуқаролар, хусусан, дашноқлар ҳисобига мустаҳкамлаган ва тарғибот воситаси сифатида газетадан унумли фойдаланган.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида келтирилишича, "горн" немисча сўздан олинган бўлиб, пуфлама чолғудир. Уни чалувчи эса "Горнист", яъни "горнчи" дейилади. Демак, "Шефор" ("Горнист") шўро мафкураси куйчиси, чолғучиси бўлган. Ҳарбий нашр шўро давлати буюрган куйни чалиб, жамоатчиликни қизил мафкура ва сиёсат тўғри эканига ишонтириш, маҳаллий аҳолида шўро душманларига қарши нафратни шакллантириш, армия сафини маҳаллий аҳоли ҳисобига кенгайтириш, Туркистон миллий озодлик ҳаракатига қарши курашни кучайтиришга хизмат қилган.

**Алижон САФАРОВ,**
*УзЖОКУ доценти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори*



# SUMMARY

**Sleeping and Awake. Interview with the writer Olim Toshboyev. pp. 4-15.**

During the conversation, the achievements and challenges in the education system, which is of vital importance for the country, were discussed, along with the differences between public and private institutions of higher education. According to writer Olim Toshboyev, the results of recent years show that Uzbekistan has lost a lot in the field of education. Toshboyev shared his proposals for reforming the education system and emphasized the need for caution when implementing new experiences. He concluded, “In agriculture, transplanting plants is not a tragedy, but a mistake in education will affect an entire generation.”

**Zukhriddin Isomiddinov. Nationality is Evident in Every Object. pp. 16-23.**

To what extent do portraits and statues of historical figures such as Amir Temur, Alisher Navoiy, and Zahiriddin Muhammad Babur, who left an indelible mark on Uzbek statehood, politics, and literature, correspond to historical reality? In his article, Zukhriddin Isomiddinov reveals the mistakes and shortcomings in the widely reproduced portraits and statues of these figures. He states, “Portraits and statues of people like Amir Temur, Alisher Navoiy, and Zahiriddin Muhammad Babur



represent not only their faces but also the face of the entire Uzbek nation. Therefore, we must ensure that images and statues of these historical figures accurately reflect their way of life."

**Nodira Ofoq. The Right to Dream. pp. 24-31.**

Sisyphus is a hero variously interpreted in world literature. The earliest works about him belong to authors of antiquity. The idea that man is a prisoner of fate was expressed by ancient creators through mythological images. Later, French writer Albert Camus saw in Sisyphus not a servant of fate, but a reflection of the people of his time, forced to lead dull lives filled with inefficient labor and despair. So, what does Sisyphus represent in the new age? This article explores modern interpretations of the Sisyphus paradigm based on the works of Swedish writer Theodor Kallifatides and Uzbek writer Khurshid Dustmuhammad.

**Andrei Tarkovsky. After "Nostalghia". pp. 54-63.**

Andrei Tarkovsky is a director who has created his own school of filmmaking and is recognized as a brilliant artist all over the world. His films such as "Ivan's Childhood", "Andrei Rublev", "Mirror", "Stalker", "Solaris", "Nostalghia", "The Sacrifice" were highly appreciated by the world cinema community. The article of the famous director, published for the first time in Uzbek, reflects his scientific and creative principles of the author.



# Javohirlar shodasi

“Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида” туркумида чоп этилган 70 жилддан иборат китоб-альбом бир неча йиллик дақиқ меҳнат, машаққатли изланишлар маҳсулидир. Тўпламдан тарихнинг турли даврларида Ўзбекистон ҳудудидан олиб чиқиб кетилган, ҳозирда жаҳоннинг нуфузли музейлари, кутубхоналари ва шахсий коллекцияларда сақланаётган маданиятимиз дурдоналар ҳақида қимматли маълумотлар ўрин олган.

Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамиятининг лойиҳасига кўра ўттизга яқин мамлакатга илмий сафар уюштирилди, ўн мингдан зиёд экспонатлар, тарихий ашёлар, қўлёзмалар, амалий ва тасвирий санъат намуналари топилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, хорижда юртимиз тарихи ва маданиятига алоқадор яна кўплаб артефактлар, осори атиқалар мавжуд. Демак, ушбу лойиҳа бўйича изланишлар давом эттирилади.

Ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги китоб-альбом Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда нуфузини ошириш, кўҳна тарихимизни ўрганишда қимматли манба саналади.

Нашр курсаткичи: 869/870
Баҳоси келишилган нархда

# TAFAKKUR

ТАФАККУР 2/2024



ISSN 2010-6491
9 772010 649005